

420

Ўттиз олтинчи йил чиқиши
Муҳаррам 1443ҳ – август 2021м



Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал

Ал-Вароъ



Пайғамбаримиз ﷺ нинг ҳижратлари энг
буюк оламшумул воқеа бўлиб, ваъда қилинган
рошид Халифаликни барпо этишгина унга тенг
келиши мумкин

Исломдан нега
бунчалик
қўрқишяпти?

11

Шариат
мақсадлари

26

Нишон ва байроқ-
ларнинг Исломдаги
ҳукми (1)

45



420

Ўттиз олтинчи
йил чиқиши
Муҳаррам 1443х
Август 2021м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Ушбу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Пайғамбаримиз ﷺ нинг хижратлари энг буюк оламшумул воқеа бўлиб, ваъда қилинган рошид Халифаликни барпо этишгина унга тенг келиши мумкин. 3
- Исломдан нега бунчалик қўрқишяпти? .. 11
- Халифалик оддий фарз эмас, балки, фарзлар тожидир 15
- Шариат мақсадлари..... 26
- Капитализм ўзининг адолатсиз низоми билан инсониятни эзмокда, ягона ечим Ислом низомидадир 35
- Нишон ва байроқларнинг Исломдаги ҳукми (1) 45
- **Олам мусулмонлари хабарлари....** 56
- **Қуръони Карим суҳбатида** 60
- **Жаннат боғлари:** Мусулмонларга юкланган шаръий аҳкомларда енгиллик бор (2) 65
- Зайд ибн Амр ибн Нафил..... 71
- **Сўнгги сўз:** Саудия арабистонидаги ҳукмрон оила ва диний муассаса ўртасидаги муносабатлар қоидасининг ўзгариши 75
- Шайх Усома Рифоий: Фуқаролик жамияти ташкилотидagi аёллар БМТ ва Фарб томонидан ёлланган бўлиб, аёлларимизни бузиш учун фаолият олиб боришади 76

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**ПАЙҒАМБАРИМИЗ ﷺ НИНГ ҲИЖРАТЛАРИ ЭНГ БУЮК
ОЛАМШУМУЛ ВОҚЕА БЎЛИБ, ВАЪДА ҚИЛИНГАН РОШИД
ХАЛИФАЛИКНИ БАРПО ЭТИШГИНА УНГА ТЕНГ КЕЛИШИ
МУМКИН**

Абдуррауф Бану Ато – Абу Ҳузайфа

Аллоҳ Таоло одамлар учун ўзгармас қонун жорий қилган. Бу қонунни баён қилиб Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا مَا بِأَنفُسِهِمْ﴾

**«Аниқки то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича
Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас»** [Роъд 11]

Инсонларнинг ҳаёт йўли, яшаш тарзи ва сақофатини ўзгартирадиган оламшумул ҳодисалар кам учрайдиган ҳодисалар бўлиб, Аллоҳ Таоло уларни авлодларни пайдо қилиш деб номлади:

﴿ثُمَّ أَنشَأْنَا مِنْ بَعْدِهِمْ قُرُونًا ءَاخِرِينَ﴾

«Сўнгра улардан кейин бошқа авлодларни пайдо қилдик»

[Мўминун 42]

Ибн Касир буни умматлар ва халқлар деб тафсир қилган.

Агар Пайғамбар ﷺ нинг Маккаи Мукаррамадан Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилиш воқеасига қайтадиган бўлсак, биз уни қиёматгача юз берадиган воқеаларнинг энг муҳими бўлганини биламиз. Ваъда қилинган рошид Халифаликнинг барпо этилишигина бу воқеага тенг келиши мумкин. Охир замонда барпо этиладиган ушбу Халифаликда дин Пайғамбар ﷺ га нозил қилинган кунда қандай бўлган бўлса, яна ўша ҳолига қайтади.

Ҳижрат кечаси ибратли сабоқларга бой кеча бўлган эди. Унда куфр етакчилари тўпланиб, ҳақ даъватига унинг эгасини ўлдириш орқали барҳам беришга қарор қилишди. Улар ҳақни бошидаёқ йўқ қилиб, нурини ўчириш ниятида йўлга чиқишди... Шайтон макрига алданган бу етакчилар Росулulloҳ ﷺ нинг қони зулм, жаҳолат ва қолоқлик ботқоғига ботган қабилаларга тарқалиб кетишини хоҳлашди. Бу худди бугун Америка халқаро ҳамжамият билан бирга халқаро коалиция тузиш орқали Исломга қарши курашаётганига ўхшар эди... Лекин бу йиғилиш ва коалицияларнинг сони кўп, тайёргарлиги қанчалар кучли бўлмасин ҳамда улар қанчалар тил бириктириб, жинойт қилмасинлар Аллоҳнинг ушбу қонунини

ўзгартира олмаслар. Чунки ҳижрат ортида еру осмонларнинг эгаси бўлмиш Жаббор зот турар ва унга бутун дунёга таъсир қилган кенг кўламли оламшумул ўзгариш қўшилган эди. Аллоҳ Таоло бу ўзгаришни қиёматгача давом этишини хоҳлади, лекин у бугун узилиш ҳолатида. Жоҳил қабила бошлиқлари, бузғунчи жанговар гуруҳлар ҳамда жирканч калла кесарлар на уни тўхтата олди ва на ўз мақсадидан бура олди... У қайтиб келган кун ҳам Аллоҳнинг ёрдами ва тавфиқи ила худди ҳижрат кунидек бўлади. Аллоҳнинг ваъдаси ва тақдири олдиндан белгилаб қўйилгандир.

Аллоҳ Субҳанаҳу ҳижратнинг порлоқ нури кўзларни қамаштиришини, ер юзи Парвардигорнинг нури билан порлашини ҳамда ҳақиқатни кўра олмайдиган ва бошини қуйи солганларнинг кўзлари очилишини истади. Бас, шундай борлиқни яратган Аллоҳ айб-нуқсондан покдир, дунёни бутунлай ўзгартириб юборадиган ҳал қилувчи дақиқаларни яратган Роббул оламиндир. Қисқа вақт ўтгач Ясрибда яхшилик хабари эшитилди ва Вадоеъ тепаликларидан ой чиққани хабари келди. Мўминлар:

«Вадоеъ тепаликлари узра тўлин Ой кўринди.

Аллоҳга даъват этувчи пайдо бўлгач,

Бизга ҳам шукр қилиш вазифаси тушди.

Эй Аллоҳнинг Росули, сен бизнинг орамизга юксак

бир дин билан келдинг,

келдингу бизларга шараф бердинг», дея қўшиқ куйлаб кутиб олдилар. Улар даъват ва давлат соҳиби атрофида бирлашдилар. Хавф ва хатардан сўнг омонлик келди. Муҳожир ва ансорлар рози бўлган ҳолларида ўз ишларини у зотга топширдилар. Уларни Аллоҳга бўлган имон, исломий давлатга мансублик ва Пайғамбар ﷺ га итоат бирлаштирди... Улар қиличларини яланғочлаб, ушбу даъват ва унинг Росулини ҳимоя қилишга тайёр эканликларини билдирдилар. Ҳатто Мадинадаги яҳудийлар ва мушриклардан иборат мунофиқлар ҳам бу байрам муҳитидан четда қолмади.

Росулуллоҳ ﷺ нинг ҳижратлари ҳақ ва ботил ўртасидаги курашнинг ажойиб намоишига айланди. Маккада қиличлар куфр ва унинг низомини ҳимоя қилиш учун даъватни ва унинг Росулини ўлдиришга тайёр турган бўлса, Мадинадаги қиличлар Ислом рисолати ва унинг росулини ҳимоя қилиш учун тайёр эди... Маккада Росулуллоҳ ﷺ даъватига қарши чиққан кофирларнинг вакиллари у зотнинг қонини тўкишга тайёр бўлса, Мадинада мўминлар даъват соҳиби келишидан хурсанд бўлиб байрам қилишар эди. Улар Росулуллоҳга ва у зотнинг даъватига ёрдам беришга ҳамда ҳар қандай душмандан ҳимоя қилишга тайёр эдилар. Росулуллоҳ ﷺ нинг ҳижратлари энг буюк давлатни барпо қилган, энг буюк ғояни ўзида мужассам этган ва энг буюк Умматни яратган буюк оламшумул воқеа

бўлди. Аллоҳ бизга айни шу оламшумул воқеага тенг келиши мумкин бўлган ишни, яъни рошид Халифаликни барпо этишни, бунинг учун Уммат орасидан Ислоннинг илк авлоди изидан бориб, фаолият олиб борадиган сара гуруҳ чиқишини фарз қилди.

Биз ушбу ва ундан кейинги воқеаларни ҳамда у билан бирга бўлган азоб-уқубат, озор ва фитналарга сабр қилиш, шунингдек, қўрқув, умид ва кутиш каби кечинмаларни ҳар доим эслаймиз. Росулulloҳ ﷺнинг ҳижратларига ўзимиз одатлангандек эмас, балки, тўғри томондан қарашимиз лозим:

– Қуръон нозил бўлишининг илк бошланишида, аниқроғи, Алақ сурасида Аллоҳ инсонни (ирқи, ранги, миллати ёки булардан бошқа жиҳатларидан қатъий назар) инсон сифатида яратганини, унга ёзишни ва билмаган нарсаларини ўргатиш билан эҳтиром кўрсатганини зикр қилди. Шунингдек, бу суроада Аллоҳ Таоло ҳақ билан ботил ўртасидаги курашни... яхшиликдан қайтарадиган кофир ва тақвога буюрадиган мўмин эканини... Аллоҳга қайтиш ва қиёмат кунидаги азобни зикр қилди ва мўминларни сажда қилиш орқали Аллоҳга яқинлашишга буюрди... Шунинг учун инсон биринчи нозил бўлган оятларни ўқиганидаёқ, ундаги даъват инсон деган эътиборда (яъни, унинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда) унга қаратилганини тушунади.

– Росулulloҳ ﷺнинг даъвати олдинги рисолатларнинг давоми бўлди. Бироқ, у тавҳид асосидаги янги услубда келди. Ислон ўзининг умумбашарийлиги билан бошқа рисолатлардан ажралиб турар эди. Росулulloҳ ﷺ биринчи кунлардан бошлаб унинг умумбашарийлигини мустаҳкамлаш йўлидан юрдилар. У зотга эргашганлар сафида Салмон Форсий, Билол Ҳабаший, Сухайб Румий ва Абу Бакр каби турли миллат вакиллари бор эди... Ислон яҳудийлик, насронийлик, мажусийлик ва юлдузпарастлик каби дин вакиллари Ислонга чақирди... Бу даъват ирқчилик ва тарафкашликни инкор этиб, ушбу тўғри дин олиб келган нарсани ушлашга чақирди...

– Бу даъват бошқа дин вакиллари бағрига олиб, уларни Ислон давлати ҳомийлиги остига киритиш учун келди. Айни пайтда уларни ўз эътиқодлари бўйича яшаш ва ибодатларини қилиши ҳамда уйланиш, ажрашиш, емоқ-ичмоқ ва кийиниш соҳасида ўз динларига кўра яшашларига кенг йўл очиб берди. Лекин уларга Аллоҳ ўз Росулига нозил қилган низом умумий низом бўлишини шарт қилди. Шу билан бу даъват низомнинг умумбашарийлигини рўёбга чиқарди.

– Бу даъват одамлар учун ҳақ динни олиб келгани ва ундан бошқаси қиёматгача ботил эканини маълум қилди. Шунингдек, у ўша пайтда ҳукмрон бўлган бутпарастлик, юлдузпарастлик ва даҳрийлик каби куфр ва ширк фикрларига қарши ҳужум қилди... Бу

даъват бугун демократия ва социализм деб аталаётган нарсаларга ҳам қарши чиқди. Шунингдек, ватанпарварлик ва жирканч миллатчиликка қарши курашади ҳамда ёлғиз ва қаҳрли зот бўлмиш Аллоҳга ибодат қилишга чақиради...

– Бу даъват аввалги қадамлардан бошлаб ушбу дин билан ҳукм юритадиган давлатни барпо этишга шошилди. Шунинг учун Росулulloҳ ﷺ Қурайш кофирларига:

«كَلِمَةٌ تُعْطُونَهَا تُحْكُمُونَ بِهَا الْعَرَبَ وَتَدِينُ لَكُمْ بِهَا الْعَجَمُ»

«Ҳа, менга биргина сўзни айтиб (имон келтиринглар), у билан арабларга ҳоким бўласиз, ажамлар эса сизга бўйсунди», деган эдилар. У зот давлат барпо этиш учун ёрдам сўрадилар. Қурайш Росулulloҳ ﷺ нинг давлат барпо этишга чақираётганларини у кишининг талабидан тушуниб турар эди. Шунинг учун улар мана шу нуқтаи назардан у кишига қарши уруш эълон қилишди ва у кишини ўлдиришга келишишди. Лекин Аллоҳ Таоло ўз ишида ғолибдир. Даъватнинг самараси Мадинада давлат барпо этилиши бўлди...

– Росулulloҳ ﷺ Мадинада барпо этган давлатнинг давом этиши аниқ эди. Чунки шаръий аҳкомлар ва ҳаёт низоми унга боғлиқ эди. Бу давлатга бўйсуниш ва итоат қилиш орқали Аллоҳга бўлган ибодат тўла бўлади. Қачон у давом этишдан тўхтаса ибодат арқони узилади ва уни янгидан бошлаш вожиб бўлади. Агар давлат бўлмаса, бошқарувга оид шаръий аҳкомлар бекор бўлади, давлат тикланиши билан улар яна татбиқ бўлади. Давлат йўқ бўлса, дин оламшумуллик мақомидан тушиб, яҳудийлик ва насронийлик каби шахсларга оид динга айланади. Буни қабул қилиш ва унга сукут сақлаш катта гуноҳдир. Уни қайта барпо этиш ва янгидан бошлашга ҳаракат қилмаслик Аллоҳнинг ғазабини қўзғайди.

– Росулulloҳ ﷺ ўз мақсадларини рўёбга чиқариш учун аввалги қадамлариданоқ даъватнинг мабдаийлигига таяндилар. Чунки ҳеч қандай келишувга рози бўлмадилар ва Қурайшнинг даъватдан кечиши эвазига бойлик бериш ва етакчи қилиб олиш шартига кўнмадилар. Шунингдек, Бану Саъсаа қабиласининг у кишидан кейин бошқарув уларга қолиши ҳақидаги таклифини рад этдилар. Ҳолбуки, Росулulloҳ ﷺ саҳобалари ва даъвати энг қийин аҳволда эди... Бугун биз ҳам мана шундай мабдаий даъват олиб боришимиз, ҳақни ботилга аралаштиришларига рози бўлмаслигимиз, давлатни барпо этиш ва Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритишда Аллоҳдан бошқасини шерик қилмаслигимиз керак. Шунингдек, аҳкомларни босқичма-босқич татбиқ этиш ва Аллоҳ нозил қилган аҳкомлардан бошқа аҳкомлар билан ҳукм юритиш фикрини қабул қилмаслигимиз, бошқарувда куфр низомлари иштирок этишига рози бўлмаслигимиз керак.

Бундан ташқари, Ғарбнинг Исломни суълтириш учун айтган «Ол ва талаб қил», «Барчасини амалга ошириш имконсиздир, деган ҳужжат билан барчасини тарк этиш жоиз эмас», каби гапларни қабул қилмаслигимиз керак. Яна демократияни инкор қилишимиз ҳамда уни маслаҳат, деб таърифлашларига йўл қўймаслигимиз лозим. Чунки бу каби сўзларни қабул қилиш имон, фикр ва тушунчанинг заифлигидандир. Буларнинг барчаси Ғарбдан таъсирланиш оқибатида рўй беради. Шунинг учун Росулulloҳ ﷺ диндан ташқаридаги нарсани катта ёки кичик бўлишидан қатъий назар олишдан қайтарганлар. Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинди: Умар ибн Хаттоб аҳли китоблардан олган бир китобни Росулulloҳ ﷺ нинг олдиларига олиб келиб, ул зотга ўқиб берди. Шунда Росулulloҳ ﷺ ғазабланиб бундай дедилар:

«أُمْتَهُوْكَوْنَ فِيْهَا يَا ابْنَ الْخَطَايَا، وَالَّذِيْ نَفْسِيْ بِيَدِهِ لَقَدْ جِئْتُكُمْ بِهَا بَيْضَاءَ نَفِيَّةً، لَا تَسْأَلُوْهُمْ عَنْ شَيْءٍ فَيُخْبِرُوْكُمْ بِحَقِّ فُتُكِدْبُوْا بِهِ، أَوْ بِبَاطِلٍ فَتُصَدِّقُوْا بِهِ، وَالَّذِيْ نَفْسِيْ بِيَدِهِ لَوْ أَنَّ مُوسَى كَانَ حَيًّا، مَا وَسِعَهُ إِلَّا أَنْ يَتَّبِعَنِيْ»

«Эй Ибн Хаттоб, шу китоб сизларнинг эътиборингизни ўзига тортяптими? Жоним қўлида бўлган зот ҳаққи, мен сизларга ундан софроқ ва эътиборингизни тортувчироғини келтирдим-ку?! Сизлар улардан сўраманг, чунки улар ҳақни хабарини берса сизлар инкор қилишингиз ёки ёлғоннинг хабарини берса, сизлар тасдиқлаб қўйишингиз мумкин. Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, агар Мусо ﷺ тирик бўлганда, фақат менга эргашган бўлар эди». Шунинг учун биз ушбу соф ва тоза даъватни Росулulloҳ ﷺ қандай олиб келган бўлса, шундайлигича сақлашимиз лозим. Ибн Можжа Арбоз ибн Сориядан ривоят қилган ҳадисда у киши айтади: Росулulloҳ ﷺ бизга шундай мавъиза қилдиларки, ундан кўзлар ёшланди ва қалблар ларзага келди. Шунда биз Эй Аллоҳнинг Росули бу видолашув мавъизаси-ку, бизга нимани қолдирасиз дедик. Шунда Росулulloҳ:

«فَدَّرَكْتُكُمْ عَلَى الْبَيْضَاءِ لَيْلُهَا كَنَهَارِهَا، لَا يَزِيْغُ عَنْهَا بَعْدِي إِلَّا هَالِكٌ، مَنْ يَعِشْ مِنْكُمْ فَسَيَرَى اخْتِلَافًا كَثِيْرًا، فَعَلَيْكُمْ بِمَا عَرَفْتُمْ مِنْ سُنَّتِيْ، وَسُنَّةِ الْخُلَفَاءِ الرَّاشِدِيْنَ الْمُهَدِّيْنَ، عَصُوا عَلَيْهَا بِالتَّوْاجِدِ، وَعَلَيْكُمْ بِالطَّاعَةِ، وَإِنْ عَبْدًا حَبَشِيًّا، فَإِنَّمَا الْمُوْمُنُ كَاجْمَلِ الْإِنْفِ، حَيْثُمَا قِيَدَ انْقَادًا»

«Дарҳақиқат мен сизларга тун ҳам кундузидек тиниқ соф нарсани қолдирыпман. Ундан фақат ҳалок бўлган кишигина тойилади. Сизлардан ким тирик бўлса, келажакда кўп келишмовчиликларга гувоҳ бўлади. Шунинг учун сизлар менинг ва тўғри йўлдаги рошид халифалар йўлини маҳкам

ушлаб, уни озиқ тишларингиз билан тишланглар. Гарчи қора қул бўлса ҳам уларга итоат қилинглар. Чунки мўмин кишининг табиати қаёққа етакласанг, кетаверадиган қаровсиз туяга ўхшайди».

– Росулulloҳ ﷺ ва саҳобалар даъватнинг тиканли йўлида кўп қийинчиликларга дуч келдилар ва бу мусулмонлар учун қиёматгача ибрат ва чиройли намуна бўлиб қолди. Чунки давлат банданинг машаққатларидан йироқ бевосита раббоний аралашув билан барпо этилмади. Шунингдек, Аллоҳ томонидан фалокат келиб, даъватга қарши чиққан душманлар қириб ташланиши орқали ҳам барпо бўлмади. Аксинча, у мусулмонларга ҳам, кофирларга ҳам бир хил зарар етказган жанг ва ғазотлар билан барпо этилди. Давлат шундай шаклда барпо этилдики, уни ҳар қандай замонда амалга ошириш мумкин бўлиб қолди. Шунингдек, уни барпо этиш учун куч сарфлаш, Аллоҳ йўлида чиройли сабр қилиш ҳамда қийинчилик ва зарарларни кўтариш керак бўлади.

– Бу даъват ўликларга жон бағишлади. Чунки у ҳазорат ва давлат тушунчаларидан йироқ, ирқчилик, тарафкашлик, қулчилик ботқоғига ботган ҳамда жаҳолат ва саводсизлик зулматига чўмган араб ярим оролида кўтарилди...

– Бу даъватда бошқалар устидан ғалаба қилиш, уларни қул қилиш ва камситиш тушунчалари йўқ эди... Аксинча, у динни ёйиш ҳамда уни ихтиёрий ва ишонарли тарзда танлаш учун ҳар қандай тўсиқларни олиб ташлаш орқали одамларни унга киритишга ҳаракат қилди. Шунинг учун тез тарқалди ва кўпчилик уни қабул қилди ва у қиёматгача шундай давом этади.

Шундай қилиб, бу даъват Маккада ўз мабдаийлигини кўрсатиб, озорларга сабр қилди ҳамда бошқаларга тўғри йўлни кўрсатиб, дин барпо этилганидан кейин улардан ўч олмади... Бундан ташқари, у етук ҳужжат келтириш, гўзал калималар билан сўзлаш ва тўғри даъват қилиш каби қуролни ишга солди. Маккада даъватни ёйишда моддий қурол ишлатмади. Шунинг учун у қон тўкмади, адоват уруғини сепмади ва ўч олмади... Буларнинг барчасига сабаб Ислом ҳидоят дини ва давлат эса ҳимоя давлати эди. Мусулмон киши ўзи учун одамлардан ўч олиш ўрнига уларни тўғри йўлга етаклашни яхши кўради... Росулulloҳ ﷺнинг Маккадаги даъватида мабдаийлик белгилари очиқ кўриниб турар эди. Пайғамбаримизнинг оламшумул даъватидаги муваффақият белгиси шундан иборат эдики, у киши етакчиликда тенги йўқ ва оламшумул вазифани бажаришга лойиқ давлат арбобларини етиштириб чиқардилар. Чунки Маккадаги босқич имон уруғини сепиш ва барча инсонларга даъватни етказишга ҳаракат қилиш босқичи бўлди. Мадинадаги босқич эса, Исломни оламга ёйиш учун амалий босқич

бўлди. Ислоний давлат Ислонни татбиқ қиладиган, уни ҳимоя қиладиган ва бутун дунёга ақида ва ҳаёт низоми сифатида ёядиган восита бўлди.

Ҳа, ҳижрат одамларнинг аҳволини ўзгартириб юборди. Муҳожирлар учун ҳижрат диёри дея аталмиш диёр пайдо бўлди, у ернинг туб аҳолиси эса ансорлар дея номланди. Ясриб эса, Мадина ва Тийбатул хайр дея аталди... Бу исмларнинг барчаси янги вужуд пайдо бўлганига далолат қилар ҳамда Маккадан келган муҳожирлар мадиналик ансорлар билан битта қозонда тобланди. Уларнинг бу келгинди ва буниси фуқаро деб ажратадиган бирор белгиси бўлмади. Уларнинг барчаси икки шаҳодат калимасидек ҳужжатга эга бўлган ва тақвоси билан ажралиб турадиган мусулмонлар эди.

Эй мусулмонлар, биз Ҳизб ут-Таҳрир аъзолари айтамизки, Росулulloҳ ﷺ олиб келган даъватнинг айнан ўзини кўтариб чиқдик. Биз Росулulloҳ ﷺ юрган йўлдан юрдик ва уни ёлғиз йўл деб имон келтирган ҳолда юришда давом этмоқдамиз. Биз у орқали Ислон давлатини Пайғамбаримиз ﷺ биринчи марта барпо этганларидек барпо этамиз. Биз бу йўлда фикр, ҳужжат ва талабуннусра қуролини ишга соламиз ва мусулмонлар билан биргаликда Ислон давлатини барпо этамиз. Ана ўшанда азизлик Аллоҳ, унинг Росули ва ер юзидаги барча мўминларники бўлади. Биз бу даъватимизда Росулulloҳ ﷺнинг даъватдаги тариқати, талабуннусра, ҳижрат диёри, бошқача айтганда Ислон диёри, Пайғамбарлик минҳожии асосидаги рошид Халифалик, Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритиш ва динни барча динлар устидан ғалабаси каби лафзлар ва уларнинг маъноларини қўллаймиз...

Рошид Халифаликни барпо этишга даъват қилиш янгича ҳаёт баҳш этишга даъват қилишдир. У шундай ҳаёт бўладиги, уни бутун оламга татиғулик муфасссал оламшумул янги тузум-Ислон тузуми бошқаради. Шундай экан, биз унинг гувоҳлари, қўшинлари, қурувчилари ва халқи бўлайлик. Шунингдек, ҳижратни куфр режимлари, етакчилари ва дўстларидан воз кечишга ҳамда Аллоҳнинг буйруғини тиклаш ва уни бутун динлар устидан ғалаба қилишига восита қилайлик.

Дарҳақиқат, Уммат бир аср халифасиз яшади. Агар Уммат ўз Пайғамбари йўлини маҳкам тутмаса яна бир аср ҳам ўтиб кетади. Фарб мусулмонлар учун ҳижратга ўхшаш кун келишидан қаттиқ қўрқади. Чунки ўша кун келгудек бўлса, Фарбга барҳам беришини билади. Шунинг учун улар ушбу даъват ўз мақсадига етмаслиги учун унга ҳийла қилишади. Шундай экан, биз ақл билан иш юритишимиз ва жаннат Аллоҳнинг қимматбаҳо матоси эканини

билишимиз лозим. Шунингдек, биз Умматимизга меҳрибон бўлишимиз даркор. Чунки Уммат гарчи мустамлакачи кофир ва унинг ёрдамчилари қилмишларини англамаётган бўлса-да, бу ўткинчи бир ҳолатдир. Уни холис Аллоҳ учун амал қилиш ва тўғри йўлни танлаш орқали тузатиш мумкин. Аллоҳ Таоло яхшиликка ҳукм қилгунича сабр билан ҳаракат қилсак, «Пайғамбарлик минҳожини асосидаги рошид Халифалик» барпо бўлади ва Пайғамбаримизнинг башорати рўёбга чиқади.

Сўзимиз охирида барча мусулмонларга юзланиб, уларни Аллоҳнинг дини ва Ислом давлатини барпо этишдаги шаръий тариқатни билиш учун Росулulloҳ ﷺнинг сийратини ўқишга чақирамиз. Шунингдек, уларни Ҳизб ут-Таҳрирнинг манҳажини ўқиб чиқишга чақирамиз. Ҳизб унда Умматнинг Пайғамбарлик минҳожини асосидаги Халифаликни барпо этиш орқали уйғониш лойиҳасини батафсил ёритиб берди. Токи, ўрганган одам далил билан ўргансин ва иш ниҳоятда аҳамиятли экани, яъни иш Аллоҳнинг қўлида экани, унинг изни ва тавфиқисиз ҳеч қандай лойиҳа рўёбга чиқмаслигига эътибор қаратсин. Аллоҳдан бизни нусратга лойиқ инсонлардан қилишини сўраймиз. Бизнинг ғоямиз исломий ҳаётни Ислом низоми билан янгидан бошлаш учун Халифалик давлатини барпо этишдир. Мақсад давлат барпо этилганини тезроқ эълон қилиш эмас, балки ҳақиқатда Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юрита оладиган Исломий давлатнинг барпо этилганини эълон қилишдир. Биз бу оламшумул воқеани қадрлаб, Аллоҳнинг изни ила давомли ва самарали ҳаракат қилишда эртаю кеч фаолият қиляпмиз. Биз исломий юртларимизнинг барча жиҳатларини у билан тўлдираемиз. Чунки биз халқ ҳаётида ўз ғояларимизни синаб кўрадиган саргузаштли ҳаваскорлар эмас, балки профессионал сиёсий ҳизбмиз. Биз Аллоҳнинг Китоби ва Росулининг суннатидан олинган шаръий дастур ва фикр асосида ҳаракат қиламиз. Шунингдек, иш Аллоҳнинг қўлида экани ва У маълум бир вақтдан кейин бўлса-да бу ишни албатта рўёбга чиқаражагидан хотиржаммиз. Биз бу ишни имон кўзи билан кўриб турибмиз. Аллоҳдан нусрат ва ғолибликни тезлаштиришини ҳамда ушбу оламшумул воқеани яқин келажақда рўёбга чиқаришини сўраймиз. Токи, биз ва мусулмонлар мана шундай лаҳзаларни кўриб-яшайлик, Ер юзи Парвардигорнинг нури билан порласин ҳамда бизда Аллоҳга ва унинг шариатига қайтиш тушунчаси рўёбга чиқсин. Уммат Аллоҳнинг розилигига қайтсин ҳамда барча куфр режимларини улоқтирайлик. Натижада ҳаётимизда Ла илаҳа иллаллоҳнинг маъноси ва Аллоҳнинг буюк зотлиги намоён бўлсин... Тўғри йўлга ҳидоят қилиш ёлғиз Аллоҳнинг измидадир. □

ИСЛОМДАН НЕГА БУНЧАЛИК ҚЎРҚИШЯПТИ?

Соир Салома, Абу Молик

Қўшма Штатларнинг стратегик режалаштириш бўйича энг таниқли тадқиқотчиларидан бири, ҳозирги замоннинг машҳур шарқшунос сионисти Бернард Льюис айтади: «Ғарб оламида бизнинг ўрганиб қолган одатимиз шуки, шарқликлар қанчалик бизга қараб юзланса, биз ўзимизни фазилат ва тараққиёт намунаси қилиб кўрсатиш учун Ғарбга шунчалик ёпишиб оламиз. Агар улар бизга тақлид қилишса, буни яхши иш деб ҳисоблаймиз ва агар тақлид қилишмаса ёмон деб ҳисоблаймиз. Демак (бизнингча), тараққиёт бизга тақлид қилинишидир. Аммо улар бизга эргашишмаса, бу қоқоқлик ва таназзулга юз тутишдир!! Бироқ, аслида бундай бўлмаслиги керак. Чунки агар икки ҳазорат тўқнашса улардан бири ҳукмрон бўлиб, иккинчиси парчаланади. Идеалистлар (хаёлпарастлар) ва муфаккирлар икки ҳазоратдаги энг яхши жиҳатларнинг ўзаро қоришиб кетиши ҳақида осонликча гапиришлари мумкин. Бироқ, натижа бундай бўлмайди»¹.

Бернард Льюис яна айтади: «Бугунги терроризм Ислом билан Ғарб ўртасида узоқ давом этган курашнинг бир қисмидир... Ислом таянадиган ахлоқий низом (масихий ва яҳудий) Ғарб ҳазоратидаги ахлоқий низомдан фарқ қилади. Қуръон оятлари ғайримусулмонларга қарши зўравонликни қўллаб-қувватлайди... Бу уруш динлар ўртасидаги урушдир»².

Америкалик стратег Фукуяма айтади: «Бугунги кураш шунчаки террорга қарши кураш эмас, балки, Ғарб замонавийлигига ва илмоний давлатга қарши турган фундаменталистик исломий ақидага қарши курашдир. Ушбу фундаменталистик мафкура хавфи коммунистик хавфдан кўра кучлироқ. Бу курашда исломга қарши ичкаридан уруш олиб бориш талаб қилинади. Токи, ислом Ғарб замонавийлиги ва дунёвийлигини ҳамда масихийликнинг «подшоҳникини подшоҳга, Аллоҳникини Аллоҳга бер» принципини қабул қилсин»³.

АҚШ собиқ президенти Никсон ўзининг «Қулай фурсат» китобида америкаликлар «Исломий фундаментализм», деган сўздан нимани қасд қилишганини изоҳлаб бундай дейди: «Улар исломий ҳазоратни қайта тиклашни, исломий шариятни татбиқ этишни ҳамда исломни дин ва давлат қилишни истаганлардир.

(1) Бернард Льюис – Ғарб ва Яқин Шарқ – Набил Субҳий таржимаси – Байрут – 60-саҳифа. Устоз Аҳмад Қасоснинг «Ислом ҳазоратининг тарқалиши» китобидан иқтибос.

(2) «Newsweek» журнали (14-сон, 2004 йил январь).

(3) «Newsweek» журналининг йиллик сони (2001 йил сентябр – 2002 йил феврал).

Улар ўтмишга қараб, ундан келажакка йўлланма оладилар. Улар консерваторлар эмас, балки инқилобчилардир»¹.

Ушбу гувоҳликлар қаторига Британиянинг собиқ бош вазираси Маргарет Тетчернинг ушбу сўзларини ҳам қўшиш мумкин: «Исломий терроризмга қарши курашиш ҳатто 11 сентябр воқеаларини қоралаганларни, Бен Ладин ва Толибонни, шунингдек, Ғарб қадриятларини рад этиб, манфаатлари Ғарб манфаатларига қарама-қарши бўлганларни ҳам ўз ичига олади»².

Булар – стратегик қарор қабул қилувчилар, муфаккирлар ва Ислом оламига боғлиқ сиёсатни бошқарган сиёсатчиларнинг гувоҳликларидир ва бу уларнинг кураш моҳияти ҳақидаги кўз-қарашларидир.

АҚШ давлат департаменти томонидан қўллаб-қувватланган Ранд маркази «Мўтадил мусулмон тармоқларни яратиш» Building Moderate Muslim Networks³ номи остида олиб борган уч йиллик тадқиқоти давомида 2007 йилда мўтадил мусулмон андозасини белгилади. Унда мўтадил мусулмон андозаси қуйидагича белгиланди:

1 – Мўтадил мусулмон исломий шариат татбиқ қилинмайди, деб ҳисоблайди.

2 – Аёл киши эр танлаш эмас, балки, «жазман» танлаш эркинлигига эга, деб билади.

3 – Кўпчилик аҳолиси мусулмон бўлган давлатларда диний озчиликлар юқори мансабларни эгаллаш ҳуқуқига эга, деб ҳисоблайди.

4 – Либерал оқимларни қўллаб-қувватлайди.

5 – Исломнинг фақат иккита оқимини тан олади. Биринчи: «Анъанавий диний оқим», яъни оддий суратда намоз ўқишдан бошқа ташвиши бўлмаган кўча кишиси оқими. Иккинчи: «Сўфийлик диний оқими». Улар сўфийликка «қабрларда намоз ўқийдиган оқим», деб тариф беришади. Уларнинг шартига кўра, бу икки оқим «ваҳхобийлик оқими» тақлифларига қарши бўлмоғи лозим⁴.

⁽¹⁾ Никсон «Қулай фурсат» 140-141-саҳифалар, Аҳмад Сидқий Мурод таржимаси 1992 йил, «Фундаментализм Ғарб ва Ислом ўртасида» доктор Муҳаммад Аммора, 15-саҳифа.

⁽²⁾ «Фундаментализм Ғарб ва Ислом ўртасида» доктор Муҳаммад Аммора.

⁽³⁾ http://www.rand.org/content/dam/rand/pubs/monographs/2007/RAND_MG574.pdf.

⁽⁴⁾ Ранд ҳисоботи 2007, «Жиддий хавф... Билиш керак бўлган хавф тафсилотлари». Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Зуқайл.

(Сайид Қутб роҳимаҳуллоҳ 1952 йилда «Америкача Ислом» номи остида ёзган мақоласида бундай дейди: «Америкаликлар ва уларнинг Яқин Шарқдаги иттифокчилари мустамлакачиликка ҳамда зулму-туғёнга қарши курашадиган Исломнинг бўлишини хоҳлашмайди. Балки коммунизмга қарши курашадиган Исломни иштади! Улар Исломнинг ҳукм юритишини ишташмайди, Исломнинг ҳукм юритишига тоқат қилишмайди. Чунки билишадики, қачон Ислом ҳокимият

Жорж Буш Исломга қарши ўзининг охирги кампаниясини бошлашдан ўн йил олдин, таниқли олим ва ёзувчи бўлиш учун монастирни тарк этган роҳиба Карен Армстронг бундай ёзган эди: «Афтидан, Совет Иттифоқига қарши совуқ уруш исломга қарши совуқ урушга алмашадиган кўринади». «Мухаммад пайғамбарнинг таржимаи ҳоли» номли китобида Карен Армстронг шундай ёзади: «Ғарбда узоқ вақтдан бери исломга душманлик туйғуси бор ва бу душманлик ҳамон давом этмоқда... Исломга нафрат кўзи билан қараш НАТО бош котибини 1995 йилда «Ғарб учун сиёсий исломнинг хатари коммунизм хатаридан кам эмас», деб айтишга ундади».

Евгений Ростов¹ айтади: «Биз билан араб халқлари ўртасидаги қарама-қаршилик давлатлар ёки халқлар ўртасидаги қарама-қаршилик эмаслигини, балки исломий ҳазорат билан масиҳий ҳазорат ўртасидаги қарама-қаршилик эканлигини англаб етишимиз керак... Тарихий шароитлар шуни тасдиқлайдики, Америка ўз фалсафаси, ақидаси ва низомида Ғарб оламининг ажралмас бир қисмидир. Бу эса, уни исломий Шарқ оламининг фалсафаси ва Ислом динида гавдаланган ақидасига душманларча муносабатда бўлишга мажбур қилади.

Америка фақат исломга қарши сафда ҳамда Ғарб олами ва сионистик давлат тарафида тура олади. Агар у бунинг аксини қилса, ўзининг тили, фалсафаси, сақофати ва муассасаларидан тонган бўлади»².

Тарихчи ва муфаккир Самюэл Хантингтонга кўра, АҚШ собиқ президенти Клинтон маъмуриятидаги юқори лавозимли мансабдор Исломни «Ғарбга тенг кела оладиган глобал», деб сифатлайди. Кейинчалик, Хантингтон шундай ёзади: «1980 ва 1995 йиллар оралиғида Қўшма Штатлар Яқин Шарқда 17та ҳарбий амалиётни амалга оширган ва буларнинг барчаси мусулмонларга қаратилган. Бошқа ҳазорат вакили бўлган ҳар қандай халққа қарши Қўшма Штатлар амалга оширган ҳарбий амалиётлар тарихида бундай рақам қайд этилмаган».

тепасига келса, халқларни янгидан бунёд этади ва уларга куч тайёрлаш фарз эканини, коммунизм ҳам худди мустамлакачилик каби вабо бўлиб, иккаласи ҳам душман ва тажовузкор эканини ўргатади». Саййид Қутб, 1952 йил июн, «Исломшунослик» китоби 119-саҳифа).

(¹) АҚШ давлат департаментида режалаштириш бўлими бошлиғи, Давлат котибининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси, 1967 йилгача АҚШ собиқ президенти Линдон Жонсоннинг Яқин Шарқ ишлари бўйича маслаҳатчиси.

(²) Жалолул Олам, Ғарб етакчилари Исломни ва унинг аҳлини йўқ қилинлар, дейишади. Қоҳира, Мухтор Исломий, иккинчи нашр, 24-25-саҳифалар. «Ғарбда Исломдан қўрқиш (исломофобия)нинг намоён бўлиши: сабаблар, кўринишлар ва натижалар». Иёд Салоҳ Шокир. «Дорул Кутуб Оламийя», 50-саҳифа.

Хантингтон «Ҳазоратлар тўқнашуви» номли машҳур китобида шундай ёзади: «Ғарб учун муаммо исломий фундаментализм эмас, балки, исломнинг ўзидир. Чунки ислом бошқа бир ҳазоратга эга ва бу ҳазорат эгалари унинг устунлигига ишонишади... Муаммо Ғарбнинг ўзидадир. Чунки у бошқа ҳазоратга эга бўлиб, бу ҳазорат эгалари ҳам унинг глобал низом сифатида устунлигига ва яроқлилигига ишонишади ҳамда бу ҳазоратни бутун дунёга сингдиришни исташади»¹.

CBS телеканали бошловчиси Лесли Шталь хоним АҚШнинг мутакаббир давлат котибаси Мадлен Олбрайтдан: «Ироққа қарши қўлланган санкциялар туфайли ярим миллиондан ортиқ бола ўлган. Нима деб ўйлайсиз, бу ўзини оқладими? – деб сўради. Шунда мутакаббир демократ Олбрайт: «Ўйлайманки, бу оғир танлов, бироқ, менимча бу ўзини оқлади»², деб жавоб берди.

Маълумки, бу амалиёт (санкциялар) нефт ва Американинг йирик компаниялари манфаатлари учун, шунингдек, минтақада Америка ҳукмронлиги ва мустамлакачилигини мустаҳкамлаш ҳамда Ироқ ва унинг аҳлига ўзларининг ҳаёт тарзини мажбуран сингдириш учун бўлган.

Ироқни бомбардимон қилган АҚШ ҳаво кучлари қўмондони генерал-майор Уильям Луни: «Биз уларнинг мамлакатларига эгалик қилиб, уларга яшаш ва сўзлаш тарзини сингдириямиз. Айни шу пайтда бу Америка учун жуда яхши иш. Айниқса, у ерда биз унга жуда муҳтож бўлган нефтнинг улкан миқдори бор экан, бу яхши иш»³.

АҚШ собиқ президенти Ричард Никсон 1991 йил 7 январда Нью-Йорк Таймс газетасига берган интервьюсида бундай деди: «Биз у ерга демократияни ҳимоя қилиш учун бормаймиз. Чунки Кувайт демократик мамлакат эмас ва минтақада демократик мамлакат мавжуд ҳам эмас. Биз у ерга халқаро қонунчиликни ҳимоя қилиш учун ҳам бормаймиз. Биз у ерга борамиз ва шундай қилишимиз ҳам керак. Чунки биз ҳеч кимнинг ҳаётий манфаатларимизга дахл қилишига йўл қўймаймиз»⁴. □

(1) Абдулҳай Заллум, «Ислом... коммунизмдан кейинги янги душман. Қўшма Штатлар ва унинг иттифоқчилари терроризмнинг инкубаторидир».

(2) «Дунёнинг янги ҳукмдорлари», 80-саҳифа.

(3) «Дунёнинг янги ҳукмдорлари», 80-саҳифа.

(4) Авторитар Америка ва глобал ҳукмронлик сиёсати – «глобаллашув» Майкл Буаньон Мордаунт, 142-саҳифа.

ХАЛИФАЛИК ОДДИЙ ФАРЗ ЭМАС, БАЛКИ, ФАРЗЛАР ТОЖИДИР

Ҳизб ут-Таҳрирнинг Судандаги матбуот
бўлими аъзоси Абдулҳолиқ Абдун Али

Биз Халифалик фарзлар тожи, деб айтганимизда куйидагиларни назарда тутамиз:

Биринчи: Ислом рисолати барча одамларга юборилган рисолатдир. Ислом ўзининг шу хусусияти билан бошқа рисолатлардан фарқланиб туради ва бу борада мусулмонлар ихтилоф қилмайди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَّةً لِّلنَّاسِ بَشِيرًا وَنَذِيرًا﴾

«(Эй Муҳаммад), Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга: (мўминларга жаннат ҳақида) хушxabар элтгувчи, (кофирларни эса дўзах азобидан) огоҳлантиргувчи бўлган ҳолингизда, пайғамбар қилиб юбордик» [Сабаъ 28]

У барча замон ва макон учун яроқлидир. Инсон муаммолари қиёмат кунига қадар ҳар қанча ўзгариб турланмасин, Ислом рисолатида бу муаммоларнинг ечимлари бор. Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло айтади:

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتِمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾

«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўкис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим» [Моида 3]

Шунингдек, Ислом дин ва ҳазоратлиги билан бошқа мабдалардан ажралиб туради. У инсоннинг воқелигига мос келадиган амалий ва воқеийлиги билан ҳам ажралиб туради. Ислом назарий дин эмас, балки унга амал қилиниши учун нозил қилинган. Шунинг учун Ислом ақида ва муолажаларни баён қилган фикрларгагина чекланиб қолмайди. Балки, ушбу муолажаларни ижро этиш, ақидани ҳимоя қилиш ва ушбу ақидани оламга ёйиш кайфиятини ҳам баён қилади ва бу Ислом рисолатининг тариқати бўлади.

Тариқат буйруқ ва қайтариқларни ўз ичига олган шаръий аҳкомлардир. Имоннинг вожиблиги ва муртадликдан қайтариш фикрат бўлса, муртад нисбатан муомала ва унга аҳкомларни қўллаш тариқатдир. Шунингдек, Аллоҳ Субҳанаҳу бизни ифбатли бўлишга буюрди ва зинодан қайтарди. Шахсий мулкни сақлашга буюрди ва ўғирликдан қайтарди. Шунингдек, ор-номусни сақлаш ва зинокорга жазо чорасини қўллаш кайфиятини баён қилди. Талончилик, бошқалар мулкани алдамчилик билан ўзлаштириш аҳкомларини, ўғирлик учун белгиланган ҳадни баён қилди. Буларнинг барчаси бўйин товламасдан бажарилиши керак бўлган шаръий аҳкомлардир. Аллоҳ Азза ва Жалла айтади:

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّى يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنْفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

«Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар»[Нисо 65]
Яна айтади:

﴿وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَى اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا مُبِينًا﴾

«Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бир ишни ҳукм қилган-буюрган вақтида бирон мўмин ва мўмина учун (Аллоҳни ҳукмини қўйиб) ўз ишларида ихтиёр қилиш жоиз эмасдир. Ким Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига осий бўлса, бас у очиқ йўлдан озиш билан йўлдан озибди» [Аҳзоб 36]

Наҳотки, Аллоҳ Таоло инсон муаммоларини муолажа қиладиган аҳкомларни нозил қилиб, ушбу аҳкомларни ижро қилиш кайфиятини баён қилмаган бўлиши... яъни зино қилма, ўғирлик қилма ва хамр ичма деб айтсаю... сўнг бизни ўз ҳолимизга ташлаб қўйиши мумкин бўлса? Агар шундай бўладиган бўлса, муолажалар воқеликда уни татбиқ қилиш мумкин бўлмайдиган хаёлий фалсафа бўлиб қолади. Бу эса, Ислонинг асл моҳиятига зиддир. Чунки Ислон катта ва на кичик нарсани қолдирмай, инсон учун баён қилиб берди ҳамда ҳавои нафс ва ақлдан келиб чиққан аҳкомларнинг башариятни бошқаришига ўрин қолдирмади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تَبْيِينًا لِّكُلِّ شَيْءٍ﴾

«Сизга ҳамма нарсани баён қилиб берувчи Китобни-Қуръонни нозил қилдик» [Наҳл 89]
Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

﴿لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّى يَكُونَ هَؤُلَاءِ تَبَعًا لِمَا جُنْتُ بِهِ﴾

«Сизларнинг бирортангиз майл-истаги мен келтирган шариатга тобе бўлмагунгача комил имонли бўлолмади». (Саҳиҳи Бухорий). Аллоҳ Таолонинг Ислон билан бошқаришга буюриши ҳамда Ислондан бошқа қонунлар билан бошқаришдан қайтариши ҳам Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларидандир. Аллоҳ Субҳонаҳу айтади:

﴿وَأَنِ احْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَاحْذَرْهُمْ أَنْ يَفْتِنُوكَ عَنْ بَعْضِ مَا أَنزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ فَإِنْ تَوَلَّوْا فَاعْلَمْ أَنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ أَنْ يُصِيبَهُمْ بِبَعْضِ ذُنُوبِهِمْ وَإِنْ كَثِيرًا مِّنَ النَّاسِ لَفَاسِقُونَ﴾

«(Эй Муҳаммад), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг ва Аллоҳ Сизга нозил қилган аҳкомларнинг айримларидан Сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг! Агар (Сизнинг ҳукмингиздан) юз ўгирсалар, билингки, Аллоҳ уларга айрим гуноҳлари сабабли мусибат етказишни истамоқда. Шубҳасиз, одамлардан кўплари итоатсиздирлар» [Моида 49]

Ислом бизга ушбу бошқарувнинг кайфиятини баён қилиб, бошқарувнинг тафсилий низомини, яъни Халифалик низомини қонуний қилиб белгилади. Ушбу низомда Халифалик давлати жиҳозларини, халифанинг ва унга байъат қилишнинг шартларини ва булардан бошқа тафсилотларни баён қилди. Ҳизб ут-таҳрир ўз нашрларидан бўлган «Исломда бошқарув низоми» ва «Халифалик давлати жиҳозлари» номли иккита китобида бунинг тафсилотини баён қилди. Демак, Росулulloҳ ﷺ га нозил қилинган аҳкомлар билан бошқариш орқали Аллоҳнинг буйруғини амалга оширишда Ислом тариқати Халифалик низомидир. Бу низомда одамлар Аллоҳнинг Китоби ва Росулulloҳ ﷺ нинг суннатлари бўйича халифага байъат қиладилар. Халифа уларнинг номидан давлат ичкарисида Аллоҳнинг шариатини ижро этади. Шундай қилиб, у Умматнинг ақидасини ҳимоя қилади, очиқ куфр пайдо бўлишининг олдини олади, фарзларни ижро этади, ҳаром ишларни тақиқлайди, закотни йиғиб ҳақли бўлганларга қайтаради, ҳадларни қоим қилади, хусуматларни ажрим қилади, одамларнинг ишларини бошқаради ҳамда Исломни рисолат сифатида даъват ва жиҳод орқали оламга ёяди. Шундай қилиб, Ислом тирик бўлиб, одамларга татбиқ қилинади ва оламга ёйилади. Бу эса, фақат Халифалик орқали бўлади. Шунинг учун Халифалик фарзлар тожидир.

Иккинчи: Халифаликни фарзлар тожига айлантирган ишлардан бири шуки, инсон табиатан ғаризалари ва узвий эҳтиёжларини қондиришга муҳтож. Бунинг учун муайян тартиб керак бўлади, акс ҳолда, инсон изтироб ичида ва бахтсизликда яшайди. Инсон ўзи учун ўзи низом белгилай олмайди. Чунки у ноқис, ожиз ва ўзидан бошқасига муҳтождир. Шунинг учун ушбу низом инсонни ҳамда унинг ғаризалари ва узвий эҳтиёжларини яратган, уларни

қондириш тартиби кайфиятини билгувчи Зот томонидан бўлмоғи лозим. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَلَا يَعْلَمُ مَنْ خَلَقَ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ﴾

«(Ахир) **яратган зот** (Ўзи йўқдан бор қилган нарсаларни) **билмасми?! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) хабардор зотдир**»

[Мулк 14]

Шунга кўра, Росулulloҳ ﷺнинг рисолатлари инсоннинг ғариза ва узвий эҳтиёжларини қондиришни тартибга солувчи Яратувчи томонидан нозил қилинган низом бўлди. Аллоҳ ибодатлар учун махсус низом белгилаб, у орқали тадайюн ғаризасининг қондирилишини тартибга солди. Ижтимоий низомни белгилаб, у орқали нав ғаризасининг қондирилишини тартибга келтирди. Иқтисодий ва сиёсий низомларни белгилаб, улар орқали бақо ғаризасининг қондирилишини тартибга солди. Шунингдек, узвий эҳтиёжларнинг қондирилишини тартибга солувчи озиқ-овқат ва ичимликларга доир аҳкомларни ҳам белгилади. Ушбу низом ва аҳкомлар китоблар ичида қолиб кетаверар экан, биз уларнинг комиллиги ва гўзаллигини сифатлаб ҳар қанча куйласак ҳам, инсоннинг ҳаётини тартибга солиши мумкин эмас. Демак, бахт ва хотиржамликка олиб борувчи қондириш рўёбга чиқиши учун ушбу низом ва аҳкомлар ҳаётда қўлланиши керак. Аллоҳ Таолонинг

﴿وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْخَيْلِ تُرْهَبُونَ بِهِ ۚ عَدُوُّ اللَّهِ وَعَدُوُّكُمْ﴾

«(Эй мўминлар), **улар учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингизки, бу билан Аллоҳнинг ва ўзларингизнинг душманларингизни қўрқувга солурсизлар**»

[Анфол 60]

﴿وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا﴾

«**Аллоҳ байни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган**» [Бақара 275]

﴿وَلَا تُنْكِحُوا الْمُشْرِكِينَ حَتَّىٰ يُؤْمِنُوا وَلَعَبْدٌ مُّؤْمِنٌ خَيْرٌ مِّنْ مُّشْرِكٍ وَلَوْ أَعْجَبَكُمْ﴾

«**То имонга келмагунларича мушрика аёлларга уйланмангиз! Шубҳасиз, озод мушрика аёлдан – гарчи у сизга ёқса-да, – имонли чўри яхшироқдир**» [Бақара 221]

деб айтган сўзлари ва булардан бошқа аҳкомларининг натижалари Ислom бошқарувда бўлсагина кўринади. Ислomнинг бошқарувда бўлиши эса, Халифалик давлатини барпо этиш билангина бўлади. Чунки Халифалик одамларга ушбу аҳкомларни мажбурият қилиб юклайди ва унга қарши чиққанларнинг ҳаммасини жазолайди. Халифаликни барпо этиш Умматнинг ихтиёри ва розилиги билан халифага байъат бериши орқали ўз салтанатини унга бериши билангина бўлади. Шундагина, ғаризалар ва узвий эҳтиёжларнинг

қондирилиши Аллоҳнинг шариатиға мувофиқ амалға ошиши учун халифа уларнинг устида Аллоҳнинг аҳкомларини ижро этади ва шу аҳкомлар асосида одамларнинг ишларини тартибга солади. Шунинг учун ҳам Халифалик фарзлар тожидир.

Учинчи: Агар биз бу масалаға жамиятнинг юксалиши жиҳатидан қарайдиган бўлсак, биламизки, жамиятнинг юксалиши ва унда инсоннинг хотиржамлиги одамлар манфаат деб ҳисоблаган нарсаларға, алоқаларни тартибга солувчи низомға, шунингдек, одамлардаги қаноат ва туйғуларни шакллантирадиган фикрларға боғлиқ. Шунинг учун манфаатлар юксак ва низом тўғри бўлиши лозим. Инсоннинг ўзи учун тўғри низомни ва юксак манфаатларни белгилай олмаслигини амалий воқелик исботлаган. Чунки қачон инсон ҳидоятсиз ташлаб қўйилса, қизларни тириклайин кўмган, қароқчилик қилган, тошларға сиғинган, зино қилган ва насл-насабни йўқ қилган. Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло юксак манфаатларни, ёрқин фикрларни ва олий туйғуларни баён қилиб берадиган Раббоний низомни нозил қилгандагина инсон яхши ҳаёт кечирган. Чунки айна шу Раббоний низом инсонни у учун манфаатли бўлган нарсаға йўналтиради ҳамда яхшилик ва ёмонликни, чиройли ва хунукни белгилайди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَلَا تَضْرِبُوا لِلَّهِ الْأَمْثَالَ إِنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ﴾

«Бас, Аллоҳнинг ўхшабини қидирманглар! (У зотнинг мисли — ўхшаши йўқдир). Албатта Аллоҳ (барча нарсани) билур, сизлар (ҳеч нарсани) билмассиз» [Наҳл 74]

Ушбу шаръий низомни одамларнинг алоқаларида гавдалантирувчи махсус тариқати Халифалиқдир. Чунки алоқаларни тартибга солиш, хусуматларни ажрим қилиш ва манфаатларни Исломи асосида бошқариш Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритиш орқалигина бўлади. Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритиш Халифалик низоми билангина бўлади. Агар Росулulloҳ ﷺнинг таржимаи ҳолларини ўрганиб чиқадиган бўлсак, биламизки, у зот Маккада одамларнинг манфаатларини бошқармадилар, хусуматларни ажрим қилмадилар, қўшин йиғмадилар ва турли азоблар чеккан асҳобларига бирон нарсани тақлиф қилмадилар. Чунки у пайтда Исломи Макка жамиятининг низоми бўлмаган эди. Росулulloҳ ﷺнинг ўзлари ҳам Макка ҳокими эмас эдилар. У зот Мадинада ҳокимиятни қўлга олганларида, одамлар ўртасида (қозилик) ҳукм қилдилар, хусуматларни ажрим қилдилар (низоларни ҳал этдилар), молни олиб (йиғиб) тақсимладилар, ҳадларни қоим қилдилар (чегараларни ўрнатдилар), амирларни тайинладилар, элчиларни қабул қилдилар, шартномалар туздилар, шунингдек, одамларға Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан сиёсат

юргиздилар ва уларнинг манфаатларини Ислом билан бошқардилар. У зотнинг халифаси бўлган Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алилар (Аллоҳ улардан рози бўлсин) Росулulloҳ ﷺнинг йўлларидан бориб, Умнатнинг ақидасини ҳимоя қилдилар, Қуръонни жамладилар ва одамларга ғамхўрлик қилишда энг ажойиб намуналарни кўрсатдилар. Уларнинг Ислом асосида бошқарилган жамиятларида манфаатлар, фикр ва туйғулар юксак бўлди. Аллоҳнинг дини татбиқ этилиши натижасида одамлар осойишта, бахтли ҳаёт кечирдилар. Зеро, одамларнинг бахтли ҳаёт кечириши фарзлар тожи деб номланишга ҳақиқатан лойиқ бўлган Халифаликдагина бўлади.

Халифаликнинг фарзлар тожи эканлигини тасдиқлайдиган нарса шуки, Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло Исломни етказишга ва уни оламга ёйишга буюрди. Бу Росулulloҳ ﷺнинг таржимаи ҳолида ва У зотнинг:

«يَا عَمَّ، إِنَّمَا أَرَدْتُكُمْ عَلَى كَلِمَةٍ وَاحِدَةٍ تَدِينُ لَكُمْ بِمَا الْعَرَبُ وَتُؤَدِّي إِلَيْكُمْ بِمَا الْعَجَمُ الْجَزِيَّة...»

«Эй амаки, мен уларнинг битта калимани (айтишларини) истайман. (Агар улар буни айтсалар) шу сабабли уларга бутун араблар бўйсунди ва ажамлар жизя тўлайди...», деб айтган сўзларида очик кўринади. Бунга иккинчи ақаба байъатининг матнидан кўра кучлироқ далил бўлмаса керак. Унда Аббос ибн Назлатул Авсий бундай дейди: «Эй Авс ва Хазраж жамоаси, сизлар нима қилаётганингизни биласизми? Сизлар қизилу қора барча одамларга ҳамда дунё подшоҳларига қарши уруш қилишга байъат бермоқдасиз...». Ҳатто бу байъат уруш байъати дея номланди. Мадинада Ислом ҳукми ўрнатилиб, Росулulloҳ ﷺ Исломий давлатнинг ҳокими бўлганларидан кейин, У зот Роббиси рисолатини даъват ва жиҳод орқали бошқа халқларга етказдилар. Росулulloҳ ﷺ Мадина ҳудудида тўхтаб қолмадилар. Бошқа халқларга у зот етказган даъват қуйидагича эди:

«فَادْعُهُمْ إِلَى ثَلَاثِ خِصَالٍ أَوْ خِلَالٍ، فَأَيُّتُهُنَّ مَا أَجَابُوكَ فَاقْبَلْ مِنْهُنَّ وَكُفَّ عَنْهُنَّ. ثُمَّ ادْعُهُمْ إِلَى الْإِسْلَامِ، فَإِنْ أَجَابُوكَ فَاقْبَلْ مِنْهُنَّ وَكُفَّ عَنْهُنَّ. ثُمَّ ادْعُهُمْ إِلَى التَّحَوُّلِ مِنْ دَارِهِمْ إِلَى دَارِ الْمُهَاجِرِينَ، وَأَخْبِرْهُمْ أَنَّهُمْ إِنْ فَعَلُوا ذَلِكَ فَلَهُمْ مَا لِلْمُهَاجِرِينَ وَعَلَيْهِمْ مَا عَلَى الْمُهَاجِرِينَ، فَإِنْ أَبَوْا أَنْ يَتَحَوَّلُوا مِنْهَا فَأَخْبِرْهُمْ أَنَّهُمْ يَكُونُونَ كَأَعْرَابِ الْمُسْلِمِينَ يَجْرِي عَلَيْهِمْ حُكْمُ اللَّهِ الَّذِي يَجْرِي عَلَى الْمُؤْمِنِينَ وَلَا يَكُونُ لَهُمْ فِي الْغَنِيمَةِ وَالْفَيْءِ شَيْءٌ إِلَّا أَنْ يُجَاهِدُوا مَعَ الْمُسْلِمِينَ، فَإِنْ هُمْ أَبَوْا فَسَلِّهُمْ الْجَزِيَّةَ، فَإِنْ هُمْ أَجَابُوكَ فَاقْبَلْ مِنْهُنَّ وَكُفَّ عَنْهُنَّ، فَإِنْ هُمْ أَبَوْا فَاسْتَعِنَ بِاللَّهِ وَقَاتِلْهُمْ»

«Уларни учта хислатга чақир. Улар бу хислатлардан қайси бирини қабул қилсалар сен ҳам улардан қабул қилиб, уларга ҳеч нарса қилма. Сўнг уларни Исломга даъват эт. Агар қабул қилсалар, сен ҳам улардан қабул қил ва уларга ҳеч нарса қилма. Сўнг уларни ўз диёрларидан муҳожирлар диёрига кўчиб ўтишга чақир. Уларга шуни маълум қилгинки, агар улар бунини қилсалар муҳожирлар учун бўлган нарса (ажр ва ўлжадан ажратиладиган улуш) улар учун ҳам бўлади ва муҳожирлар зиммасидаги бурч уларнинг ҳам бурчига айланади. Агар кўчиб ўтишни истамасалар, уларга маълум қилгинки, оддий мусулмон каби бўладилар. Мўминларга жорий қилинган Аллоҳнинг ҳукми уларга ҳам жорий қилинади ва улар мўминлар билан бирга жиҳод қилсаларгина уларга ўлжадан улуш бўлади. Агар улар Исломни қабул қилишни истамасалар, улардан жизя талаб қил. Агар қабул қилсалар, сен ҳам улардан қабул қил ва уларга ҳеч нарса қилма. Агар (жизя беришни ҳам) истамасалар Аллоҳдан ёрдам сўраб, уларга қарши жанг қил». (Саҳиҳи Муслим).

Росулulloҳ ﷺ юрган йўлдан бориб Исломни даъват ва жиҳод орқали ёйиш мусулмонларга вожибдир. Бироқ, бунинг учун биринчи навбатда мусулмонларга Исломни татбиқ этиш ва Исломни қабул қилувчилар кўчиб ўтиши учун Ислом диёрини барпо этиш лозим. Бу эса, Халифаликни барпо этиш билангина бўлади. Иккинчидан, Умматнинг саъй-ҳаракати ва кучларини битта етакчилик остида бирлаштириш лозим. Бу иш Исломни татбиқ қиладиган ва уни Уммат билан биргаликда даъват ва жиҳод орқали ёядиган халифага байъат бериш билангина амалга ошади. Шунинг учун ҳам Халифалик фарзлар тожидир.

Бу мусулмонларга ёт (нотаниш) сўз эмас, аксинча, Умматнинг эътиборли уламолари Халифаликнинг фарзлар тожи эканлигига ижмо қилганлар. Масалан, имом Мовардий ўзининг «Дунё ва дин одоби» номли китобида бундай дейди: «Султони йўқолган диннинг аҳкомлари ўзгартирилади ва белгилари ўчирилади... Чунки султон динни қўриқлаб, ҳимоя қилади ва ундан хоҳиш-истакларни даф этади... Ушбу икки жиҳатдан келиб чиқиб, дин ўз султони томонидан қўриқланиши ва султон диннинг қонун ва аҳкомларини жорий қилиши учун замон ҳукмдори, Уммат раҳбари бўладиган имомни ўрнатиш вожиб». Имом ибн Ҳазм ўзининг «Ал-Маҳалла» номли китобида айтади: «Имомнинг ўлиmidан кейин имом танлашда уч кундан ортиқ иккиланиш жоиз эмас». У «Диний жамоа ва таълимотлар ҳақидаги боб» китобида айтади: «Биз ақл ва унинг топқирлиги билан молда, жиноятларда, қонда, никоҳда, мазлумга

инсоф қилиш ва қасос олишда Аллоҳ вожиб қилган аҳкомларни одамлар бажариши лозимлигини билдик... Булар фақат имом билан амалга ошади». Имом Аҳмад ибн Ҳанбал фитнани сифатлаб айтади: «Агар одамларга ғамхўрлик қиладиган имом бўлмаса, бу фитнадир». Имом Ғаззолий айтади: «Дин ва султон эгизакдир. Шунинг учун айтиладики, дин асос ва султон қўриқчи. Асоси бўлмаган нарса бузилади, қўриқчиси бўлмаган нарса зое кетади». Ибн Таймийя «Шаръий сиёсат» номли китобида айтади: «Шу нарса маълум бўлиши лозимки, одамларнинг ишини бошқариш диннинг энг буюк вазифаларидан биридир ва ҳақиқатан ҳам дин фақат у орқали ўрнатилади».

Халифалик шунчаки фарз эмас, аксинча, у фарзларнинг энг олийси ва тожидир. Чунки Халифалик барпо этилмагунча Аллоҳнинг аҳкомлари ер юзида мавжуд бўлмайди. Шунинг учун Халифалик Умнатнинг энг биринчи тақдирий масаласи бўлмоғи лозим. Чунки инсоннинг ҳаётини, ор-номусини, молини, ақли ва шон-шарафини сақлайдиган фарзлар фақат Халифалик орқали қоим бўлади. Масалан, Халифалик бўлмаса қасос ҳукмини ким татбиқ қилади, мол-мулкни ким таъмин этади, ўғирликни ким тақиқлайди ва ор-номусни ким ҳимоя қилади. Халифалик бўлмаса жиҳодга ким тайёргарлик кўради, армияни ким сафарбар қилади, душманга ким қўрқув солади, муслмонлар азизлигини ким сақлайди, шунингдек, аёллар, қариялар ва болаларни ҳимоя қилиш учун ким умумий сафарбарликни эълон қилади... Мудом, буларнинг барчаси тақдирий масалалар экан, Халифалик ҳаёт-мамонт масаласи сифатида қабул қилинадиган кенг қамровли тақдирий масаладир.

Халифаликни тақдирий масала ўлароқ қабул қилишнинг вожиблигига Қуръони Каримда, Росулulloҳ ﷺнинг Суннатлари ва саҳоба رضي الله عنهمлар ижмосида далиллар кўп келган. Масалан, биз юқорида келтириб ўтган кўплаб оятларда Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло бизни Ислом билан ҳукм юритишга буюради. Росулulloҳ ﷺ бир қанча ҳадисларида бизни халифага байъат беришга буюрадилар. Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ خَلَعَ يَدًا مِنْ طَاعَةِ لَقِيَ اللَّهَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لَا حُجَّةَ لَهُ، وَمَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةُ مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким қўлини итоатдан тортса, қиёмат кунда Аллоҳга ҳужжатсиз йўлиқади. Ким бўйнида байъати бўлмаган ҳолда ўлса, жоҳилият ўлимида ўлган бўлади». Саҳоба رضي الله عنهمлар Росулulloҳ ﷺнинг вафотларидан сўнг халифани пайдо қилиш фарзлигига ижмо қилганлар. Ҳатто улар Росулulloҳ ﷺнинг покиза

жасадларини дафн қилмай, икки кеча тўшагига ўралган ҳолда қолдирганлар ва халифани тайинлаш билан машғул бўлганлар.

Халифалик қулатилганидан бошлаб бугунги қора кунларга қадар биз мусулмонлар мусибат ва фитналар қуршовида қолдик ҳамда бизни ҳар тарафдан ўлим ўраб олди. Хорлик ва мискинлик битиб қўйилган яҳудийларни Британия Исро ва Меърож маскани бўлган Фаластин заминига жойлаштирди ва уларнинг қадамини Америка мустаҳкамлади. Америка Исломга ва Халифаликнинг қайта барпо бўлишига қарши уруш қилиш учун ер юзи халқларини жамлади. Унинг президенти Ҳиндистонга борди ва унинг ташрифидан кейин ҳиндлар мусулмонларга ҳужум қилиб, уларни қирғин қилишди... Хитойда бутун бир халқ мусулмон бўлгани учун қамоққа олинди. Аммо мусулмонлар ғарбпараст малай режимларга қарши қўзғолон қилган юртларга келсак, уларга ер юзи халқлари қутуриб ташланди. Улар бу юртларда мусулмонларнинг қирғин қилинишида Шом қаттоли (Башарни) қўллаб-қувватлашмоқда, Яман ва Ливиядаги ишларга араллашиб, бу икки юртни беҳуда урушларга фарқ қилиб парчалашди.

Биз мусулмонлар, Халифалик қулатилганидан буён ҳисобсиз фожиаларга ўз кўзимиз билан гувоҳ бўлиб келдик. Флиппин тоғларидан бошлаб, Кашмир водийлари ва Қрим ўрмонларигача бўлган барча юртларда душманлар қўлида мусулмонлар қони тўкилганига гувоҳ бўлдик. Фарзандини йўқотган оналар ва етимлар йиғисини, очлар ноласини эшитдик. (Эркин дунё) ўзининг вайронкор иқтисодий моделини, ичи бўш ижтимоий низомини мусулмонлар юртларига қандай мажбуран жорий қилганига гувоҳ бўлдик. Биз кўрдикки, улар бойликларимизни талон-торож қилишди ва ижтимоий муассасаларимизни заифлаштиришди. Ҳа, Халифалик қулатилганидан кейин эришган нарсамиз шулар бўлди.

Халифалик тижорат ва саноатдир, азизлик ва дахлсизликдир. У дин ва дунёни ҳимоя қилувчидир, илдиз ва жон томиридир. У орқали аҳкомлар ўрнатилади, чегаралар белгиланади, шаҳарлар фатҳ қилинади ва эгилган бошлар ҳақ ила кўтарилади. Халифалик юксак аҳамиятга эга бўлгани учун мусулмонлар Росулulloҳ ﷺнинг муборак жасадларини тайёрлаб дафн қилишга киришишдан олдин унга киришдилар. Чунки унинг аҳамияти юксак бўлгани учун саҳобалар Росулulloҳ ﷺнинг муборак жасадларини дафнга тайёрлаш фарзидан Халифалик фарзини устун деб билдилар.

Халифалик яҳудийлар вужудига барҳам бериб, Фаластинни тўлиқ Ислом диёрига қайтаради. У Кашмирда Ҳиндистон ҳукмронлигига, Чеченистон, бутун Кавказ ва Татаристонда руслар ҳокимиятига барҳам беради... Халифалик Қримни ва бутун Ислом юртларини асл илдизига қайтаради. У юртлар ва бандаларни куфр

ва унинг малайлари нуфузидан, шунингдек, куфр гумашталари зулмидан озод этади... У Ироқ ва Суданнинг парчаланишига йўл қўймайди, Сомалида бирликни тиклайди. Шунингдек, Тинч океанининг Индонезия ва Малайзия жойлашган чеккаларидан тортиб, Атлантика океанининг Марокаш ва Испания жойлашган сохилларигача бўлган, мустамлакачи кофир белгилаган тўсиқ ва чегараларни олиб ташлайди... Халифалик адолат ва эзгуликни ёяди, Ислом ва мусулмонларни азиз қилади, зулм ва ёвузликнинг кетини узади, куфр ва кофирларни хор қилади... Нега биз Халифалик қулатилиши оқибатида бизга мерос бўлиб қолган бундай воқеликда яшамоқдамиз?!... Халифаликни барпо этиш ва халифага байъат бериш учун ҳаракат қилмасдан юз йил гуноҳга ботиш етарли бўлмадими?! Тавба қилиб, Халифаликни барпо этиш учун ҳаракат қилаётганлар билан бирга фаолият қилиш вақти келмадими?!... Росулulloҳ ﷺ:

«وَمَنْ مَاتَ وَلَيْسَ فِي عُنُقِهِ بَيْعَةُ مَاتَ مِيتَةً جَاهِلِيَّةً»

«Ким бўйнида байъати бўлмаган ҳолда ўлса, жоҳилият ўлимида ўлган бўлади», деб айтмаганмиди?!

Имон келтирган зотлар учун Аллоҳни зикр қилиш ва ҳаққа бўйсунуш вақти келмадими?!... Юз йил давомида халифасиз пароканда бўлиб яшаш етарли бўлмадими?!... Биз пасткашлар дастурхони устидаги етимларга ўхшаб қолмадикми?!... Уйғонишимиз учун ўтган шунча йил етарли эмасми?!... Юз йил давомида бошқа халқларнинг, худди очкўз ўз идишига ташланганидек ташланиши сабоқ олишимиз учун етарли эмасми?!... Юз йил давомида устимизга кетма-кет келган мусибатлар етарли бўлмадими?!...

Мусулмонлар учун битта халифа қоим қилишга ҳаракат қилмаслик оғир гуноҳдир. Чунки уни барпо этишга ҳаракат қилмаслик Исломнинг энг муҳим фарзларидан бирини, яъни дин аҳкомларининг ўрнатилиши, қолаверса, Исломнинг ҳаёт майдонида бор бўлиши унга боғлиқ бўлган фарзни бажармасликдир. Шунинг учун агар мусулмонлар халифани қоим қилиш учун ҳаракат қилмасалар гуноҳкор бўладилар. Агар улар бир овоздан ҳаракат қилмасликка қарор қилсалар, уларнинг ҳар бири гуноҳкор бўлади. Агар мусулмонларнинг бир қисми ушбу фарзни адо этишга киришса ва бошқа бир қисми уни адо этишга ҳаракат қилмаса, ушбу фарзни адо этиш учун киришганлардан гуноҳ соқит бўлади. Аммо халифани қоим қилиш у барпо этилгунига қадар фарз бўлиб қолаверади. Чунки фарзни барпо этиш билан шуғулланиш уни вақтидан ўтказиб юбориш ва барпо этишга ҳаракат қилмаслик гуноҳини зиммадан соқит қилади. Чунки бу ерда фарзни бажариш

билан шуғулланиб, бажаришга тўсиқ бўлаётган нарсалардан нафратланиляпти. Фарзни адо этишга ҳаракат қилмаганларга келсак, халифасиз ўтган уч кундан бошлаб, то у барпо этилгунига қадар гуноҳкор бўлиб қолаверадилар. Чунки улар Аллоҳ уларга юклаган фарзни адо этмадилар ва уни адо этишга ҳаракат ҳам қилмадилар. Шунинг учун улар гуноҳкор бўлиб, Аллоҳнинг жазосига ва икки дунёда хорликка лойиққидирлар. Уларнинг Халифаликни барпо этишни ва уни барпо этиш сабабларини тарк этиш билан гуноҳга ботганликлари очик кўриниб турибди, худди мусулмон фарзни тарк этгани учун азобга лойиқ бўлгани очик кўриниб тургани каби. Модомики, ер юзида Аллоҳнинг ҳадларини ва дин аҳкомларини қоим қиладиган ҳамда мусулмонларни «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Мухаммад Унинг элчисидир», деган байроқ остида бирлаштирадиган Халифалик йўқ экан, уни барпо этиш учун ҳаракат қилмасликка ҳеч қандай узр йўқ.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اسْتَجِيبُوا لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا يُحْيِيكُمْ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ يَحُولُ بَيْنَ الْمَرْءِ وَقَلْبِهِ وَأَنَّهُ إِلَٰهٌ مُّخْتَارٌ ﴿٢٠﴾ وَأَتَّقُوا فِتْنَةً لَا تُصِيبَنَّ الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْكُمْ خَاصَّةً وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари сизларни абадий ҳаёт берадиган нарсага (яъни, динга) даъват қилар экан, уни қабул қилинглр ва билинглрки, шубҳасиз, Аллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини эгаллаб турур ва шубҳасиз, Унинг ҳузурига тўпланурсизлар. Ҳамда сизлардан фақат золим кимсаларнинг ўзигагина етмай (балки барчага етадиган) балодан сақланингиз! Ва билингизки, албатта Аллоҳнинг азоби қаттиқдир»

[Анфол 24-25] □

ШАРИАТ МАҚСАДЛАРИ

Мақосидуш шариа (шариат мақсадлари) усулга оид термин бўлиб, аввало унга тариф бериш ҳамда усулчиларда истилоҳ сифатида пайдо бўлишини баён қилиш керак бўлади. Кувайт фикҳий энциклопедиясида (329/38) шундай келади: «Мақосид-мақсадлар сўзининг луғатдаги маъноси: У «мақсид» сўзининг кўплиги бўлиб «қасд қилинган томон» ёки «қасд қилинган макон», деган маънони англатади. Истилоҳий маъноси: Усул уламолари мақосиднинг тарифи ҳақида гапиришмаган. Уларнинг бу борада айтган сўзларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, мақсадлар қонунчиликнинг барча ҳолатларида ёки аксариятида кузатилган маънолар ва Шореънинг ҳикматларидир. Яъни, улар шариат аҳкомларининг хос турларига чекланиб қолмайди...». (Иқтибос тугади). Бу илмнинг пайдо бўлиши – валлоху аълам – ҳижрий 478 йилда вафот этган икки ҳарам имоми Абилмаолий Абдулмалик Жувайнийнинг «Бурҳон» номли китобида бошланган. Унга бу илмда ҳижрий 505 йилда вафот этган шогирди Ғаззолий, шунингдек, ҳижрий 660 йилда вафот этган имом Иззуддин Абдуссалом эргашган. Имом Иззуддин Абдуссалом «Одамлар манфаатлари учун ҳукм чиқариш қоидалари» китоби муаллифидир. Бу илм борасида кетма-кет китоблар ёзилди ва унинг тафсилотларига чуқур кириб бориш юксак даражага етди. Ҳижрий 790 йилда вафот этган Шотибий номи билан танилган имом Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Мусо Ғарнотий Моликий ўзининг «Мувофақот» номли китобида бу илмнинг тафсилотларига чуқур кириб борди. Бу илмни тушуниш ва унинг нозик қирраларига кириб боришда ушбу китоб таяниладиган манбага айланди. Ҳозирги кунгача бу китоб ушбу илм бўйича ягона ишончли маълумотнома бўлиб қолмоқда. Аллоҳ бу уламоларнинг барчасини Ўз раҳматига олсин.

Аввалги уламолар белгиллаганидек, шариат мақсадлари баҳсининг илк муқаддимаси бандаларнинг дунёю охирадаги манфаатларидир. Улар «Шариат мақсадлари бандаларнинг ҳам ҳозирги, ҳам келажакдаги манфаатларидир», деб айтадилар. Масалан, Шотибий айтади: «Қонунларни белгилаш бандаларнинг ҳам ҳозирги, ҳам келажакдаги манфаатлари учундир...». (Мувофақот: 2/2). У яна айтади: «Муборак Муҳаммадий шариат шу тарзда (бандалар манфаатлари учун) нозил қилинди. Шунинг учун Аллоҳ Таоло

﴿إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ﴾

«Албатта бу эслатмани (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз» [Ҳижр 9]

деб айтганидек, шариатнинг усул ва фуруълари (асосий ва иккинчи даражали қисмлари) сақланган. Чунки у икки дунё салоҳи (яхши бўлиши) у орқали бўладиган мақсадларни сақлашга тааллуқлидир. Бу мақсадлар: заруриётлар, ҳожиётлар, таҳсинотлар, шунингдек, мақсадларни тўлдирувчи ва уларга қўшимча нарсалардир...». (Мувофақот 1/108). Бугунги кунда кўплаб замонавий мавзуларни ўрганишда, фикҳни янгилашда ёки янги аҳкомларни истинбот қилишда шариат мақсадларини ишлатишга чақирувчилар орасида манфаат ва зарарнинг умумий маъноларини эътиборга олиш кенг тус олди. Аниқроқ қилиб айтганда, манфаат ва зарар инсоний майл-истак ва мақсадга, шунингдек, ҳавои нафсга қараб белгиланмоқда. Ўз ихтисоси бўлмаган ушбу илмга дахл қилганлар томонидан содир этилган бундай тажовуз аввалгилар белгилаган қоидалар билан бугунгилар белгилаган шариатга зид қоида ва истинботлар (хулосалар) ўртасини фарқлашни тақозо этади. Зеро, аввалгилар белгилаган қоидалар бу илмни Шореъ ирода қилганидек тушуниш ва унга риоя қилишда унинг тартибидан ва шариатга мувофиқлигидан чиқариб юбормаган. Бугунгилар эса, бу борада эгри йўлдан юриб, уни аввалгиларга, хусусан, Шотибий роҳимаҳуллоҳга мансуб йўл, деб даъво қилишди. Аҳмад Райсуний «Имом Шотибийга оид мақсадлар назарияси» номли китобининг 10 саҳифасида келтирган гаплар айти шундай хулосалар жумласидандир. У айтади: «Масалан рухсатлар бобида, одамлардан машаққатни кўтариш ва уларга енгиллик қилиш ҳикмат ва кўзланган мақсад эканига шубҳа йўқ. Машаққатни кўтариш шаръий рухсатларнинг ҳақиқий иллатидир. Бироқ Шореъ мукаллафларга «қачон қийинчилиқни ҳис қилсангиз рухсатга амал қилинг», деб айтмайди. Балки, улар учун маълум белгилар ва муайян сабабларни тайин этадики, уларни усулчилар аниқ белгиланган зоҳир сифатлар ёки иллатлар деб номлайдилар. Сафар, касаллик, ожизлик ва мажбурланиш каби иллатларга биноан рухсатлар қонуний кучга киради. Булардан бошқа ҳисобсиз машаққатлар кўринишларини Шореъ номма-ном келтирмаган. Уларни ҳамда уларнинг ичидан рухсатга лойиқ бўлганларини аниқлаш мужтаҳидларга ва Роббул оламин томонидан (фатвога) имзо қўювчи муфтиларга қолдирилган...». Иқтибос тугади.

Шунинг учун, ушбу баҳснинг бошланғич нуқтаси бўладиган шартлар ва тўғри қоидалар аниқлаб олиниши лозим. Уларга биноан аввалгилар белгилаган қоидалар билан бугунгилар пайдо қилган қоидалар ўртаси фарқлаб олинади. Умуман олганда улар иккитадир:

Биринчи: Ушбу мақсадлар, мукаллафнинг мақсадлари эмас, балки, Шореънинг мақсадларидир. Шореъ, яъни Аллоҳ Таоло

шариат учун ё бутунича мақсадларни белгилаган ёки ҳар бир ҳукм учун алоҳида мақсадларни белгилаган.

Иккинчи: Ушбу мақсадлар Шореънинг шариатдан, яъни аҳкомлардан кўзлаган мақсадларидир. Шунинг учун уларни тушуниш манбаси шаръий аҳкомлардир. Демак, бу ўринда ҳукм билан унинг натижаси ёки мақсади ўртасида боғлиқлик бўлиши лозим.

Мақосид-мақсадлар фикри икки ҳарам имоми Жувайний роҳимаҳуллоҳ шарофати билан, шунингдек, шофеий ва ҳанафий мазҳаблари ўртасидаги иллат ва унинг йўллари борасидаги тортишувлар натижасида пайдо бўлди. Муайян иллатларга асосланиб қиёсний далил қилиш айтиш шунинг тортишув ҳулосаси бўлди. Қарама-қаршилик ушбу иллатларда ва уларнинг иллатлашга яроқлилигида бўлди. Ушбу қарама-қаршилик мақосидлар фикрининг пайдо бўлишига олиб келди. Чунки қиёс аҳкомлар учун шаръий далилдир ва иллат ундаги руқн бўлиб, қиёслаш шунинг иллат орқалигина амалга ошади. Шаръий иллатнинг исботи учун унинг шаръийлигига далолат қиладиган далил бўлиши лозим. Ушбу иллатлар орқали иллатлаш тўғри бўлиши учун иллатнинг шартлари тўлиқ бўлиши керак. Акс ҳолда у иллат деб эътибор қилинмайди. Усулчиларнинг иллат йўллари ёки унинг далиллари номи остидаги қиёс баҳсларида айтиш шунинг нарсани топамайди. Ушбу йўллар ёки далиллар кўп ва тармоқлидир ҳамда уларнинг ўз шартлари бор. Жумладан:

1 – Иллат очиқ келади. Яъни Росулulloҳ ﷺ

«إِنَّمَا جُعِلَ الْإِسْتِثْنَانُ مِنْ أَجْلِ الْبَصَرِ»

«Кўз тушиб қолиши сабабли рухсат сўраш вожиб қилинди», деб айтганларидек, ҳукмнинг иллатланишини ифодалаган нарса нусусда очиқ келади.

2 – (كَي) ёки (ل) каби иллатлаш ҳарфларидан бири унга далолат қиладди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿رُسُلًا مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ لِئَلَّا يَكُونَ لِلنَّاسِ عَلَى اللَّهِ حُجَّةٌ بَعْدَ الرُّسُلِ﴾

«Токи бу пайғамбарлар ўтганларидан кейин одамлар учун Аллоҳга қарши ҳужжат бўлиб қолмаслиги учун пайғамбарларни (мўминларга жаннат ҳақида) хушхабар элтувчи ва (кофирларни дўзах азобидан) қўрқитувчи қилиб юбордик. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир»

[Нисо 165]

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿كَيْ لَا يَكُونَ دُولَةً بَيْنَ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ﴾

«Токи сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юраверадиған нарса бўлиб қолмасин учун» [Ҳашр 7]
 Иллатнинг иллатлашга муносиб сифат бўлиши ҳамда ушбу сифатнинг соғлом (саҳих) бўлиши унинг шартларидандир. Унинг соғлом бўлиши ҳеч қандай далил билан бекор қилинмаган ёки шаръий маънога зид келмаган бўлишидир. Муносиб сифат масаланинг моҳияти бўлиб, аҳкомларни иллатлаш мавзуси унга асосланади. Шариат мақсадлари фикрининг пайдо бўлишига айнан шу сифат сабаб бўлган. Бу қандай юз берган?

Масалан, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿رُسُلًا مُّبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ لِئَلَّا يَكُونَ لِلنَّاسِ عَلَى اللَّهِ حُجَّةٌ بَعْدَ الرُّسُلِ﴾

«Токи бу пайғамбарлар ўтганларидан кейин одамлар учун Аллоҳга қарши ҳужжат бўлиб қолмаслиги учун пайғамбарларни (мўминларга жаннат ҳақида) хушхабар элтувчи ва (кофирларни дўзах азобидан) қўрқитувчи қилиб юбордик» [Нисо 165]

Бу оятда пайғамбарлар юборилишидан одамлар учун Аллоҳга қарши ҳужжат ёки узр қолдирмаслик мақсад қилиниши пайғамбарлар юборилиши ва даъват етказилишининг иллатидир. Бу ерда иллат муносиб сифатдир. Чунки ақл иллат билан маълул ўртасидаги боғлиқликни топади ёки уни тушунади. Чунки пайғамбарларнинг юборилиши узрни йўқ қилади ва «бизга рисолат етиб келмаган», деган даъвога тўсиқ қўяди. Шунингдек,

﴿إِنَّمَا جُعِلَ الْإِسْتِثْنَانُ مِنْ أَجْلِ الْبَصَرِ﴾

«Кўз тушиб қолиши сабабли рухсат сўраш вожиб қилинди», деган ҳадисда ҳам, ақл боғлиқликни топади ёки уни тушунади. Шу боис, рухсат сўралаётган киши истамаган ёки унга қаралиши жоиз бўлмаган нарсага кўз тушиб қолиш иллати борлиги учун киришдан олдин рухсат сўраш вожиблигини ақл қабул қилади. Шунинг учун бу ерда «шаръий йўлларда келган ушбу сифатларда муносиблик шарт тўла бўлди» деб айтилади. Бошқача айтганда, сифатда муносиблик шартининг тўла бўлиши ҳикматни ёки иллат билан ҳукм ўртасидаги сабабият алоқасини тушунишни англатади. Шунингдек, баъзида иллатлашга далил далолат қилади ва сифат шаръий йўлда келади. Бироқ, сифат иллат бўлишга муносиб сифат бўлмайди. Яъни, иллат билан ҳукм ўртасида ақлан мақбул бўлган боғлиқлик бўлмайди. Бундай ҳолатда сифат иллат деб ҳисобланмайди. Чунки Аллоҳ Таолонинг

﴿فَلْتَقَطْهُوَ أَلْفِرْعَوْنَ لِيَكُونَ لَهُمْ عَدُوًّا وَحَرَنًا﴾

«Бас уни Фиръавн хонадони (ўсиб-улғайгач) ўзларига душман ва ғам-ташвиш бўлиши учун тутиб олдилар» [Қасос 8]

деб айтган сўзидаги каби унга муносиблик шарти етишмайди. Бу ерда лом ҳарфи иллатлаш ломи бўлиб, луғатда у иллатлашга далолат қилади, бироқ, унга муносиблик шарти етишмайди. Чунки Фиръавн хонадони Мусони ўзларига душман ва ғам-ташвиш бўлиши учун эмас, балки, кўз қувончи бўлиши учун тутиб олишган. Шунинг учун ушбу адоват ва ғам-ташвиш уларнинг қилган ишлари, яъни тутиб олишлари учун иллат эмас, балки, натижа бўлиб, Мусонинг тутиб олиниши шу натижага бориб етади. Шундай қилиб, муносиблик тўлиқ бўлмаган ўринда сифат – гарчи у иллатнинг шаръий йўлларида бирида келган бўлса ҳам – иллат бўлмайди. Омидий айтади: «Муносиблик шундай бир ифодаки, агар у ақлга ҳавола қилинса ақл уни қабул қилади». (Иҳком фи усули аҳком: 2/273).

Бундан аниқ кўриниб турибдики, муносиб сифат унга асосан қиёс қилинадиган иллатнинг ёки у орқали ҳукм ўтимли бўлишининг шартидир. Бу ерда мавзуну ривожлантиришда давом этганлар бор. Чунки бир гуруҳнинг муайян қоида ва иллатларни даъво қилишида ва бир гуруҳнинг уларни рад этишида гавдаланган тортишувлардан кейин муносиб сифат билан – гарчи бу сифатга шаръий далил далолат қилмаса ҳам – иллатлашни даъво қилиш пайдо бўлди. Бу даъвога кўра, агар шаръий ҳукм учун муайян иллат бўлиши эҳтимоли бор бўлса, ақл унда бир ҳикмат ёки манфаатни кўради ва мана шу иллат зон-гумон ўрнида бўлади. Ислом шариатида гумонга амал қилиниши қонуний кучга эга бўлгани учун бу иллат шаръий иллат бўлади. Шундай қилиб, муносиб сифатни иллат йўлларида бири ёки иллатдаги шартгина эмас, балки, унга далил қилиб олиш мавзуси тортишувга кирди. Агар биз спиртли ичимликни иллатламоқчи бўлсак, спиртли ичимлик у билан иллатланаётган сифат иллатлашга яроқли бўлиши, яъни муносиб сифат бўлиши лозим. Спиртли ичимликнинг ҳиди ёки унинг маст қилувчи бўлиши унинг сифатларидандир. Аммо унинг ҳидига келсак, у спиртли ичимликни ҳаром қилишга иллат бўлишга муносиб бўлмаган сифатдир. Бироқ, спиртли ичимликнинг ҳаром қилиниши билан маст қилиш сифати ўртасидаги боғлиқликни ақл қабул қилади. Чунки ақл маст қиладиган нарсанинг тақиқланишидаги манфаатни ёки ҳикматни идрок қилади. Шунинг учун маст қилиш сифати у билан (спиртли ичимлик ҳаромлигини) иллатлаётган киши наздида ҳаром қилиш учун иллат бўлишга яроқли бўлади. Бироқ, бу сифат бошиданоқ шаръий йўлда келмаган. Яъни, маст қилишнинг иллат бўлишига шаръий далил топилмайди. Шунинг учун уни Ҳанафийлар қатъан рад этишган.

Шундай қилиб, сифатнинг иллатлигига далил бўлиши, сўнг у иллат сифатида исботланиши учун унинг муносиб сифат бўлиши

шарт қилиниши бошқа нарса бўлса, сифатнинг иллат бўлишга муносиб бўлиши, бироқ, унинг иллатлигига далил йўқлиги бошқа нарсадир, иккиси ўртасида аниқ фарқ мавжуд. Ушбу иккинчи масалани олиш шариат мақсадлари мавзусининг пайдо бўлиши йўлидаги ривожланиш ҳисобланади. Чунки бундай қадам аҳкомларни ҳикматлар билан иллатлаш деганидир. Шундай қилиб, иллатлашнинг янги йўли, яъни муносиблик йўли пайдо бўлди. Шу ўринда огоҳлантириш лозимки, бунда муносиб сифатни, ҳикматни ёки манфаатни шаръий далил қилиб олинмайди. Чунки ҳукмга манфаатни далил қилинмайди ва манфаатга биноан ҳукм пайдо бўлмайди. Балки ҳукмнинг шаръий илллати деб гумон қилинган мавжуд шаръий ҳукмда манфаат ўрганилади. Бошқача айтганда, мавжуд шаръий ҳукмда ёки аҳкомларнинг бир нечтасида шаръий ҳукм учун муносиб ҳикмат борлиги тасаввур қилинади, сўнг иллат сифатида кўрсатилади. Шунинг учун бундай хулоса муносиблик ёки иҳола (иллат деб хаёл (гумон) қилиш) йўли деб номланди. Шунинг учун бу пайтда «бу сифат ёки маънони ҳукм тасдиқлади», деб айтилади ва «уни нусус ёки далил тасдиқлади», дейилмайди. Яъни, бу сифат нусус далолатидан эмас, балки, нусус маъноси далолатидан олинган. Ғаззолий айтади: «Биз айтиб ўтган ушбу шартларга кўра, манфаатларга эргашиш жоиздир. Бу ерда шу нарса аниқки, манфаатли деб топиб, шу асосда ҳукм чиқариш уни тўртта асл-далилдан кейинги бешинчи далил қилиб қўймайди, балки истиҳсон билан ҳукм қилган киши шариат билан ҳукм чиқарган ҳисобланганидек, манфаатли деб топиб, шу асосда ҳукм чиқарган киши ҳам шариат билан ҳукм чиқарган ҳисобланади». (Мустасфо: 1/180).

Бу ривожланиш унга чуқур киришган Шофеийлар билан, уни рад этган Ҳанафийлар ўртасида тортишувларни кўзғади. Ҳанафийлар уни хаёл ва ботил ҳамда ундаги гумон шаръий гумон эмас, дейишди. Уни ҳимоя қилганлар: агар аҳкомларни иллатламасак воқеалар ва янги нарсалар аҳкомлардан холи бўлиб қолади, дейишди. Уларда: «Аҳкомлардаги аслик иллатлашдир, агар шариат иллатга далолат қилган бўлса, у олинади ва агар далолат қилмаса иллатлаш учун энг яроқли сифатни излашимиз лозим. Унинг энг яроқлиси (сифат бўлишга) энг кўп муносиб бўлганидир. Шу шарт биланки, унинг рад этилишига ёки бекор қилинишига шариат далолат қилмаслиги лозим», деган гап пайдо бўлди. Шофеий мазҳабига эргашган Жувайний муносиблик йўлини ҳимоя қилиб, уни рад этган Ҳанафийларни усулни тушунишда хатога йўл қўйганликда айблайди ва «муносиблик йўлини тутиш далилсиз ўзбошимчалик қилиш ва ақлни ҳакам қилиш», деган гапни рад этади. «Ўзбошимчалик қилиш ва ақлни ҳакам қилиш деган гап

Шофеий йўлига юрмаганларнинг гапи», дейди у. Абу Ҳанифа ва унинг асҳоблари ҳақида бундай дейди: «Умуман олганда, уларда усул илми оз ҳам, кўп ҳам эмас. Агар улардан бири бирорта масалага ном берса, биз уни фуруъларнинг тафсилотларида рад этамиз. Чунки уларнинг соҳиби ўз масалаларини усулга асосламаган, балки, уларни ўзига мос келганича келтирган». (Бурҳон: 2/587).

Бу тортишувлар давом этди ва Ҳанафийлар бу манҳажнинг бутунича ҳаммасини рад этишди. Масалан, ҳижрий 482 йил вафот этган Баздавий муносиблик ва ихола (иллат деб хаёл қилиш) ҳақида бундай дейди: «Аммо хаёлга келсак, у ҳақиқати бўлмаган гумон бўлгани учун ботилдир. Чунки у махфий бўлиб, рақибга қарши далилликка ярамайди ва у далил ҳам эмас». (Усулул Баздавий: 3/518). У яна айтади: «Биз иллатлашни нусуслардаги алоҳида битта асл, яъни далил қилиб олмаймиз. Балки нусуснинг иллатланган нусус эканига далил керак, деб биламиз». (Усулул Баздавий: 3/438). Ҳижрий 1225 йилда вафот этган Абдул Али Муҳаммад Ансорий айтади: «Ҳанафийларда бундай эмас. Чунки ҳанафийлар ихола (иллат деб хаёл қилиш)ни умуман қабул қилишмайди... Чунки хаёл бирон нарсада ҳақиқатнинг ўрнини босолмайди. Унинг ғояси илҳомга ўхшаш бўлиб, ҳужжатликка ярамайди». (Фавотиҳур раҳмун: 2/301).

Шариат мақсадлари масаласи усулчилар уни қандай баён қилган бўлса, шундайлигича бузмасдан текшириб чиқилганидан кейин, бу масалага доир Ҳизб ут-Таҳрир ёзган маълумотларга мурожаат қилганимиз маъқул. Мужаддид олим шайх Тақийуддин Набаҳоний роҳимаҳуллоҳ Шореъ қасд қилган мақбул мақсадлар билан, ақл қасд қилган рад этилган мақсадлар ўртасидаги фарқни баён қилиб берган. Шореъ қасд қилган мақсад ё бутун шариатдан қасд қилинган мақсад бўлади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ﴾

«(Эй Муҳаммад), **дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик**» [Анбиё 107]

Ёки аҳкомларнинг айримларидан қасд қилган мақсад бўлади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّا لَنَصَلِّوهُ تَتَحَّىٰ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ﴾

«**Албатта намоз бузуқлик ва ёмонликдан тўсур**» [Анкабут 45]

Шунга кўра, Ҳизб мақсадларнинг эътиборга олинимида – улар бутун шариатдан қасд қилинган мақсад бўладими ёки аҳкомларнинг айримларидан қасд қилинган мақсад бўладими бундан қатъий назар – унинг мукаллаф томонидан эмас, балки

Шореъ томонидан белгиланган бўлишини шарт қилади. Аксар усулчилар мақсадларни заруриёт, хожиёт ва таҳсинотларга бўлишади. Заруриётларни бешга бўлишади. Улар: дин, жон, ақл, насл ва молни сақлаш. Ҳизб буларга учта заруриётни қўшади. «Исломий шахсия» китобининг учинчи қисмида шундай келади: «Масалан, улар «ҳеч қандай миллат ёки шариат унга риоя қилишдан холи эмас», деб айтаётган дин, жон, насл, ақл ва наслни сақлаш каби бешта заруриёт, жамиятлиги жиҳатидан жамият учун зарурий бўлган заруриётларнинг ҳаммаси эмас. Чунки давлат, хавфсизлик ва инсон қадр-қимматини асраш ҳам жамият учун зарурий бўлган заруриётлардандир. Демак, аслида заруриётлар бешта эмас, саккизтадир...». Иқтибос тугади. Ҳизб мақсадлар билан иллатлар ўртасини ажратади. Чунки мақсад агар унда иллатлаш шартлари тўла бўлсагина аҳкомларнинг қонуний кучга кириши учун иллат бўлади. «Исломий шахсия» китобида яна бундай келади: «Чунки иллатлашга далолат қиладиган нусус шундай бўладик, унда иллатни ифодалаган лафз келган бўлиб, муносиб сифатга эга бўлиши лозим. Масалан, қуйидаги оятдаги каби иллатни ифодалаган ҳарфлардан бири бўлиши керак:

﴿كَذٰلِكَ لَا يُكَوْنُ دَوْلَةً بَيْنَ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ﴾

«Токи сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юраверадиған нарса бўлиб қолмасин учун» [Ҳашр 7]

Ёки қуйидаги ҳадислардаги каби жумланинг мазмуни иллатни ифодалаши лозим:

﴿وَلَا يَرِثُ الْقَاتِلُ شَيْئًا﴾

«Қотил меросдан ҳеч нарса олмайди». Абу Довуд ривояти.

﴿لَا يَقْضِي الْقَاضِي بَيْنَ اثْنَيْنِ وَهُوَ غَضْبَانٌ﴾

«Қози ғазабланган ҳолида икки киши ўртасида ҳукм қилмасин». Аҳмад ривояти.

﴿... فِي صَدَقَةِ الْغَنَمِ، فِي سَائِمَتِهَا...﴾

«Закот яйловдаги чорвадан берилади». Бухорий ривояти. Иқтибос тугади.

Ушбу жумлалардан иллатни тушуниш мумкин. Яна шундай жумлалар ҳам борки, уларда бундай сифатлар топилмайди ёки муносиб сифат бўлмайди. Улардан иллатлаш тушунилмагани учун иллат бўлмайди». (Иқтибос тугади). Шунга кўра, Ҳизб иллатнинг шартлари тўла бўлсагина уни иллат деб қабул қилади. Иллат ҳикматдан ва қонунчиликдан кўзланган ғоя (мақсад)дан фарқ қилади. Иллат ҳукмдан олдин мавжуд бўлади, шунингдек, борлик ва йўқликдада ҳукм билан бирга бўлади. Иллат ҳукмининг қонуний

кучга киришининг боисидир. Ҳукм фақат унга мувофиқ қабул қилинади. Ҳикмат ва мақсад (ғоя) ҳам кўплаб нусусларда келади. Масалан:

﴿لِيَشْهَدُوا مَنَافِعَ لَهُمْ﴾

«Улар ўзлари учун бўлган манфаатларга шоҳид бўлиш учун» [Ҳаж 28]

﴿إِنَّ الصَّلَاةَ تَنْهَى عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ﴾

«Албатта намоз бузуқлик ва ёмонликдан тўсур» [Анкабут 45]
Ҳожилар манфаатларга гувоҳ бўлишлари ҳам, гувоҳ бўлмасликлари ҳам мумкин. Шунингдек, намоз бузуқликлардан тўсиши ҳам, тўсмаслиги ҳам мумкин. Шариатдан кўзланган ғоя ёки ҳикмат ҳукм татбиқ этилишининг натижасидир ва унинг қонуний кучга киришининг илллати эмас. Шунинг учун иллат ғоя ва ҳикматдан фарқ қилади. Уларни аралаштириб юбориш шариатни тушуниш ва унга риоя қилишни издан чиқаради. □

КАПИТАЛИЗМ ЎЗИНИНГ АДОЛАТСИЗ НИЗОМИ БИЛАН ИНСОНИАТНИ ЭЗМОҚДА, ЯГОНА ЕЧИМ ИСЛОМ НИЗОМИДАДИР

Муҳаммад Мустафо – Яман

Бугунги кунда Ғарбнинг капиталистик иқтисоди бутун дунё иқтисоди устидан ҳукмронлик қилмоқда. У барча давлатларни, шу жумладан, исломий олам давлатларини ўз иқтисодлари учун капиталистик иқтисодни конституциявий ва амалий жиҳатдан мурожаат қилинадиган манба сифатида қабул қилишга мажбур қилмоқда. Ғарб иқтисодчиларининг фикрича, иқтисодий муаммо инсон эҳтиёжларига нисбатан ресурс ва бойликларнинг етишмаслигидир. Улар буни «нисбий танқислик», деб аташади. Ғарб тушунчасига кўра, инсоннинг чекланмаган эҳтиёжларига нисбатан ресурс, товар ва хизматлар етишмайди. Бошқача айтганда, инсон эҳтиёжларини қондирадиган ресурслар мувозанатига ҳеч қачон эришиб бўлмайди. Уларнинг наздида, ресурслар билан инсоннинг чекланмаган эҳтиёжлари ўртасидаги фарқни камайтириш учун ишлаб чиқаришни кўпайтириш лозим. Масалан, жамиятнинг 50 %ини ташкил этган кишилар ресурсларни истеъмол қилиб фойдаланавериши ўрнига ишлаб чиқаришнинг оширилиши ресурсларнинг «товар ва хизматлар» кўринишида кўпайишига олиб келади. Бозорда ресурсларнинг мавжуд бўлиши улардан фойдаланиб ўз эҳтиёжини қондирувчилар фоизини 80 %гача ўсишига олиб келади. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш кўпайгани сари фойдаланиш ҳам кўпаяди ва жамиятнинг эҳтиёжи қондирилади. Лекин қолган 20 % одам ресурсларга етиша олмайди, чунки товар ва хизматлар барча инсонларнинг эҳтиёжини қондира олмайди. Шундай қилиб қолганлар, яъни ишга яроқсизлар, ишсизлар ёки асосий эҳтиёжини қондиришга маблағи етмайдиганлар ўзларига керак бўлган товар ва хизматларга етиша олмайди ва ўз эҳтиёжларини қондира олмайдилар. Шу боис, уларнинг назарида дунёда қашшоқларнинг бўлиши муқаррар ишдир!!!... Капитализмни татбиқ қилаётган давлат бундай камбағал синфнинг мавжудлигини табиий иш деб ҳисоблайди. Шунинг учун бу давлатлар камбағалларга эътибор бермайди! Аксинча, қашшоқлик муаммосини давлат тизимига алоқаси бўлмаган чораларни қўллаш орқали (яъни, нодавлат хайрия ташкилотлари орқали) ҳал этишга ҳаракат қилади. Бу чоралар қашшоқликни тугатишга кифоя қилмайди ва уни тугатмайди... Бундай давлатлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан бошқа нарсага эътибор бермайди.

Бошқа томондан, ким ўзидаги бойлиги орқали қанча ресурсга имконияти бўлса, бойлиги кўпаяверади ҳамда ўзининг завод ва

лойиҳалари орқали нуфузи ошаверади. Натижада, бозор ва товарлар устидан ҳукмронликни ўрнатади!! Капиталистик низомдаги мулк эркинлиги туфайли бой гуруҳ ресурс ва бойликларни осонлик билан эгаллаб олади ва уларнинг қўлида бойлик тўпланаверади. Сўнгра улар сиёсатчилар ортида туриб, ўз манфаатларига мос қонун чиқаришлари учун уларга кўмаклашишади. Бозорларни очишда ва бошқа халқлар ва юртлар бойликларини қўлга киритишда улардан фойдаланишади... Бу мустамлакачилар урушлар, риболи қарзлар ва бойликларни тортиб олишлар орқали озиқланади. «Капиталистик тузум» номли нарса мана шу ердан келиб чиқади. Чунки бу тузумда капитал эгаси бўлган синф Ғарб режимларидаги ҳукмдорлар синфи устидан ҳукмронлик қилади. Шунинг учун дунёни ишғол қилаётган, талон-торож қилаётган ва ҳеч қандай назоратсиз хоҳлаганини ўлдираётган ҳамда ресурсларга бой ва дунёда энг буюк давлат бўлмиш Америкада қашшоқлар, бошпанасиз ва ишсизлар сони кўп. Америка давлати уларни ҳеч нарса билан таъминламайди. Американинг собиқ президенти Трамп араб давлатларидан молиявий маблағ олганида Америка халқига кўпроқ иш ўринларини яратишни ваъда қилган эди. Бошқача айтганда, ундан ишлаб чиқаришда ишлаётган кишилар ўз эҳтиёжларини қоплашда фойдаланди. Бу пуллар қашшоқлар, камбағаллар ва очликдан ўзларини қутқаришга қодир бўлмаганларни муолажа қилиш учун ишлатилмади! Чунки капиталистик режимлардаги ҳокимлар уларнинг назари бўйича жамиятда бўлиши муқаррар бўлган бундай гуруҳга эътибор бермайдилар!!

Ислом иқтисодий муаммони улар калта ақллари билан тасаввур қилганидек бойлик, ва ресурсларнинг етишмаслигида демади. Чунки Аллоҳ Таоло ер юзини қиёматгача одамларга етадиган бойликлар билан таъминлаб қўйган.

﴿قُلْ أَنتَكُم لَتَكْفُرُونَ بِالَّذِي خَلَقَ الْأَرْضَ فِي يَوْمَيْنِ وَتَجْعَلُونَ لَهُۥٓ أَنْدَادًا ذَٰلِكَ رَبُّ الْعَالَمِينَ﴾ ﴿وَجَعَلَ فِيهَا رَوَاسِيَ مِّنْ فَوْقِهَا وَبَرَكَ فِيهَا وَقَدَّرَ فِيهَا أَقْوَاتَهَا فِي أَرْبَعَةِ أَيَّامٍ سَوَاءً لِّلسَّائِلِينَ﴾

«Айтинг: «Ҳақиқатан ҳам сизлар Ерни икки кунда яратган Зотга кофир бўлурмисизлар ва ўзгаларни Унга тенглаштиурмисизлар?! Бу (Аллоҳ) барча оламларнинг Парвардигори-ку?! У зот (Ернинг) устида тоғларни (пайдо) қилди ва уни баракотли қилди ҳамда ўша (ер)да унинг емишларини (яъни ер аҳлининг ризқу рўзларини) тўла тўрт кунда белгилаб-тақсимлади. (Бу тафсилот) сўрагувчилар учундир» [Фуссилат 9-10]

﴿أَلَمْ تَرَوْا أَنَّ اللَّهَ سَخَّرَ لَكُم مَّا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَأَسْبَغَ عَلَيْكُمْ نِعَمَهُ ظَهِرَةً وَبَاطِنَةً وَمِنَ النَّاسِ مَن يُجَادِلُ فِي اللَّهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ وَلَا هُدًى وَلَا كِتَابٍ مُّنِيرٍ﴾

«(Эй инсонлар), Аллоҳ осмонлар ва ердаги барча нарсаларни сизларга бўйсундириб қўйганини ва сизларга барча зоҳирий ва ботиний (яъни моддий-маънавий) неъматларини комил қилиб берганини кўрмадингларми?! Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар ўзлари билмаган, ҳидоят топмаган ва ёрқин китоб-ҳужжатга эга бўлмаган ҳолларида Аллоҳ хусусида мужодала қилурлар»

[Луқмон 20]

Сўнг Аллоҳ Таоло мусулмонлар учун иқтисодий низомни бериб, унда инсоннинг ҳаётий муаммолари ва моддий эҳтиёжларини муолажа қилди.

﴿وَلَوْ أَنَّهُمْ أَقَامُوا التَّوْرَةَ وَالْإِنْجِيلَ وَمَا أُنْزِلَ إِلَيْهِمْ مِّن رَّبِّهِمْ لَأَكْلَوْا مِن فَوْقِهِمْ وَمِن تَحْتِ أَرْجُلِهِمْ مِّنْهُمْ أُمَّةٌ مُّقْتَصِدَةٌ وَكَثِيرٌ مِّنْهُمْ سَاءَ مَا يَعْمَلُونَ﴾

«Агар улар Тавротга, Инжилга ва Парвардигорлари томонидан нозил қилинган барча нарсаларга амал қилганларида эди, устларидан (осмондан) ҳам, остларидан (ердан) ҳам ризқланган бўлур эдилар. Уларнинг ораларида адолат эгалари бўлган кишилар ҳам бор. Аммо уларнинг кўплари нақадар ёмон амалларни қиладилар» [Моида 66]

Лекин афсуски, у бугун татбиқ қилинмаяпти. Шунинг учун мусулмонлар уни ўз ҳаётларига олиб келишлари вожиб. Чунки улар ушбу низомни татбиқ қилишмаётгани учун гуноҳкордирлар. Аксинча, Ғарб (унинг ҳукмдорлари ва капиталистлари) унинг татбиқ этилишини ва уни татбиқ этадиган Халифалик давлати барпо қилинишини олдини олишга ҳаракат қилмокда. Чунки Ғарб яхши биладики, Халифалик Ғарбнинг одамлар бойликларини ўғирлашига ва ноҳақ ейишига йўл қўймайди ҳамда унинг мустамлакачилигига барҳам беради.

Ислом иқтисодий муаммонинг ечими «бойликни тақсимлаш»да, деб белгилади. Ислом мана шу ердан бойлик жамиятнинг барча аъзолари; бойи ва камбағали, ожизи ва қодирига етиб боришини таъминлайдиган иқтисодий ҳукмларни олиб келди... Шунингдек, капиталистик низомда бўлганидек бойликни бир гуруҳ бойлар қўлида йиғилиб қолишидан қайтарди. Эҳтимол

﴿كَئِى لَا يَكُونَ دُولَةً بَيْنَ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ﴾

«Токи сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юраверадиган нарса бўлиб қолмасин учун» [Ҳашр 7]

ояти каримаси Ислом бойликни тақсимлашга эътибор қаратишининг энг тўғри ифодаси бўлса керак. Шунинг учун кўплаган шаръий далиллар мавжудки, улар асосий муаммо шахсларнинг қашшоқлигида ҳамда ҳар бир шахсда бойликка эга бўлиш ва ундан фойдаланиш имконияти йўқлигида эканини баён қилади. Шунинг учун капитализмнинг иқтисодий муаммога нисбатан назариясига зид ўлароқ муолажа бойликни тақсимлаш билан амалга ошади, деб белгилайди.

Шу боис, биз Қуръон ва Суннатда камбағаллар, мискинлар, етимлар, йўловчи мусофирлар, қарздорлар ва бошқалардан иборат муҳтожларга инфоқ-эҳсон қилишга қизиқтирадиган йўлланмалар борлигини кўрамиз. Ҳатто мусулмонлар орасида умумий таассурот шуки, агар улардан бири даф қилиниши лозим бўлган ёмон ишни қилса, Аллоҳнинг кечиришига муҳтож гуноҳни қилса, ёки бола туғилса, ёки барака ҳосил бўладиган ризқ келса уларнинг ақлларига биринчи бўлиб камбағалларга инфоқ ва эҳсон қилиш келади. Бунинг сабаби Аллоҳ Таоло бойликка ҳирс қўйиш ҳамда камбағал, мискин, қарздор ва йўловчи мусофирлардан иборат муҳтожларга инфоқ қилмасликни қоралаган.

﴿كَلَّا بَلْ لَا تُكْرِمُونَ الْيَتِيمَ ﴿١٧﴾ وَلَا تَحْضُونَ عَلَىٰ طَعَامِ الْمَسْكِينِ ﴿١٨﴾ وَتَأْكُلُونَ التَّرَاثَ أَكْلًا لَّمًّا ﴿١٩﴾ وَتُحِبُّونَ الْمَالَ حُبًّا جَمًّا ﴿٢٠﴾﴾

«17. Йўқ, (сизлар гумон қилганларингиздек иззат-икром бойлик билан, хор-зор қилиш — камбағаллик билан бўлмас)! Йўқ, сизлар етимни иззат-икром қилмассизлар! 18. Мискин-бечорага таом беришга ҳам бир-бирларингизни тарғиб қилмассизлар! 19. Меросни эса (ўзларингизнинг улушингизга ўзгаларникини ҳам) қўшиб ейиш билан еяверурсизлар! 20. Яна мол-дунёни қаттиқ муҳаббат билан яхши кўрурсизлар!»

[Фажр 17-20]

Мана шу маънода кўплаб оят ва ҳадислар келган бўлиб, улар мусулмонларни шу каби кишиларга инфоқ қилишга қизиқтиради ва буни уларнинг гуноҳларига каффорат қилиб белгилаган. Шунингдек, бунда Аллоҳга яқинлик бор. Аллоҳ Таоло

﴿إِنَّمَا أَصَدَقْتُ لِلْفُقَرَاءِ وَالْمَسْكِينِ وَالْعَمِلِينَ عَلَيْهَا وَالْمَوْلَافَةَ قُلُوبُهُمْ وَفِي الرِّقَابِ وَالْغُرْمَيْنِ وَفِي سَبِيلِ اللَّهِ وَابْنِ السَّبِيلِ فَرِيضَةً مِّنَ اللَّهِ وَاللَّهُ عَلِيمٌ حَكِيمٌ﴾

«Албатта, садақалар (яъни, закотлар) Аллоҳ томонидан фарз бўлган ҳолда, фақат фақирларга, мискинларга, садақа йиғувчиларга, кўнгиллари (Исломга) ошна қилинувчи кишиларга, бўйинларни (қулларни) озод қилишга, қарздор кишиларга ва Аллоҳ йўлида (яъни, жиҳодга ёки ҳажга

кетаётганларга) **ҳамда йўловчи мусофирларга берилур. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир»** [Тавба 60]

оятида мусулмонларнинг бойларига закот беришларини фарз қилди. Шунингдек, уни бойларидан олиниб, камбағалларига бериладиган камбағаллар ҳаққи қилиб белгилади. Бундан ташқари, камбағалларга инфоқ-эхсон қилиш, етимни таъминлаш ва очни овқатлантиришга қизиқтирди... Бу эса, мусулмонлар орасида бирдамлик ҳамда ижтимоий қардошлик ҳамжиҳатлигининг ёйилишига олиб келади.

Лекин Ислом камбағалликни муолажа қилишда фақат умумий йўлланмалар билан чекланмади, балки иқтисод ва ҳаёт ишларида шаръий ҳукмлардан иборат ва инсониятни қийнаётган иқтисодий муаммоларни ҳал қиладиган тузумни яратди. У ҳам бўлса «бойликни тақсимлаш» бўлиб, унда бойлик жамиятнинг барча шахсларига етиб боради. Биз энг аввало мусулмонларга Ислом ва унинг барча аҳкомлари ҳар бир нарсалардан хабардор ва билимдон Зот томонидан нозил қилинган ҳақ дин эканини англатиш учун ушбу ҳукмлардан айримларини келтириб ўтамиз:

– Ислом мулкни уч турга бўлди: шахсий мулк, давлат мулки ва умумий мулк. Шариат умумий мулкдан барча фойдаланишига рухсат берган бўлиб, унга катта заҳирадаги ва узлуксиз нефть ва минерал булоқлари каби конлар киради. Заҳираси ўта улкан бўлган бундай конлар давлатнинг барча фуқароларига тегишлидир. Мана шунинг ўзи бу бойликнинг жамоатга кифоя қилишига кафилдир. Шариат ҳатто уларни давлат эгаллаб олишидан қайтаради, лекин уни қазиб олиш ишларига бош-қош бўлишидан қайтармайди. Шунингдек, шариат улкан ширкат эгалари уларни эгаллаб олишига йўл қўймайди. Лекин уни қазиб олишда сарфлаган харажатини олишдан қайтармайди. Одамлар нефть, газ, электр энергияси ва бундан бошқа энергияларни бекорга олишади. Кейин давлат уларга нархларнинг ортиқчасини қайтаради. Имом Мовардий ўзининг «Ховий» номли китобида умумий мулкни шундай таърифлайди: «У (умумий мулк) мусулмонлар жамоасининг мулки бўлиб, на шахслар ва на давлат унда тасарруф қилиши ёки ўз манфаати йўлида фойдаланиши мумкин эмас. Бу маблағларнинг эгаси сифатида бутун жамият барча одамлар томонидан биргаликда иштирок этади. Уларни сотиш, эгаллаб олиш ва совға қилиш мумкин эмас. Давлат фақат ундан фойдаланиш тартибини йўлга қўйиши мумкин». Тақийюддин Набаҳонийнинг «Иқтисод низоми» номли китобида шундай дейилган: «Шореъ жамоатга умумий мулкдан фойдаланишига рухсат берган. Умумий мулкка тўғри келадиган барча мулклар ҳақида Шореъ улар жамоат ўртасида муштаракдир деган ва ёлғиз шахс уларни ўзлаштириб

олишидан қайтарган». Энди давлат умумий мулкларни назорат қилишига келсак, бу бойликни жамият шахслари ўртасида тақсимлашга ёрдам беради. Шунингдек, бу бойликни чекланган шахслар қўлида йиғилиб қолишини олдини олади. Бундан ташқари, бойликдан иложи борица кўпроқ одамларнинг фойдаланишига, шунингдек, нефт ва нефт маҳсулотларидан тайёрланган товарлар таннархини пасайтиришга ҳисса қўшади.

– Ислом рибони ҳаром қилган.

﴿وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الرِّبَا﴾

«Аллоҳ байни ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган»[Бақара 275]

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَذَرُوا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَا إِن كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ ﴿٢٧٥﴾ فَإِن لَّمْ تَفْعَلُوا

فَأَذْنُونا بِحَرْبٍ مِّنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ ۖ وَإِن تُبْتُمْ فَلَكُمْ رُءُوسُ أَمْوَالِكُمْ لَا تَظْلِمُونَ وَلَا تُظْلَمُونَ﴾

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангизлар, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз.

(Яъни одамларга берган қарзларингиздан чиқадиган фойдани олмангиз). **Энди агар (фармонимизни) қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва пайғамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг! Агар тавба қилсангиз, дастоянгиз ўзингизга — золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз»** [Бақара 278-279]

Рибонинг ёмон таъсирларидан бири шуки, у бойликни ҳеч қандай ишлаб чиқаришсиз муҳтожлар ҳисобига паразит рибохўрлар қўлида йиғилиб қолишига олиб келади. Бошқа томонда эса, қийналган қарздорлар синфи пайдо бўлади... Рибонинг одамлар турмуш ҳаётига бўлган таъсирига келсак, у нархларнинг умумий даражасининг кўтарилишига олиб келади. Шунингдек, ижтимоий ҳаётни чигаллаштиради. Ислом рибо билан шуғулланадиган кишини Аллоҳ ва Росулига уруш очган жиноятчи, деб таърифлаган. Шунингдек, уни зинодан ҳам қаттиқ жиноят қилган деб ҳисоблайди. Рибо қадимда қулчиликни келтириб чиқарган. Чунки қарздор қарзини тўлашга қодир бўлмаса, ўзини қарз берувчига сотган. Бугун халқаро рибо ташкилотлари ва давлатлари бор. Улар камбағал жамиятларга қарз бериб, тўлашга қодир бўлмаса, уларни қул қилиб олади. Сўнгра давлат бойликларини сўриб олиб, одамларни тараққиётдан тўсади, уларни бой давлатлар адовати ва бажариб бўлмас шартлари остида ушлаб туради. Бошқача айтганда, одамларни қул қилади.

– Ислом монополияни ҳаром қилган, чунки бунда бойлик бир гуруҳ монополистлар қўлида тўпланиб қолади. Росулulloҳ ﷺ айтади:

«مَنْ اخْتَكَرَ طَعَامًا أَرْبَعِينَ لَيْلَةً، فَقَدْ بَرِيَ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى، وَبَرِيَ اللَّهُ تَعَالَى مِنْهُ، وَأَيُّمَا أَهْلُ عَرَصَةٍ أَصْبَحَ فِيهِمْ امْرُؤٌ جَائِعًا، فَقَدْ بَرَّتْ مِنْهُمْ ذِمَّةُ اللَّهِ تَعَالَى»

«Кимки бирор таомни қирқ кун (ихтикор қилиб) сақласа, Аллоҳдан халос бўлибди ва Аллоҳ ҳам ундан халос бўлибди. Қайси бир маҳалла аҳли орасида бир киши оч ҳолда тонг оттирса, улардан Аллоҳнинг зиммаси кўтарилибди». Имом Аҳмад Муснади. Росулulloҳ ﷺ яна бир ҳадисда айтадилар:

«مَنْ اخْتَكَرَ عَلَى الْمُسْلِمِينَ أَرْبَعِينَ يَوْمًا ضَرَبَهُ اللَّهُ بِالْجُدَامِ وَالْإِفْلَاسِ»

«Кимки мусулмонлардан бирор таомни қирқ кун (ихтикор) қилиб сақласа, Аллоҳ уларни моҳов касали ва банкротлик билан жазолайди». Ихтикор – бу одамларга керак бўлган нарсани, у озиқ-овқат ёки бошқа нарсаларни ушлаб туришдир. Бу уни ушлаб туришда одамларга зарар етказадиган ва уларнинг ҳаётини қийинлаштиради. Бу барча нарсалар; озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон, омов ва ўғит каби қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш қуролларини ўз ичига олади. Шунингдек, ишчилар, меҳнаткашлар, ҳунармандлар, олимларнинг тажрибалари ва манфаатларни ҳам ўз ичига олади. Агар Уммат мана шундай товарлар, манфаатлар ва хизматларга муҳтож бўлса (чунки монополия қилинаётган нарсани нима бўлишидан қатъий назар, бу ерда зарар етаётгани эътиборга олинади) монополистлар ўз қўлларидаги нарсаларни беришларига мажбурланадилар. Яъни, агар монополистлар товар ва хизматларни бозорга олиб чиқишдан бош тортишса – Умматнинг яхши яшаш ҳуқуқи таъминланишини ҳисобга олган ҳолда ва ундан зарарни даф этиш учун – улар товарларни мақбул нархда сотишга, хизматлардан одамларни мақбул тўлов эвазига фойдалантиришга мажбурланадилар. Монополияни тақиқлашдаги ҳикмат одамлардан зарарни кетказиш ҳамда монополиясиз ва тўсиқсиз бойликка эга бўлишлари учун одамларга йўлни очиб беришдир. Шунингдек, одамлар бойликни эксплуатация қилишларига ёрдам беришдир. Бунда жамиятнинг ҳар бир шахси бойликдан ўз насибасини олиши кафолатланади.

– Исломдаги мерос низоми улкан бойликларни бўлиб, уни меросхўрлар ўртасида тақсимлаб беради. Мерос қонунини бойликни бўлиш воситаларидан биридир. Меросни бўлиш унга иллат эмас, аксинча у унинг воқелигини белгилашдир. Чунки бойликка эга бўлиш мубоҳ ишлардан бўлгани учун, баъзида у айрим шахслар қўлида йиғилиб қолади. Улар вафот этгач, уларнинг бойлиги меросхўрлар ўртасида бўлинади. Меросга исломий фикрнинг татбиқ қилиш орқали шахслар одил суратда ўз насибаларини олишади.

Фақир ва камбағал шахсларга юсак суратда ва ҳукумат аралашмасдан бойлик бўлиб берилади. Бу ғарбликларнинг мерос бўлиш қонунига зиддир. Чунки уларда бойлик битта шахс қўлида йиғилиб қолишдан буржуазия шаклланади ва табақачилик кучаяди. Исломдаги мерос тақсимлаш эса, бойликни қайта тақсимлаш орқали ушбу йиғилиб қолишни парчалайди. Шунинг учун биз исломий тарихда истеъмол соҳасида синфий кураш ёки катта тафовутдан пайдо бўлган бирорта ижтимоий силкиниш рўй берганини кўрмаганмиз.

– Ислом бойлик босиб қўйишдан, яъни уни заруратсиз босиб қўйишдан қайтаради. Аксинча, уни ишлаб чиқариш корхонаси, ёки деҳқончилик, ёки тижорат, ёки шариат рухсат берган бошқа бир лойиҳага ишлатиш лозимдир. Токи, у жамият ичида ҳаракатлансин ва ўз эгаси, унда ишлаётганлар, камбағаллар ва бошқа синфларга фойда келтирсин. Шунингдек, бутун жамият унинг лойиҳаларидан фойдалансин. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالَّذِينَ يَكْنِزُونَ الذَّهَبَ وَالْفِضَّةَ وَلَا يُنفِقُونَهَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَبَشِّرْهُمْ بِعَذَابٍ أَلِيمٍ﴾

«Олтин-кумушни босиб, уни Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилмайдиган кимсаларга аламли азоб «хушхабарини» етказинг!» [Тавба 34]

Исломнинг бойликни босиб қўйишни тақиқлаши ва сармоя ётқизишга қизиқтириши барча мусулмонларга яхшилик олиб келади. Исломда сармоя ётқизиш деганда молни кўпайтириш учун бир нарсага ишлатишга айтилади. Ундан мақсад эса, фақат фойда олиш эмас, аксинча мақсад иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт ҳамда исломий жамиятларни оёққа турғазидир. Бойликни босиб қўйишни тақиқлаш орқали лойиҳаларни ўз ўзини молиялаштириши учун керакли пул йиғилади ва бу фоиз остида қарз олишдан сақлайди. Закот сармоя ётқизишнинг энг муҳим сабабларидан биридир. Чунки закот сабабли йиғилган бойлик тугаб кетади. Шунингдек, Исломдаги бойликни босиб қўйишга бўлган тақиқ сармояни тўла ишлатилишига олиб боради. Зеро, сармояни ишлаб чиқаришга йўналтириш вожибдир. Бу ерда бойликни босиб қўйиш билан уни сармоя қилиб ётқизиш ўртасида боғлиқлик бор. Чунки бойликнинг йиғилиб туриши сармоя ётқизишга йўналтирилмаган бойликни босиб қўйишнинг ўзидир. Шунинг учун етимнинг моли закот бериш туфайли тугаб кетмаслигини олдини олиш учун уни айлантриб туриш лозим.

– Ислом исломий давлатга ўз фуқароларининг ейиш-ичиш, кийим-кечак ва уй-жойга бўлган асосий эҳтиёжларини қондиришга буюрди. Уларни бойларнинг нарх-наво билан ўйнашишларига ташлаб қўймади. Шунингдек, Ислом камбағалларни капиталистик

низомда бўлганидек, моддий ҳолатларини муолажа қилмасдан ташлаб қўймади. Исломий низом жамиятнинг ҳар бир шахсини заруратлар билан таъминлайди. Исломий давлат ўз фуқароларини ейиш-ичиш, кийим-кечак ва уй-жой каби асосий эҳтиёжларини таъминлаб бериши шарт. Абдурраҳмон Моликий ўзининг (Оптимал иқтисодий сиёсат) китобида шундай дейди: «... Ислом ҳар бир фуқарони (ейиш-ичиш, кийим-кечак ва уй-жой) каби асосий эҳтиёжларини таъминлайди. Шунингдек, уларни (деҳқончилик, ишлаб чиқариш, тижорат ва ишчи кучи) каби тўрт иқтисод манбасидан кучи етганича эгаллашини таъминлайди. Бундан ташқари, асосий эҳтиёжини қондириш учун уларга кучи етганича эгалик қилишига ва камоллий эҳтиёжларини ҳам қондиришига йўл очиб беради. Чунки мулкка эгалик қилиш асосий ва асл нарсадир...».

Шу ва шу каби ҳукмлар жамият шахслари ўртасида бойликни бўлиш ишида ёрдам беради. Шунда бойлик бир гуруҳ одамлар қўлида тўпланиб қолмайди ва бойлик келадиган эшиклар фақат улар учун очилмайди. Шунингдек, бугун ер юзига ҳукмрон бўлиб турган капиталистик низом каби одамлар томонидан чиқарилган низомларда бўлганидек, жамиятнинг камбағал шахсларига етиб бориши қийин бўлмайди. Шундан келиб чиқиб айта оламизки, капиталистик низомнинг ҳаётга манфаат асосида қараши, шунингдек, сиёсий мустамлакачилик ҳамда унинг БМТ ва Халқаро Банк каби қуруллари пайдо қилган вазият туфайли инсоният қашшоқлик, қимматчилик ва иқтисодий коррупциядан азоб чекмокда. Сабаби давлатнинг барча соҳаларига ҳукмронлик қилаётган, камбағалларга эътибор бермайдиган ва ўзи талон-торож қила туриб бойлик етишмаслигини даъво қиладиган бойларнинг бойлиги ортиб бормокда. Банклар ҳамда очкўз бойларнинг чўнтаги камбағаллардан ўғирланган сармоялар билан тўлаётган бир пайтда, улар халқаро конференцияларда қашшоқлик муаммоси ва барқарор ривожланиш ҳақида гапириб, иккиюзламачилик қилишмокда! Биз дунё бойликлари марказида яшасакда, Ислом олиб келган адолатли тақсимотдан маҳруммиз. Мана, бойликларга тўла Африка уларга ўзи эга эмас. Кўриб турибмизки, ким Ислом ҳукмларидан бирини зое қилса, Аллоҳ уни ўша ҳукмга муҳтож қилиб қўйди. Ҳа, бутун дунёда бўлаётган иқтисодий муаммонинг ечими фақат Халифалик давлатида гавдаланадиган Ислом низомини тиклашдир. Бугунги кунда Ҳизб ут-Таҳрир айнан мана шу давлатни барпо этишга ҳаракат қилмокда ва бутун инсоният капиталистик низом соясида фанога юз тутишидан олдин уни қутқариш учун ҳазорий альтернатива сифатида айнан шу низомни таклиф қилмокда.

Сўзимизнинг энг яхши хулосаси сифатида, Росулulloҳ ﷺ ва у зотнинг саҳобалари ҳаётидан намуналар келтирамиз... Росулulloҳ ﷺ ўлжадан тушган молларни ҳеч кимни ажратмай барча мусулмонларга бўлиб берар эдилар, ажратадиган бўлса, фақат шаръий сабабга кўра ажратар эдилар. Рошид халифалар эса, фатҳ қилинган ерларни мусулмонлар ундан фойдаланиши ва обод қилиши учун уларга бўлиб берар эдилар. Давлат у ерларни эгаллаб, ўзиники қилиб олмаган эди. Ибн Қайюм (Зодул маод) китобида Тоиф ўлжалари ҳақида шундай эслайди: «... Сўнгра Зайд ибн Собит ўлжалар ва одамларни ҳисоблаб, уларни одамларга тақсимлаб беришга бурди. Ҳар бир кишига тўрттадан туя ва қирқтадан қўй тўғри келди. Агар отлиқ бўлса, ўн иккита туя ва бир юз йигирмата қўй олди...». Умар رضي الله عنه мусулмонларни бирортасини ажратмай молларни бўлиб берди. Агар ажратадиган бўлса, жинси, ранги уруғи ва мансабига қараб эмас, балки шаръий буйруққа кўра ажратди... Тарихшунос Балозарий ўзининг (Турли юртлар фатҳи) китобида шундай эслайди: «Умар رضي الله عنه одамларнинг исмларини ёзишни бошлар экан: Кимдан бошлаймиз деди. Шунда Абдуррахмон ибн Авф ўзингдан бошла деган эди, Умар: йўқ, балки Бану Ҳошим ва Бану Мутталибдан бошлаймиз деди. Сўнг Аббосдан бошлади, кейин Али رضي الله عنهдан кейин Росулulloҳ ﷺга энг яқин бўлган кишиларга, кейин Пайғамбар ﷺнинг аёлларига бўлди ва уларга хос насибалар ажратди. Сўнг Бадрда иштирок этганлар ва улардан кейингиларга ажратди. Усома ибн Зайдга ўғли Абдуллоҳдан кўпроқ ойлик ажратган эди. Абдуллоҳ: Усома мендан афзал эмас, деди. Шунда Умар: лекин Усома сендан кўра Росулulloҳга суюклироқ, деди. Сўнг ҳар бир янги туғилган болага юз дирҳамдан берди, агар озгина улғайиб қолган бўлса, икки юз дирҳам берди. Агар ўсмир бўлса яна кўпайтирди. Умар رضي الله عنه айтар эди: «Агар тирик бўлсам, Санъо тоғидан келган чўпон ҳам мана шу молдан ўз улушини олади». □

НИШОН ВА БАЙРОҚЛАРНИНГ ИСЛОМДАГИ ҲУКМИ (1)

М. Носир Ваҳон Лаҳабий – Яман

Манотул ҳукми тушуниш уни тасаввур қилишнинг бир қисмидир. Бошқача айтганда, бирор нарса, феъл (иш-ҳаракат) ёки фикрни тушуниш улар ҳақидаги тасаввурнинг бир қисмидир. Шунинг учун миллий байроқлар ҳақида ҳукм чиқаришдан олдин уларнинг келиб чиқиши, пайдо бўлиши ва тарихи ҳақида билиш лозим. Мавзун янада тиниқроқ тушуниш учун айтамизки, бир неча юз йиллардан бери ҳар бир жамоат, қабила ва давлатнинг байроғи бўлиши одат тусига кирган. Бу байроқлар ўша жамоат ёки давлатларнинг ўзлиги, рисолати, тушунчаси, ақидаси ва сиёсатини ифодалайди. Шунингдек, бу давлатларнинг муҳим бир иши бўладида, ўша туфайли байроқ кўтарилади. Масалан, Халифалик давлатининг байроғи – у роя бўладими ёки ливоми фарқсиз – Ислом ақидаси ва рисолатини ҳамда Исломий Умматнинг бошқа халқлардан ажратиб турувчи ўзлигини ифодалайди. Американинг байроғи капиталистик Америка давлати ва халқининг рамзини ифодалайди. Британия, Франция, Россия ва бошқа давлатларнинг байроғи ҳам худди шундай. Барча байроқлар муайян мабда, ақида ва яшаш тарзидан дарак беради ҳамда давлат ва жамиятнинг умумий йўналишини ифодалайди, ўзлиги ва рисолатини белгилайди. Шунингдек, партия, ташкилот ва муассасалар ҳам ўз вужудини ифодалайдиган ҳамда ўзлиги, мансублиги ва тушунчасини билдирадиган байроқни қабул қилган.

Лафз ва шаклларнинг маъноси бўлганидек, рамзлар ҳам ўз маъносига эга. Рамзлар бир нарсани ифодалайди, тил ва ёзув рамзларнинг ифодасидир. Чунки ҳарфлар овозли талаффуз бўлиб, ҳар бирининг тил ва томоқда чиқадиган ўрни бор. Ҳарфлар сўзларни, сўзлар жумлаларни, жумлалар абзацларни, абзацлар мавзуларни ва мавзулар китобни пайдо қилади. Буларнинг барчаси фикр ва фактларни ифодалайди. Тил ва ёзув рамзлардир, рамзлар эса Исломда мубоҳ ҳисобланади. Агар куфр, ёки маъсият, ёки фисқ-фужур, ёки тарафкашлик, ёки бўлинишни ифодаламаса байроқ ва роялар ҳам мубоҳдир. Чунки «Нарсалардаги аслик агар ҳаром эканига далил келмаган бўлса, мубоҳликдир», «Ишлардаги аслик шаръий ҳукмга боғланиш», деган шаръий қоидалар бор. Лекин рамз ёки байроқ тақиқланган нарсалардан бўлса, мубоҳ эмас, балки ҳаром бўлади. Чунки рамз ва байроқлар нарсалар бўлиб, умумий ҳукм бўйича мубоҳ ҳисобланади. Лекин улар ўзи ифодалаётган нарсанинг ҳукмини олади. Агар рамз ва байроқлар исломий шариат, Уммат бирлиги ҳамда ер юзидаги заифҳол мазлумларга ёрдам беришни ифодаласа, уни қабул қилиш, кўтариш ва байроғи остида фаолият қилиш жоиз. Аммо рамз ва байроқ исломий ақидага зид

бўлса, ёки ҳаромга, бўлинишга ва мусулмонлар ўртасида фитна чиқаришга чақирса ёки куфр, залолат ва шаръий ҳукмларга зид рамзлар каби Аллоҳнинг душманлари программаси асосига қурилган бўлса, ёки кофирларга ўхшаш ва уларга тилеғламачилик қилиш ҳамда уларнинг ақидаси, мабдаси ва қонунларига чақиришга асосланган бўлса, уни олиш қатъан ҳаромдир.

Масалан, хоч геометрик шакл, лекин у учлик (ўғил, ота ва муқаддас руҳ битта илоҳдир) ақидасининг рамзига айланиб қолган. Шунинг учун уни уйлар, ёки кийимлар, ёки жойлар ёки байроқларга рамз қилиб олиш жоиз эмас. Чунки у ақидани ифодалайди. Аллоҳ Таоло:

﴿لَقَدْ كَفَرَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ هُوَ الْمَسِيحُ ابْنُ مَرْيَمَ﴾

«Аллоҳ – Масиҳ бинни Марямдир, деган кимсалар аниқ кофир бўлдилар» [Моида 72]

демоқда. Аллоҳ Таоло Моида сурасида шундай дейди:

﴿لَقَدْ كَفَرَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ ثَلَاثٌ ثَلَاثَةٌ وَمَا مِنْ إِلَهٍ إِلَّا إِلَهٌ وَاحِدٌ وَإِنْ لَمْ يَنْتَهُوا عَمَّا يَقُولُونَ لَيَمَسَّنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ﴾

«Аллоҳ – Учтанинг (яъни Аллоҳ, Марям, Исонинг) биридир, деган кимсалар ҳам аниқ кофир бўладилар. Чунки ягона Илоҳдан бошқа бирон илоҳ йўқдир. Агар айтаётган гапларидан тўхтамасалар, албатта улардан кофир бўлган кимсаларни аламли азоб ушлайди» [Моида 73]

Аллоҳ Таоло бундан қайтарган:

﴿وَلَا تَقُولُوا ثَلَاثَةٌ ۚ أَنْتَهُوَ خَيْرٌ لَكُمْ إِنَّمَا اللَّهُ إِلَهٌ وَاحِدٌ ۚ سُبْحَانَهُ أَنْ يَكُونَ لَهُ وَلَدٌ ۚ لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَكَفَى بِاللَّهِ وَكِيلًا﴾

«(Тангри) учта (яъни, Аллоҳ, Марям ва Исо учалалари ҳам тангрилардир), демангиз! (Бундай ботил эътиқоддан) тўхтангиз, шунда ўзингиз учун яхши бўлур. Ҳеч шак-шубҳасиз Аллоҳ якка-ягонадир. У фарзандлик бўлишдан пок бўлган зотдир. Осмонлардаги ва Ердаги бор нарса Уникидир. Аллоҳнинг ўзи етарли вакилдир» [Нисо 171]

Масалан, ўроқ ва болға ишчи ва деҳқонларнинг рамзидир. Лекин ўз ақидаси, ҳукмлари ва ўлчовларида Исломга зид бўлган коммунизм ўроқ ва болғани рамз қилиб олгани учун, уларни рамз ва шиор қилиб олиш жоиз эмас. Сайкс-Пико келишувига ва демократик тамойилларга асосланган рамз ва байроқларни олиш, уларга даъват қилиш жоиз эмас. Бундан ташқари, масонлик ва сионистик шиорларни ҳам олиш жоиз эмас. Биз бугун мустамлакачи томонидан мусулмон юртларга ўрнатилган малай ва хоин ҳукмдорларни хоч

тақаётганини ва яҳудийларнинг дўпписини кияётганини кўриб турибмиз. Уларнинг баъзилари ҳинд ва бутпарастларнинг рамзларини олиб, уларга ҳайкал ва санамлар ясаб ҳамда уларни ҳубал, лот ва уззо каби мусулмон юртларда тиклаётган бўлса, баъзилари ўз бойлигини сақлаб қолиш учун масонларнинг рамз ва шиорларини муқаддаслаб, азизликни азиз ва кучли бўлган Аллоҳдан эмас бошқасидан қидирмоқда. Ёки улар қандайдир ташкилот томонидан мусибат етишидан ва камбағалликка учрашидан қўрқади. Аллоҳ Таоло уларни мунофиқликда сифатлаб шундай дейди:

﴿بَشِّرِ الْمُنَافِقِينَ بِأَنَّ لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ۝ الَّذِينَ يَتَّخِذُونَ الْكَافِرِينَ أَوْلِيَاءَ مِنْ دُونِ الْمُؤْمِنِينَ ۗ أَيْبَتُهُمْ عِنْدَهُمُ الْعِزَّةُ فَإِنَّ الْعِزَّةَ لِلَّهِ جَمِيعًا﴾

«Бундай мунофиқларга улар учун аламли азоб борлигидан «хушхабар» бериб қўйинг! Улар мўминларни қўйиб кофирларни дўст тутадилар. Улар ўша кофирлар олдидан куч-қудрат излайдиларми?! (Овора бўладилар!) Зеро, бор куч-қудрат Аллоҳникидир» [Нисо 138-139]

﴿فَتَرَى الَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ مَرَضٌ يُسْرِعُونَ فِيهِمْ يَقُولُونَ نَحْشَى أَنْ تُصِيبَنَا دَائِرَةٌ ۚ فَعَسَى اللَّهُ أَنْ يَأْتِيَ بِالْفَتْحِ أَوْ أَمْرٍ مِنْ عِنْدِهِ فَيُضْبِحُوا عَلَىٰ مَا أَسْرُوا فِي أَنْفُسِهِمْ نَدِيمِينَ﴾

«Бас, Сиз дилларида мараз бўлган кимсалар: «Бизга бирон бало етишидан қўрқамиз», деган ҳолларида улар (кофирлар) томонга шошаётганларини кўрасиз. Шояд Аллоҳ мусулмонларга ғалаба берса ёки ўз ҳузуридан (бу мунофиқ кимсаларни шарманда қиладиган) бирон ишни келтириб, улар ичларида яширган нарсаларига надомат қилувчиларга айланиб қолсалар» [Моида 52]

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّمَا الْمُشْرِكُونَ نَجَسٌ فَلَا يَقْرَبُوا الْمَسْجِدَ الْحَرَامَ بَعْدَ عَامِهِمْ هَذَا وَلَا هُمْ عَائِلَةٌ ۖ فَسَوْفَ يُغْنِيكُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ ۚ إِن شَاءَ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ حَكِيمٌ﴾

«Эй мўминлар, ҳеч шак-шубҳасиз, мушриклар нопок кимсалардир, бас, (улар) бу йилдан сўнг Масжидул Ҳаромга яқин келмасинлар! Агар сизлар (мушриклар ҳаж мавсумида Маккага келтирадиган озиқ-овқатлар ва бошқа нарсалар тўхтаб қолиши сабабли) камбағалликдан қўрқсангизлар, (билингки) яқинда (Аллоҳ) хоҳласа, Ўз фазлу карами билан сизларни бой-бадавлат қилажак. Албатта, Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир» [Тавба 28]

Шунингдек, фоҳишабозлик ва маст қилувчи ичимликлар савдоси билан шуғулланадиган тармоқларнинг рамзлари ёки фисқ-фужур ва фоҳишалик аломати бўлмиш қизил байроқлар ёки куфр ва ахлоқсизлик белгиси сифатида ишлатиладиган белгилар ёки реклама

учун аёлнинг танаси ва мафтун қиладиган жойларини кўрсатадиган рамзлар буларнинг барчаси ҳаромдир. Мусулмонлар уларни қабул қилиши ва рамз, шир ҳамда байроқ қилиб ушлаши жоиз эмас. Яна улар ўзларининг буюк кишилари ва етакчилари учун ясайдиган ҳайкалларни олиш ҳаром. Аллоҳ Таоло бу ҳақда шундай дейди:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِنَّمَا الْحُمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَمُ رِجْسٌ مِّنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾

«Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сиғиниш) ва чўплар (яъни чўплар билан фолбинлик қилиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир. Бас, нажот топишингиз учун уларнинг ҳар бирдан узоқ бўлингиз!» [Моида 90]

Бундан ташқари, Ислом жони бор нарсанинг расмини чизишни қатъан ҳаром қилган. Оятда келган (تَمَاطِيلُ тамосил), унинг бирлиги (تِمَثَالُ тимсол) бўлиб, жони бор бўлган инсон ва ҳайвоннинг шаклига айтилади. Юқоридаги оятдаги (أَنْصَابُ ансоб) эса, унинг бирлиги (نَصَبُ насоб)дир. У мушрикларнинг байроқ ва тошлари бўлиб, уларнинг олдида ёки уларга атаб жонли сўйишни англатади. (النصب التذكارية) ҳам буюк ёки етакчи шахс ёхуд номаълум аскар каби шахсни улуғлаш учун майдонларга тикланадиган монумент-ҳайкаллардир.

Қуръони карим уларнинг тарихи ҳақида шундай дейди:

﴿وَقَالُوا لَا تَذَرُنَّ ءَالِهَتَكُمْ وَلَا تَذَرُنَّ وَدًّا وَلَا سُوَاعًا وَلَا يَغُوثَ وَيَعُوقَ وَنَسْرًا ۖ وَقَدْ أَضَلُّوا كَثِيرًا ۚ وَلَا تَزِدِ الظَّالِمِينَ إِلَّا ضَلَالًا﴾

««Дарҳақиқат улар (яъни Нуҳ қавмининг бой-бадавлат бошлиқлари) кўп (кишилар)ни йўлдан оздирдилар. (Парвардигорим), бу золим кимсаларга фақат гумроҳликни зиёда қилгин», (деди Нуҳ)» [Нуҳ 24]

Бу ер юзида содир бўлган биринчи ширк амали эди. Бухорий бу ҳақда айтади: Бу бештаси (Вад, Сувоъ, Яғус, Яку, Насрлар) солиҳ кишилар эди. Улар вафот этгач, қавми қаттиқ хафа бўлишди. Шунда шайтон келиб, ўзлари мажлис қилиб ўтирадиган жойларига ҳайкал тиклаб, уларнинг номини қўйишни айтди. Улар шундай қилишди, лекин уларга ибодат қилишмади. Улар вафот этгач, кейингилар ўша ҳайкалларга ибодат қилишадиган бўлди. Аллоҳ Таоло Нуҳ ﷺни юбориб, уларни мана шу ҳайкаллар туфайли пайдо бўлган ширкдан қайтаргач, қавми унинг даъватини қабул қилмади ҳамда бут ва олиҳаларга айланиб улгурган ушбу ҳайкалларга ибодат қилишдан тийилишмади. Шунинг учун юқоридаги оятда Аллоҳ Таоло қавмини огоҳлантириб, ушбу бешта

бутга ибодат қилмасликка буюрди. Иброҳим ﷺ қавмида эса, ширк ўзларидаги ҳайкал ва бутларга ибодат қилиш билан бошланди.

﴿وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ لِأَبِيهِ لِأَيِّهِ أَتَتَّخِذُ صُنَامًا ؕ وَالْهَـٔةُ إِلَـٰهٌ إِلَّآ أَنْتَ ۚ وَنَحْنُ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ﴾

«Эсланг (эй Мухаммад), Иброҳим отаси Озарга: «Бутларни худо қилиб оляпсанми? Мен сени ва қавмингни очиқ залолатда деб биламан», деган эди» [Анъом 74]

Бану Исроил Сомирий ясаб берган бузоқнинг суратига ибодат қилиш орқали ширк келтиришди.

﴿وَإِذْ قَالَ مُوسَىٰ لِقَوْمِهِ ۖ يَقَوْمِ ۖ إِنَّكُمْ ظَلَمْتُمْ أَنْفُسَكُمْ بِاتِّخَاذِكُمُ الْعِجْلَ فَتُوبُوا إِلَىٰ بَارِيكُمْ فَاقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ ۚ ذَٰلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ عِنْدَ بَارِيكُمْ فَتَابَ عَلَيْكُمْ ۚ إِنَّهُ هُوَ التَّوَّابُ الرَّحِيمُ﴾

«Мусонинг ўз қавмига айтган гапларини эсланг: «Қавмим, сизлар бузоққа ибодат қилиш билан ўзингизга зулм қилдингиз. Энди ўзингизни (бир-бирингизни) ўлдириш билан сизни бор қилгувчи зотга тавба қиласиз. Бор қилгувчи зот наздида мана шу (қатл) сизлар учун хайрлироқдир». Бас, Аллоҳ Таоло тавбангизни қабул қилди, албатта у кечиримли, меҳрибондир» [Бақара 54]

﴿وَلَقَدْ جَاءَكُمْ مُوسَىٰ بِالْبَيِّنَاتِ ثُمَّ اتَّخَذْتُمُ الْعِجْلَ مِنْ بَعْدِهِ وَأَنْتُمْ ظَالِمُونَ ۚ وَإِذْ أَخَذْنَا مِيثَاقَكُمْ وَرَفَعْنَا فَوْقَكُمْ الطُّورَ خُذُوا مَا آتَيْنَاكُمْ بِقُوَّةٍ وَأَسْمِعُوا قَالُوا سَمِعْنَا وَعَصَيْنَا وَأُشْرِبُوا فِي قُلُوبِهِمُ الْعِجْلَ بِكُفْرِهِمْ ۚ فَلْ يَسْمَا يَأْمُرُكُمْ بِهِ إِيمَانُكُمْ إِن كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾

«Эсланг (эй Бану Исроил), биз аҳду паймонингизни олгач, устингизда Тур тоғини кўтариб туриб: «Келтирган нарсамизни (динимизни) маҳкам ушланг ва қулоқ солинг», деганимизда, «Эшитдик ва бўйсунмадик», дедилар. Кофирликлари сабаб кўнгиллари фақат бузоққа ибодат қилиш билан тўлади. Айтинг: «Агар сиз мўмин бўлсангиз, имонингиз сизларни мунча ярамас нарсаларга буюради?»» [Бақара 93]

﴿وَاتَّخَذَ قَوْمُ مُوسَىٰ مِنْ بَعْدِهِ مِنْ خَلْقِهِمْ عِجْلًا جَسَدًا لَهُ خُوَارٌّ أَلَمٌ يَرَوْا أَنَّهُ لَا يُكَلِّمُهُمْ وَلَا يَهْدِيهِمْ سَبِيلًا ۚ اتَّخَذُوهُ وَكَانُوا ظَالِمِينَ ۚ وَلَمَّا سَفَطَ فِي أَيْدِيهِمْ وَرَأَوْا أَنَّهُمْ قَدْ ضَلُّوا قَالُوا لَئِنْ لَمْ يَرْحَمْنَا رَبُّنَا وَيَغْفِرْ لَنَا لَنَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ﴾

«Мусонинг қавми ундан кейин (яъни у Тур тоғига Аллоҳга муножот қилиш учун кетганидан кейин) ўзларининг безак буюмларидан бир бузоқни-маърайдиган бир бузоқ жасади(нинг шаклини ясаб) олдилар (ва унга ибодат қила бошладилар) – у ўзларига сўзламаслигини ва ҳидоят ҳам қила олмаслигини билмадиларми?! – Улар ўшани (ибодат

қилиш учун) **ушлаб, (ўзларига) зулм қилгувчи бўлдилар.** **Қачонки қўлга тушишгач** (яъни бузоқ худо эмаслигини билишиб, ҳафсалалари совугач) **ва ўзларининг йўлдан озганликларини билгач, айтдилар: «Қасамки, агар Парвардигоримиз бизга раҳм этмаса ва (бу гуноҳимизни) мағфират қилмаса, албатта зиён кўргувчилардан бўлиб қолурмиз»»** [Аъроф 148-149]

Насронийлар эса, хочга михланганда (ҳолбуки улар Исо ﷺ ни эмас бошқасини осийшган эди) Исо ﷺ тасвири деб даъво қиладиган хоч ибодатлари билан ширк келтиришди.

﴿وَقَوْلِهِمْ إِنَّا قَتَلْنَا الْمَسِيحَ عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ رَسُولَ اللَّهِ وَمَا قَتَلُوهُ وَمَا صَلَبُوهُ وَلَٰكِن شُبِّهَ لَهُمْ وَإِنَّ الَّذِينَ اخْتَلَفُوا فِيهِ لَفِي شَكٍّ مِّمَّنْهُ مَا لَهُمْ بِهِ مِنْ عِلْمٍ إِلَّا اتِّبَاعَ الظَّنِّ وَمَا قَتَلُوهُ يَقِينًا ۖ بَل رَفَعَهُ اللَّهُ إِلَيْهِ وَكَانَ اللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا﴾

«Яна кофирликлари ва Марям хусусида улуғ бўхтон қилганликлари сабабли ҳамда Аллоҳнинг пайғамбари бўлган Масих Исо бинни Марямни «бизлар ўлдирганмиз», деган сўзлари сабабли (Биз уларни лаънатладик). **Ҳолбуки, улар уни ўлдирганлари ҳам, осганлари ҳам йўқ. Фақат улар учун** (бошқа биров Исога) **ўхшатиб қўйилди, холос. Албатта, Исо ҳақида талашиб-тортишган кимсалар унинг** (ўлдирилган-ўлдирилмагани) **ҳақида шубҳада қолганлар. У ҳақда фақат гумонларга бериладилар, холос. Уни ўлдирмаганлари аниқдир. Балки уни Аллоҳ ўз ҳузурига кўтаргандир. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир»** [Нисо 157-158]

Дарҳақиқат, Ислом ёдгорликлар ўрнатишдан қайтарган. Чунки бу исломий ақидага зиддир. Унда кофирларга тақлид қилиш, ўликларни улуғлаш, Аллоҳнинг халқини (яратган мавжудотларини) ўзгартириш бор ва бу ширкка олиб борувчи воситадир. Ҳаромга олиб борадиган восита ҳам ҳаромдир. Бундай ножўя ишлар худди Нуҳ ﷺ қавмига ҳалокат келгани каби ҳалок ва вайрон қилиш ҳамда азоблашга лойиқдир. Бу суратлар чизиладими ёки тошдан ўйиб ясаладими, ёки бу ҳайкаллар майдонлар, мажлислар ва боғларга қўйиладими бунинг фарқи йўқ. Чунки улар улуғлаш воситаси, ақидани бутларга ибодат қилиш сари буриш ва кофирларга тақлид қилиш ҳисобланади. Мабодо кофирларнинг ҳимоя қиладиган ақидаси бўлмаса ҳам, муслмонлар уларга ўзларини ўхшатишлари ва шу амалларда улар билан бирга иштирок этишлари жоиз эмас. Биз Иброҳим ﷺ нинг қуйидаги дуосини қилишимиз лозим:

﴿وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّ اجْعَلْ هَذَا الْبَلَدَ ءَامِنًا وَاجْنُبْنِي وَبَنِيَّ أَنْ نَعْبُدَ الْأَصْنَامَ﴾

«(Эй Мухаммад), эсланг, Иброҳим айтган эди: «Парвардигорим, бу шаҳарни (яъни Маккани) тинч шаҳар

қилгин, мени ва болаларимни бутларга бандалик қилишдан йироқ қилгин» [Иброҳим 35]

Иброҳим ﷺ ўзига ва ўзидан кейин қавмига ушбу фитнадан кўрқиб, шу дуони қилган эди.

Биз бугун Иброҳим ﷺ бутларга қандай муносабат билдирган бўлса, байроқларга худди шундай муносабат билдиришимиз лозим.

﴿إِذْ قَالَ لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِ مَا هَذِهِ التَّمَاثِيلَ الَّتِي أَنْتُمْ لَهَا عَاكِفُونَ ﴿٢٠﴾ قَالُوا وَجَدْنَا آبَاءَنَا لَهَا عِبَادِينَ

﴿٢١﴾ قَالَ لَقَدْ كُنْتُمْ أَنْتُمْ وَآبَاؤُكُمْ فِي ضَلَالٍ مُبِينٍ ﴿٢٢﴾ قَالُوا أَجِئْتَنَا بِالْحَقِّ أَمْ أَنْتَ مِنَ اللَّاعِبِينَ ﴿٢٣﴾

قَالَ بَلْ رُبُّكُمْ رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ الَّذِي فَطَرَهُنَّ وَأَنَا عَلَىٰ ذَٰلِكُمْ مِنَ الشَّاهِدِينَ ﴿٢٤﴾ وَتَاللَّهِ

لَأَكِيدَنَّ أَصْنَامَكُمْ بَعْدَ أَنْ تُوَلُّوا مُدْبِرِينَ ﴿٢٥﴾ فَجَعَلَهُمْ جَذَدًا إِلَّا كَبِيرًا لَهُمْ لَعَلَّهُمْ إِلَيْهِ يَرْجِعُونَ﴾

«52. Ўшанда (Иброҳим) отаси ва қавмига: «Сизлар доимо чўқинадиган бу ҳайкаллар нимадир (яъни нега жонсиз ҳайкалларга сиғиняпсизлар?!))» деганида: 53. Улар айтдилар:

«Бизлар ота-боболаримизни ҳам уларга сиғинган ҳолда топганмиз».

54. У деди: «Дарҳақиқат сизлар ҳам, ота-боболарингиз ҳам очиқ залолатда экансизлар».

55. Улар айтдилар: «Келтирган айтган (бу сўзларинг) ростми ёки сен ҳазил қилгувчиларданмисан?».

56. У деди: «Йўқ! Сизларнинг Парвардигорингиз (мана бу ҳеч кимга фойда ҳам,

зиён ҳам етказа олмайдиган бутлар эмас, балки) осмонлар ва ернинг Парвардигоридирки, У зот уларни Ўзи яратгандир.

Мен бунга гувоҳлик бергувчилардандирман. Аллоҳ номига қасамки, сизлар (ҳайитгоҳларингизга) кетганларингиздан кейин бутларингизни бир боло қилурман».

58. Бас, у (бутларни) парча-парча қилди. Фақат, «шояд (мушриклар у бутларнинг) каттасига қайтсалар» деб, ўшанигина (қолдирди ва унинг бўйнига бир болтани илиб қўйди)» [Анбиё 52-58]

Али ﷺ Абу Ҳаёж Асадийга шундай деган эди: Огоҳ бўлгинки,

Росулуллоҳ ﷺ мени қандай вазифа билан юборган бўлса, сени аynи ўша вазифа билан юбормоқдаман. Росулуллоҳ ﷺ айтган эдилар:

«أَنْ لَا تَدَعَ قَبْرًا مُشْرَفًا إِلَّا سَوَّيْتَهُ، وَلَا صُورَةً فِي بَيْتٍ إِلَّا طَمَسْتَهَا»

«Бирор баланд қабрни кўрсанг текисла ва бирор суратни кўрсанг бузиб ташла».

Нававий айтади: Ушбу ҳадисда жонли мавжудотлар суратини бузиб ташлашга буйруқ бор. Саъдий айтади:

«Бузиб юбор» дегани бошини кес, юзини ўзгартир ва ҳоказо деганидир.

Агар юқорида айтиб ўтилганларни миллий ва этник-конфессиявий байроқларга татбиқ қиладиган бўлсак, улар

мусулмонлар ақидаси ва соф исломий шариат ҳукмларига зид эканини кўрамиз. Буни қуйида шундай баён қиламиз:

1 – Миллий байроқнинг пайдо бўлиш асоси мусулмонлар ақидасига ҳамда бирлашишга буюрадиган ва бўлинишдан қайтарадиган шаръий ҳукмларга зиддир.

2 – Байроқ рамзлари, улар мустамлакачи кофир чизиб берган чегаралардаги вужудларни ифодалайди ва мусулмон юртларидаги ўлкаларни бир-биридан ажратиб туради ҳамда ватан муҳаббатини (ватанга содиқликни) ифодалайди.. Бу ишлар Исломда ҳаромдир. Чунки муҳаббат фақат Аллоҳ, Росули, Ислом ва Исломий Умматга бўлиши керак. Аллоҳ, Росули ва китобига бўлган муҳаббат мустаҳкам ва барқарор ақидавий муҳаббатдир. Табиийки, мусулмоннинг Исломий Умматга бўлган муҳаббати унинг рисолати, ғояси ва байроғига муҳаббатли бўлишини вожиб қилади.

﴿إِنَّمَا وَلِيُّكُمُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَهُمْ رَاكِعُونَ ۖ وَمَنْ يَتَوَلَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا فَإِنَّ حِزْبَ اللَّهِ هُمُ الْغَالِبُونَ ۖ﴾ يَتَأَيَّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَتَّخِذُوا الَّذِينَ اتَّخَذُوا دِينَكُمْ هُزُورًا وَلَعِبًا مِّنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ مِن قَبْلِكُمْ وَالْكَفَّارَ أَوْلِيَاءَ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾

«Кимки Аллоҳни, унинг пайғамбарини ва мўминларни дўст тутса, (нажот топгай), зеро фақат Аллоҳнинг гуруҳигина ғолиб бўлгувчидир. Эй мўминлар, сизлардан илгари китоб берилганлар ичидан динингизни ҳазил-масхара қилиб олган кимсаларни ва кофирларни дўст қилиб олмангиз! Агар мўмин бўлсангизлар, Аллоҳдан қўрқингиз!» [Моида 56-57]

3 – Миллий байроқни Ислом ва мусулмонлардан нафратланувчи, Умматни парчалаш ва Халифаликни кечиктиришга ҳаракат қилаётган Аллоҳнинг душманлари чизган... Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, Марк Сайкс, Жорж Пико, Гуру ва Лютерлар чизган... Ҳа, ўшалар ватанпарварлик байроқларини чизишган ва қолган ишларни режалаштиришган.

4 – Миллий байроқ илмоний конституция орқали тасдиқланган. У Уммат мабдасидан эмас, аксинча илмонийликдан келиб чиққан. Демак, ушбу байроқ устидан илмонийлик ҳукмрондир. У исломий ақида ва шаръий ҳукмлардан келиб чиқмаган. Илмонийлик мусулмонларга зўрлаб киргизилган ҳамда у черков, император ва қироллар билан диний ислоҳот вакиллари ўртасидаги курашдан пайдо бўлган. Ушбу курашдан эса, ўртача ечим (динни ҳаётдан ажратиш) келиб чиқди. Бу ечим бўйича диннинг мавжудлиги зимдан тан олинди, лекин дин ҳаёт ишларига аралашмайдиган ва фақат ибодатларгагина хос бўлиб қолди. Улардаги муаммо битта масала

эди, яъни амаллар ва нарса жоиз ёки жоиз эмаслиги ва ҳалол ёки ҳаромлигига ким ҳукм чиқаради. Қиролми ёки патриархми ёки халқми ёки динми? Улар айтишдики, насроний динини тажрибадан ўтказганмиз, у илм, фикр, ихтиро ва кашфиётларга қарши. Қирол эса, ҳуқуқларни поймол қилади (илоҳий ҳақ) номи остида инсоннинг ҳурматини тўкади дейишди. Сўнгра халқ ҳукмрон деган хулосага келишди. Натижада, дин қонунчиликдан ажратилди ва халқ қонун чиқарадиган бўлди. Бошқача айтганда, амаллар ва нарсалар устидан ҳукм чиқарадиган бўлди. Ушбу фикр биз мусулмонларга нисбатан куфр фикрдир. Чунки амаллар ва нарсалар устидан ҳалол ва ҳаром деб ҳукм чиқарувчи ёлғиз Аллоҳ бўлиб, у Пайғамбаримизга ваҳий орқали нозил бўлади. Шунингдек, улардаги қонунчилик фикри ҳаёлий фикрдир. Чунки барча халқ бир жойга тўпланиб, битта фикр ёки ҳукмга иттифоқ қилиши мумкин эмас. Шунинг учун улар (қонун чиқарувчи орган) номли ҳийлани ўйлаб топишди. Бошқача айтганда, инсон Қуръон тиловат қилиши, намоз ўқиши ва масжид қуриши мумкин... лекин дин Умнат касалликларини муолажа қилмайди ва муаммоларини ечмайди, чунки у коҳин ва роҳиблик бўлиб, уни Худо номидан ўзлари ўйлаб топган, дейишди... Улар мана шундай фикрларни қабул қилишди, натижада бу фикрлар оламни, хусусан, мусулмон юртларни вайрон қилди. Ундан (динни давлатдан ажратиш) фикри пайдо бўлди. Бошқача айтганда, бошқарув, иқтисод, муомала ва жазо чораларига диннинг алоқаси йўқ, балки уларни инсонлар бошқарадиган бўлди. Шундай қилиб, ҳамма нарса ақидасиз халқ ҳукмронлиги номи билан шаклланадиган бўлди, улар орасида ақидасиз миллий байроқлар ҳам бор. Бундай бошқарув ўзи асосланган ва ифодаладиган ҳукмни чиқаради ҳамда мустамлакачи кофир томонидан тикланган илмоний вужудлар ва Умнатни бўладиган миллий юртларни сақлайди.

5 – Миллий байроқ муайян мақсад ва ғояга асосан қабул қилинган. Уни ўйлаб топган шахс ўзи хоҳлаган нарсани ифодаладиган қилиб белгиланган. Чунки лафзлар ва шартли ифодаларнинг ўз маъно ва далолатлари бор. Шартли ифода муайян одамларнинг муайян лафз ва маънога бўлган келишувидир. Одам ўша лафзни эшитиши ёки ўша байроқ ва рамзни кўриши билан дарҳол зеҳнига ўша маъно келади. Масалан «Ла илаҳа иллаллоҳ Мухаммадур Росулulloҳ» калимаси ёзилган оқ ёки қора байроқни кўрганингизда зеҳнингизга Ислом ва Ислом давлати келади. Шунингдек, «Я ласароти Хусайн», деб ёзилган байроқни кўрганингизда, уни мазҳабпарастлик рамзи эканини биласиз. Агар рангдор байроқни кўрсангиз, уни қабул қилган давлатчанинг рамзи эканини биласиз.

6 – Шартли белгилар ва рамзлар муайян маънони билдиради ва уни ўзгартиришни даъво қилиш жоиз эмас. Масалан: хоч кўтарган

ёки таққан киши албатта ота, ўғил ва муқаддас руҳ битта илоҳдир деган нарсани, яъни насронийлардаги учликни қасд қилади. Бу эса, мусулмонни диндан чиқарадиган ширкдир. Шунингдек, яҳудийлар дўпписини кийган ёки ҳиндлар, бутпарастлар ва мажусийлар рамзларини таққан киши шайтонга эргашган кишидир.

﴿يَتَأْتِيهَا النَّاسُ كُلُّوْا مِمَّا فِي الْأَرْضِ حَلَلًا طَيِّبًا وَلَا تَتَّبِعُوا خُطُوَاتِ الشَّيْطَانِ إِنَّهُ لَكُمْ عَدُوٌّ مُّبِينٌ﴾
﴿إِنَّمَا يَأْمُرُكُمْ بِالسُّوْءِ وَالْفَحْشَاءِ وَأَنْ تَقُولُوا عَلَى اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ﴾

«Эй одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан енглар ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Шубҳасиз, у сизларнинг очиқ душманингиздир. У сизларни фақат ёмонлик ва бузуқликка ва Аллоҳ шаънида билмаган нарсаларингизни гапиришга буюради, холос» [Бақара 168-169]

Шундан кўрииб турибдики, Ислом дин ишлари борасида яҳудий ва насронийларга эргашишдан қайтарган.

Ранглар ва уларнинг ҳукмига келсак, рангнинг луғатшунослар қўйган муайян маъноси бор. Ранг аслида мубоҳ бўлиб, кийим ва бошқаларни безашда қўлланилади. Лекин у луғавий маъносидан бошқа истилоҳий маънога кўчганда, муайян фикр ёки ақидага далолат қилади. Агар рангнинг рамзи Исломга зид маънони ифодаласа, уни қабул қилиш ва кўтариш жоиз эмас. Масалан коммунистлар қизил рангни «Худо йўқ, ҳаёт моддадан иборат» деган ақидасига рамз қилиб олишган. Ёки қизил ранг (Қизил байроқлар) жоҳилият даврида гуноҳ ишларга далолат қилган. Шунингдек, айрим ранглар аёлларни таъқиб қилиш учун ишлатилган, ёки қизил ранг ўч олиш ва ўлдиришни ифодалаган. Масалан, имом Ҳусайннинг ўчини олишни хоҳлаганлар (Я ласаротул Ҳусайн) ва у кишининг бадалига бошқасини ўлдиришни хоҳлаганлар қизил рангни рамз сифатида кўтарганлар. Шунингдек, ўзларини аёлларга ўхшатишни хоҳлаган эркаклар ёки ўзларини эркакларга ўхшатишни хоҳлаган аёллар муайян рангни рамз қилишган. Ибн Аббос ривоят қилади:

«لَعَنَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمُتَشَبِّهِينَ مِنَ الرِّجَالِ بِالنِّسَاءِ، وَالْمُتَشَبِّهَاتِ مِنَ النِّسَاءِ بِالرِّجَالِ»

«Росулulloҳ ﷺ ўзларини аёлларга ўхшатган эркаклар ва эркакларга ўхшатган аёлларни лаънатлаган». Абу Ҳурайра ривоят қилади:

«لَعَنَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمُتَشَبِّهِينَ مِنَ الرِّجَالِ بِالنِّسَاءِ، وَالْمُتَشَبِّهَاتِ مِنَ النِّسَاءِ بِالرِّجَالِ»

«Росулulloҳ ﷺ аёлларнинг кийимини кийган эркак ва эркакларнинг кийимини кийган аёлни лаънатлаганлар». Абу Довуд саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

7 – Аммо тоифачилик байроқларига келсак, уларнинг пайдо бўлиши ўз гуруҳининг фикрларини олиш ва бошқасини ташлашга чақирадиган жамоа ёки гуруҳларнинг ғояларига бориб тақалади. Бу байроқларни кўтаришдан мақсад, ўч ва интиқом олиш ҳамда Умматни парчалашдир. Шунингдек, фикр ва ақидани Ислом ақидасига ҳамда миллатчилик, тарафкашлик ва бўлиниш каби ишларни рад этувчи унинг аҳкомларига зид келувчи ғояларга буришдир.

8 – Агар юқорида ўтганларни истилоҳ қоидасига кўра тартиблаштирсак ҳамда муслмонларнинг шартли белгилар, рамзлар ва рангларни қандай олишига келсак, Қуръони карим муслмонларни (Роина) сўзини ишлатишдан қайтарди. Чунки Мадинадаги яҳудийлар унинг маъносини бузиб ишлатишган эди. Улар: Бу роуна маъносида дейишди ва бу билан обрўни тўкиш, пастга уриш ва сўкишни ирода қилишди. Имом Муҳаммад Боқир, Имом Табарий, Ибн Касир ва бошқалар оятни шундай тафсир қилишган. Аллоҳ Таоло Қуръони каримда муслмонларни (Роина) калимаси ўрнига (Унзурна) калимасини айтишларига буюрди. Ҳолбуки, ҳар икки сўзнинг маъноси луғавий жиҳатдан бир хил эди. Лекин истилоҳдаги маъноси бир-биридан фарқ қилгач, Қуръон лафзни алмаштиришга буюрди.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَقُولُوا رَاعِنَا وَقُولُوا انظُرْنَا وَاسْمَعُوا وَلِلْكَافِرِينَ عَذَابٌ أَلِيمٌ﴾

«Эй мўминлар, «Роъино» деманг. «Унзурно» денглар. Ва (Аллоҳнинг амр-наҳий-фармон-тақиқларига) қулоқ солинг! Кифирлар учун аламли азоб бор» [Бақара 104]

Ушбу лафзни ишлатишдан қайтарилишига сабаб муслмонларни хатога йўл қўйиб, гуноҳ содир этиб қўйишини олдини олиш бўлган. Шунингдек, ушбу истеъмол фасодга баҳона бўлиб қолмаслиги учун бўлган. Токи, яҳудийлар томонидан қасд қилинган фасод бутунлай барҳам топсин. Шундай экан, бизнинг жамиятимизда урф бўлмаган, кенг исломий сақофатимизда қайд қилинмаган ва ҳазоратимизнинг шаффоф тушунчаларидан бўлмаган, балки Исломга очиқ зид бўлиб ва унга қарши фикрларни англатадиган, натижада нафс ва зеҳнларни Исломдан бошқа томонга бурадиган истилоҳларни ишлатиш мутлақо мумкин эмас. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Макронни Гитлерга ўхшатган плакат унинг ғазабини қўзғади		
Реклама плакати Франция президенти Эммануэл Макроннинг ғазабини қўзғади ва уни мамлакатнинг жанубида жойлашган Вар департаментида яшовчи фуқарога қарши шикоят қилишга ундади. Чунки плакатда Макрон фашист Адольф Гитлерга ўхшатиб тасвирланган эди. Ушбу плакат илинган реклама тахталари Вар департаментида тарқалишига Макроннинг коронавирусга қарши кураш доирасида жамоат жойларига кириш учун мажбурий тиббий сертификат жорий қилгани сабаб бўлган эди. Плакат муаллифи Мишель Флери Макроннинг уни судга бериш қароридан ҳайрон бўлиб, Эммануэл Макрон ўз даъвосига қарши чиқмоқда, дея фикр билдирди. Чунки Макрон сўз эркинлиги даъвоси билан Муҳаммад ﷺ ни таҳқирлаган тасвирни чоп этишга рухсат берган бир пайтда, ўзини диктаторга ўхшатган тасвирга қарши чиқди. Дарҳақиқат, Франция ўтган йилнинг октябр ойида ҳукумат биолари олдида осилган Пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ ни таҳқирловчи тасвирларга гувоҳ бўлган эди. Макрон ўша пайтда бунини ўзи ҳимоя қилишга ваъда берган фикр эркинлиги туркумига киради, деб ҳисоблаган эди. Макроннинг сўзлари бутун дунё мусулмонлари орасида кенг тарқалган ғазабга сабаб бўлди. Шунингдек, бир неча мамлакатларда давом этаётган Франция маҳсулотларини бойкот қилиш кампаниялари бошланишига олиб келди.		
Ал-Ваъй: Мустамлакачи капиталистик давлат президенти Макроннинг қалби Исломга қарши гина-адоват билан тўладир. У Исломга дин сифатида ва унинг бузуқ мабдасига рақиб ҳазорат сифатида қаршилиқ қилишда дунё давлатларига етакчилик қилмоқда. Аммо хабарларга қараганда Гитлер жиноят ва ирқчилик борасида Макрондан ўтмаган. Шунинг учун у ўзини Гитлерга ўхшатишларига хафа бўлмаса ҳам бўлаверади.		
Дунё иқлим ўзгариши туфайли ёнмоқда		
Жорий йил дунёнинг беш қитъасида ёнғинлар аланга олиб, кўплаб одамлар ҳалок бўлди ҳамда миллионлаб гектар ўрмонлар ёниб кул бўлди. Ёнғинлар улкан моддий зарарни келтириб чиқарди ҳамда жабрланган аҳолининг оммавий равишда кўчирилишига олиб келди. Франс пресс ахборот агентлигининг ёзишича, россиялик олимлар ҳозирги ёнғинлар ҳақиқатан ҳам глобал исиш натижаси эканини таъкидлашмоқда. Иқлим ўзгариши ва ерга ҳалокатли таъсири ҳамон туб ечимларни кутмоқда. Айни пайтда дунё тобора кўпроқ мамлакатларни қамраб олган ёнғинлар туфайли ҳалокатли даврни бошдан кечирмоқда. БМТ ҳисоботида, «иқлим исишининг		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
баъзи оқибатлари, жумладан, музликларнинг эриши, денгиз сатҳининг кўтарилиши асрлар ёки минг йиллар давомида қайтариб бўлмайдиган ҳолатни келтириб чиқаришини» таъкидланди. Ҳисоботга кўра, глобал исиш индустриал инқилоб даврига нисбатан цельсий бўйича 1,5 градус даражага етиши башорат қилинган. Шунингдек, глобал исишга инсон фаолияти айбдор қилиб кўрсатилган. БМТ бош котиби Антонио Гутерриш ҳисоботнинг «инсоният учун қизил огоҳлантирув» эканини маълум қилар экан, «Огоҳлантирув сигнали ўта кучли. Қазиб олинган ёқилғиларни ёқиш натижасида пайдо бўладиган иссиқхона газлари ва ўрмонларнинг кесирилиши туфайли сайёрамиз бўғилмоқда» деди. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ экстремал об-ҳаво сўнгги ҳафталарда бутун дунё бўйлаб вайронагарчиликларга сабаб бўлди. Айниқса, шимолий Европадаги сув тошқинлари ва жанубий Европадаги ўрмон ёнғинларидан кейин бу нарса кучайган. Ал-Ваъй: Албатта ҳароратнинг исиши ва унинг оқибатида ёнғинлар келиб чиқиши, сув тошқинлари, музлар эриши, денгиз сатҳининг кўтарилиши, бўронларнинг интенсивлиги, ҳавонинг ифлосланиши, қурғоқчилик ва вулқонларнинг тез-тез ва кучли отилишига жавобгар Ғарб ҳазорати ва очкўз капитализмдир... Ёлғиз Америка мана шу муаммоларнинг 25 %дан жавобгардир. Халқаро миқёсда таклиф этилаётган ечимлар эса радикал эмас. Чунки улар капиталистик фикрлаш билан боғлиқ бўлиб, фақат заводларни бошқариш ва бутун инсоният ҳисобига чексиз фойда кўришдан бошқа нарса ҳақида фикрламайди. Гарчи Байден ушбу ямоқ ечим ҳақида фикрлаётган бўлса-да, Америкадаги республикачилар партияси бу ечимга қарши. Чунки бу Америка компанияларига йилига триллионлаган доллар зарар етказди.		
Мисрнинг янги банкнотидаги «гейлар байроғи»нинг ранглари турли мунозараларни пайдо қилди		
Янги Миср банкнотлари дизайни ижтимоий тармоқларда кўплаб танқидларга учради. Чунки банкнотларда тасвирланган масжид ЛГБТ томонидан қўлланадиган камалак рангларига бўялган эди. Танқидлар Миср марказий банк вакилини «ушбу банкнот моделлари дастлабки бўлиб, қайта кўриб чиқилиши мумкин», деб айтишга мажбур қилди. Одамлар банкнотлардаги камалак рангларнинг кўринишини танқид қилиб, уни ЛГБТ рамзларини тарғиб қилиш, деб ҳисоблашган. Марказий банк 10 ва 20 жунайҳ номиналидаги иккита банкнот суратларини матбуотда чоп этган эди. Уларнинг биринчисида Президент Абдулфаттоҳ Сисий икки йил олдин очган Фаттоҳ Алим масжидининг тасвири бўлса, 20		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
жунайҳ банкнотда Миср пойтахтидаги қадимий масжидлардан бири Муҳаммад Али масжидининг тасвири жойлашган. Иккала масжид ҳам «ЛГБТ» жамоаларнинг рамзи бўлган камалак рангларига бўялган. Ал-Ваъй: Одатда дунёдаги банкнотлар дизайни мамлакатга хос рамзларни ўз ичига олади. Улардан баъзилари яширин маъноларини ўз ичига олади. Масалан, АҚШ банкнотлари масонлик билан боғлиқ рамзлари билан машҳур. Шу боис, ишонч билан айтиш мумкинки, Миср расмийларининг бу ҳужуми тасодикий эмас. Бундан Аллоҳни ғазаблантирадиган, динни таҳқирлайдиган ҳамда Ғарб ва яҳудийларни рози қиладиган ҳар қандай ишдан тап тортмайдиган Сисийнинг фикрлаш тариқати очиқ кўриниб турибди. Бинобарин, одамларнинг норозилиги асоссиз эмас, дея хотиржам айта оламиз.		
Қайс Саиднинг қарорларини сиёсий Ислом ва Араб баҳори тобутидаги сўнгги мих деб ҳисоблаш мумкинми?		
Вашингтон пост газетаси Клер Паркернинг ҳисоботини нашр қилди. Ҳисоботда бундай дейилади: «Миср, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларидаги нуфузли овозлар Қайс Саиднинг Тунисдаги ҳаракатларини юқори баҳолаб, буни сиёсий Исломга зарба деб ҳисоблашган. Баъзилар учун Тунис араб баҳорининг муваффақият рамзи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Улар Наҳза ҳаракати ўз муваффақияти ортидан ҳокимият муассасаларини қўлда ушлаб туриб, инқилобни амалга оширди, деб ҳисоблайдилар. Саудия, Миср ва Араб амирликлари эса, Тунисдаги Араб баҳорини ўзлари учун энг ката хатар, деб ҳисоблайди. Уларга кўра, Тунис воқеалари сиёсий Ислом ва Араб баҳори тобутидаги сўнгги михни ифодалайди. Наҳза ҳаракатига қарши ушбу уч давлат бир қанча йиллардан бери бу ҳаракатни Ихвон жамоаси ва террорга боғлашга ҳаракат қилади. Саудиядаги ярим расмий «Укоз» газетаси бош мақоласида «Тунис Ихвонга қарши қўзғалмоқда», деб ёзди. Амирликларнинг «Медиа 24» газетаси қувонч билан: «Тунисни сақлаб қолишга қаратилган мардонавор қарор», деб ёзди. Расмий «Эҳром» газетаси воқеаларни «Ихвоннинг минтақадаги охириги қўрғонининг йўқолиши», деб атади. Бу давлатлар Ихвонул Муслимин ва сиёсий Исломга чақираётган ҳаракатларни ўзлари учун таҳдид деб билишади. Ал-Ваъй: Тунисдаги воқеалар устида кечаётган халқаро кураш билан боғлиқ таҳлиллар қандай бўлишидан қатъий назар, биз «Араб баҳори барбод бўлди, Тунис унинг тобутидаги охириги		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
михдир» қабилидаги гапларга жавоб бериб айтамизки, араб баҳорини келтириб чиқарган объектив сабаблар ҳануз мавжуд, ҳатто аввалгидан ҳам кучайди. Шунинг учун Умматдаги ўзгартириш ҳаракати асло тўхтамайди ва келажак сиёсий Исломники бўлади. Сиёсий Ислом, деганда Ихвончилар ёки уларнинг сохта демократияси тушунилмайди. Аксинча, Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифаликни барпо этиш учун тубдан ўзгартиришни таклиф қилаётганлар сиёсий Исломни гавдалантиради. □		

ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА

ҚУРЪОНИ КАРИМДАГИ НУСРАТ ТУШУНЧАСИ

Аллоҳ Таоло Ҳаж сурасида айтади:

﴿مَنْ كَانَ يَظُنُّ أَنْ لَنْ يَنْصُرَهُ اللَّهُ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ فَلْيَمْدُدْ بِسَبَبٍ إِلَى السَّمَاءِ ثُمَّ لْيَقْطَعْ فَلْيَنْظُرْ هَلْ يُذْهِبَنَّ كَيْدُهُ مَا يَغِيظُ﴾

«(Албатта Аллоҳ Ўз пайғамбарига ёрдам берур, энди) **кимда-ким: «Аллоҳ ҳаргиз унга ёрдам қилмас», деб гумон қилгувчи бўлса, у ҳолда бир арқон билан осмонга-шифтга осилиб, (ўзини ердан) ўзсин** (яъни ўзи учун дор ясаб, унга осилсин), **сўнг қарасин – бу найранги ғзабини кетказармикан»** [Ҳаж 15]

Нусрат Қуръон эътибор қаратган исломий тушунчалардан бўлиб, у Аллоҳ Таолонинг ўз бандаларига дунё ва охирада берадиган ҳадясидир. Нусрат Қуръонда турли маъноларда келган бўлиб, бу уни ўрганиш, у ҳақда фикрлаш ва эътибор қаратишни талаб қилади. Шунинг учун ўша турли маъноларнинг ўртасидаги фарқларни тушуниш лозим. Чунки бу Аллоҳнинг китобини тушуниш ва унинг оятларини тафаккур қилишда таъсирга эга.

﴿كِتَابٌ أَنْزَلْنَاهُ إِلَيْكَ مُبْرَكٌ لِيَدَّبَّرُوا آيَاتِهِ وَلِيَتَذَكَّرَ أُولُوا الْأَلْبَابِ﴾

«**Эй Довуд, дарҳақиқат Биз сени ерда халифа қилдик. Бас сен (нафс) хоҳишига эргашиб кетмагин! Акс ҳолда у сени Аллоҳнинг йўлидан оздирур. Албатта Аллоҳ йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб-китоб кунини** (яъни Қиёматни) **унутиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бордир»** [Сод 26]

Қуръони Каримда келган нусрат-ёрдам сўзининг асосий маънолари:

1 – Ҳимоя қилиш ва сақлаш маъносида. Нусрат калимаси бу маънода Қуръони Каримнинг аксар жойларида бир неча марта келган. Бу маънолар кўпроқ кофир ва итоатсиз кимсаларга таҳдид қилиш мазмунида, яъни, агар Аллоҳ азоб юборса, ҳеч ким уларни Аллоҳнинг азобидан ҳимоя қила олмаслиги тўғрисида келган. Қуръонда бунга мисоллар кўп бўлиб, қуйида уларни келтириб ўтамиз:

а) Охира азобидан ҳеч нарса ҳимоя қила олмаслиги маъносида. Бу маъно Қуръоннинг бир неча оятларида келган бўлиб, Аллоҳ Таоло бизга охирада азобга лойиқ кимсанинг азобланиши муқаррарлигини, ҳеч ким улардан азобни енгиллата олмаслигини ва азобдан сақлолмаслигини ҳамда Аллоҳ хоҳламаса

бу азобни бошқасига алмаштира олмаслигини хабар беради. Аллоҳ Таоло қиёматни сифатлар экан, бу азоб ҳақида бундай дейди:

﴿يَوْمَ لَا يُغْنِي مَوْلًى عَنْ مَوْلَى شَيْئًا وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ﴾

«У кунда дўст дўстга бирон нарсада асқотмас ва улар ҳимоя ҳам қилинмас» [Духон 41]

﴿يَوْمَ لَا يُغْنِي عَنْهُمْ كَيْدُهُمْ شَيْئًا وَلَا هُمْ يُنصَرُونَ﴾

«У Кунда уларнинг ҳийла-найранглари бирон фойда бермас ва улар ҳимоя ҳам қилинмас» [Тур 46]

б) Бирор инсоний куч азобни даф қила олмайди: Нух عليه السلام қиссасида шундай келади: Нух عليه السلام қавми у кишидан мўминлардан иборат ўзига яқин кишиларини – улар ҳақир кишилар, деган ҳужжат билан – ўзидан узоқлаштиришини талаб қилишди. Шунда Нух عليه السلام агар ўзининг атрофидаги мўминларни ҳайдаса, уни бу қувғин таъсиридан ҳимоя қилиши ва Аллоҳнинг азобидан сақлашларини сўраб инкор қилди.

﴿وَيَقَوْمٌ مَنْ يُنصِرُنِي مِنَ اللَّهِ إِنْ طَرَدْتُهُمْ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ﴾

«Эй қавмим, агар мен уларни ҳайдасам, ким менга Аллоҳдан (яъни, Аллоҳнинг азобидан қутқариш учун) ёрдам берур? Ўйлаб кўрмайсизларми?!» [Ҳуд 30]

Бу оятнинг маъноси шундан иборатки, агар Нух عليه السلام Аллоҳнинг иродасига қарши чиқиб, камбағал кишилар билан бирга ўтиришдан ҳазар қилаётган кофирларнинг талабига жавоб берса, у кишини Аллоҳнинг азобидан ҳеч қандай инсоний куч ҳимоя қила олмайди. Бошқача айтганда, бу инкор маъносидаги истифҳом (сўроқ)дир. Солиҳ عليه السلامнинг қавми у кишини ўз динларига даъват ва тарғиб қилишдан чарчашганини эълон қилишганда, Солиҳ عليه السلام худди мана шундай қатъий позицияда турган эди.

2 – انتقام интиқом маъносида. «Нусрат» калимаси Қуръоннинг бир неча оятида интиқом маъносида келган, масалан:

﴿إِلَّا الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ وَذَكَرُوا اللَّهَ كَثِيرًا وَانْتَصَرُوا مِنْ بَعْدِ مَا ظَلَمُوا وَسَيَعْلَمُ الَّذِينَ ظَلَمُوا أَيَّ مُنْقَلَبٍ يَنْقَلِبُونَ﴾

«Бироқ имон келтирган ва солиҳ амаллар қилган ҳамда доим Аллоҳни ёдда тутган ва (илгари) мазлум бўлганларидан кейин ўч олган (шоир) кишилар (бундан мустаснодирлар). Зулм йўлини тутган (шоир)лар эса, яқинда қандай оқибатга қараб кетаётганларини билиб қолурлар»

[Шуаро 227]

Бу оятда доим Пайғамбар ﷺни масхара қилиб юрган шоирлар ҳақида сўз боради. Мусулмонлар уларга қарши худди шу қурол

билан (яъни шеърлар билан) қарши чиқиб, ўзлари учун ҳам, пайғамбарлари учун ҳам ўч олганлар. Аллоҳ Таолонинг қуйидаги оятида ҳам худди шу маъно, яъни ўч олиш маъноси ишлатилган:

﴿وَلَمَنِ أَنْتَصَرَ بَعْدَ ظُلْمِهِ فَأُولَٰئِكَ مَا عَلَيْهِمْ مِّنْ سَبِيلٍ﴾

«Албатта ким мазлум бўлганидан сўнг (ўзига зулм қилган кимсадан) ўч олса бас, улар(ни олган интиқомлари учун айблаш)га йўл йўқдир» [Шўро 41]

3 – «نصر» калимасининг асосий маъноларидан яна бири мадад ва кўмак маъносидир. Ибн Манзур айтади: نصر мазлумга ёрдам беришдир. Луғатда душманига қарши ёрдам берди, ёрдам беради маъносида келади, исми эса нусратдир. Ансорлар Росулulloҳ ﷺ га нусрат берган зотлар бўлиб, нусрат-ёрдам бериш уларнинг асосий сифати бўлган. Шу боис, улар «الأنصار» ансорлар», деб аталган... Лисонул араб китоби 5-жилд, 210-саҳифасида «تَنَاصَرُوا» феълига «бир-бирларига ёрдамлашди», деган маъно берилган. Айрим луғатшунос олимлар қуйидаги оятга тўхталар экан, бу калимани ушбу маънода ишлатилишига далил сифатида келтиришади.

﴿مَنْ كَانَ يَظُنُّ أَنْ لَّنْ يَنْصُرَهُ اللَّهُ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ فَلْيَمِذْدُ بِسَبَبٍ إِلَى السَّمَاءِ ثُمَّ لْيَقْطَعْ فَلْيَنْظُرْ هَلْ يُذْهِبَ كَيْدُهُ مَا يَغِيظُ﴾

«(Албатта Аллоҳ Ўз пайғамбарига ёрдам берур, энди) **кимда-ким: «Аллоҳ ҳаргиз унга ёрдам қилмас», деб гумон қилгувчи бўлса, у ҳолда бир арқон билан осмонга-шифтга осилиб, (ўзини ердан) ўзсин (яъни ўзи учун дор ясаб, унга осилсин), сўнг қарасин – бу найранги ғзабини кетказармикан»** [Ҳаж 15] Аллоҳ Таолонинг

﴿مَنْ كَانَ يَظُنُّ أَنْ لَّنْ يَنْصُرَهُ اللَّهُ﴾

«Кимда-ким: «Аллоҳ ҳаргиз унга ёрдам қилмас», деб гумон қилгувчи бўлса» [Ҳаж 15]

сўзи дунё ва охирада ёрдам бериб, талаб қилинган нарсани қўлга киритишида кўмаклашади деганидир. (Фаҳриддин Тарихий. Сажмаул Баҳрайн китоби 3-жилд, 494-саҳифа). Ушбу калима ишлатилган маъноларни ҳисоблаш учун Қуръонга мурожаат қилсак, айнан мана шу нусрат-ёрдам бериш маъноси кўпроқ қўлланилганини кўраимиз. Ушбу фикримизни қўллаб-қувватлаган айрим мисолларни қуйида келтираимиз:

﴿إِلَّا تَنْصُرُوهُ فَقَدْ نَصَرَهُ اللَّهُ﴾

«Агар сизлар унга (яъни, пайғамбарга) ёрдам қилмасангиз (Аллоҳнинг Ўзи унга ёрдам қилур)» [Тавба 40]

﴿وَنَصَرْنَاهُمْ فَكَانُوا هُمُ الْغَالِبِينَ﴾

«Ва уларни Ўзимиз қўлладик, бас улар (Фиръавн ва унинг одамлари устидан) **ғолиб бўлдилар»** [Соффат 116]

﴿وَلَيْنَ فُوتُلُوا لَا يَنْصُرُونَهُمْ وَلَيْنَ نَّصُرُوهُمْ لَيُوَلِّنَنَّ الْأَدْبَرَ ثُمَّ لَا يُصَرُّونَ﴾

«Қасамки, агар (яхудийларга қарши) **жанг қилинса** (мунофиқлар) **уларга ёрдам ҳам бермаслар ва агар** (фаразан) **ёрдам берсалар ҳам, албатта яҳудийлар** (мўминлар томонидан мағлуб қилиниб) **ортларига қараб қочурлар ва кейин уларга бIRON ёрдам берилмас»** [Ҳашр 12]

﴿جَاءَكُمْ رَسُولٌ مِّمَّنْ مَّعَكُمْ لِيَاْمُنُنَّ بِهِۦ وَتَتَّصِرُنَّهٗ﴾

«Кейин сизларнинг пайғамбарлигингизни тасдиқ этувчи бир пайғамбар (яъни Муҳаммад алайҳиссалом) **келгач, албатта унга имон келтирурсиз ва ёрдам берурсиз»** [Оли Имрон 81]

Бу калима ушбу маъно, яъни ёрдам ва кўмак маъносида ишлатилган бир неча оятларни келтириш мумкин. Шунингдек, бу калима Қуръони Каримда бир юз эллик мартага яқин ишлатилган.

Энди (نُصْرَة) нусрат бериш) билан (إِعَانَة) кўмаклашиш) сўзлари ўртасидаги фарққа келсак, (نَصْر) нусрат) фақат рақобат ва ғолибликка интилган курашувчига берилади. (إِعَانَة) кўмаклашиш) эса, шундай кишиларга ҳам бошқаларга ҳам берилаверади. Ғолибликка интилган, курашган, ёрдам берган, камбағални керак нарсa билан таъминлаган ва унинг юкларини кўтаришда кўмаклашган кишига (أَعَانَ) кўмаклашди) дейилади, лекин (نَصَرَ) нусрат берди), дейилмайди. Шунга кўра, (إِعَانَة) кўмаклашиш) сўзи умумий, (نُصْرَة) нусрат бериш) сўзи хосдир. Демак, (نُصْرَة) нусрат бериш) билан (إِعَانَة) кўмаклашиш) сўзлари ўртасидаги фарқ шундан иборатки, (نُصْرَة) нусрат бериш) душманга қарши ёрдамга хосдир. (إِعَانَة) кўмаклашиш) эса, барча нарсада умумийдир. Ҳар бир нусрат (إِعَانَة) кўмаклашиш)дир, лекин бунинг акси бўлмайди. (Абу Ҳилол Аскарий, луғатдаги фарқлар китоби, 540-саҳифа).

4 – Ғалаба ва зафар: «нусрат» калимаси қўлланилган тўртинчи маъно душман устидан ғалаба қилиш ва зафар қучишдир. Бугун араб халқлари «нусрат» калимасини тинглаганда уларнинг зеҳнига мана шу тўртинчи маъно шошиб келади. Бу калима қўлланилган айрим оятлардан ҳам ушбу маъно тушунилади. Улардан бири

﴿وَمَا النَّصْرُ إِلَّا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ﴾

«Ғалаба фақат Аллоҳнинг даргоҳидан бўлур» [Анфол 10] оятидир. Муфассирларнинг сўзларини кузатсангиз, улар бу калима ушбу охириги маънони англатади деб айтаётганларини кўрасиз. Саййид Таботабой ушбу оят шарҳида бундай дейди: «Агар нусрат

(ғалаба) одамлар сони, қуввати ва кучига қараб бўлганида, куч ва қуввати кўп бўлган мушриклар оз ва заиф мусулмонлар устидан ғалаба қилган бўлар эди». (Қуръон тафсиридаги мезон китоби, 9-жилд, 2-саҳифа). Бошқа бир муфассир бундай дейди: «Ушбун ҳисобга олган ҳолда айтамызки, демак (نُصْرَة нусрат бериш) фақат Аллоҳнинг қўлида бўлади ва озгина мадад ёки шунга ўхшаш нарса билан нусрат маъноси англашилмайди». (Бурҳониддин Буқоийнинг «نظم الدرر في تفسير الآيات والسور» номли китобидан. Мактабаи шомила электрон дастуридан олинди).

Қуръони Каримда бу сўздан фойдаланиш манбалари ҳақида қисқа тафаккур орқали билдикки, нусрат ғалабага интилиш ва рақиблик ҳолатларида мақсадга эришиш ва ғояга етиш рўёбга чиқиши учун ёрдам беришдир. Агар шу ғоя амалга ошса ҳамда нусрат ва ёрдам ўз самарасини берса, бу янги вазият ҳақида нусрат дейилади. Лекин буни ғалаба ёки зафар ёки шу маънони англатадиган сўзларга айтилмайди.

Аллоҳим Ислом ва мусулмонларга нусрат бер, биздан ўз динингга ёрдам берадиган кишиларни чиқар... Аллоҳим Мусъаб ибн Умайрга нусрат берганингдек нусрат бер... Аллоҳим бизнинг даъватимизга юраклари талпинадиган ансорларни пайдо қил, уларни биз томон ҳидоят қил ва улар орқали бизга нусрат бер... Аллоҳим даъватимиз ва Ҳизбимизга мусулмонлар, уларнинг уламолари, етакчилари ва қувват аҳлининг қалбини очгин, уларни бизга ёрдамлашадиган кишиларга айлантиргин. Режимлар, уларнинг айғоқчилари ва ёмон одамларнинг кўзини кўр қил... Аллоҳим, уларнинг кўзига бизни кўп қилиб, бизнинг кўзимизга уларни оз қилиб кўрсат. Бу Умматни рошид Халифалик билан сийла, Халифаликки, у билан Ислом ва мусулмонлар азиз бўлади ва куфр ва кофирлар хор бўлади. Охириги дуойимиз оламлар парвардигори Аллоҳга ҳамд айтмоқликдир. □

**ЖАҢНАТ
БОҒЛАРИ**

قال رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «إِذَا مَرَّتُمْ بِرِیَاضِ الْجَنَّةِ فَارْتَعَوْا»

Расулуллоҳ ﷺ дедилар: «Агар жаннат боғларидан
утсангизлар, (мўл-кўл мевалардан) тотинглар»

**ЖАҢНАТ
БОҒЛАРИ**

МУСУЛМОНЛАРГА ЮКЛАНГАН ШАРЪИЙ АҲКОМЛАРДА ЕНГИЛЛИК БОР (2)

Барча нарсалардан хабардор ва билимдон Аллоҳ инсон учун унга мос келувчи аҳкомларни шариат қилиб белгилаб берди. Аллоҳ инсонга нимани юклаган бўлса, бу у учун раҳматдир ва унда енгиллик бор.

﴿وَمَا جَعَلَ عَلَيْكُم فِي الدِّينِ مِنْ حَرَجٍ﴾

«Бу динда сизларга бирон хараж-танглик қилмади»

[Ҳаж 78]

Бу шуни англатадики, шариат фақат Аллоҳ тарафидандир ва муслмон киши Аллоҳ юклаган нарсада ўзини қийнамаслиги ва тоқатидан ортиқча нарсани ўзига юкламаслиги керак. Чунки инсоннинг тоқатидан ортиқча нарсани ўзига юклаши шариатни бутунлай ташлаб юборишга олиб келади. Муслмон киши ўз хоҳиши билан ҳамда итоат ва бўйсунуш орқали ибодат қилиши учун уни мана шу йўналишга соладиган, унинг имони ва итоаткорлигини кучайтирадиган бир қанча ҳадислар келган.

– Оиша онамиздан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ ﷺ унинг олдига кирганларида унинг олдига бир аёл бор эди. Расулуллоҳ ﷺ: Бу ким? – деб сўрадилар. Оиша (رضي الله عنها): Бу фалончи, у жуда кўп намоз ўқийди дея мақтаётган эди, Расулуллоҳ ﷺ:

﴿مَهْ، عَلَيْكُمْ بِمَا تَطِيقُونَ، فَوَاللَّهِ لَا يَمَلُّ اللَّهُ حَتَّى تَمْلُوا﴾

«Бас етарли, сизлар тоқатингиз етганича амал қилинг. Сизлар малолланмагунингизча Аллоҳ малолланмайди», дедилар. Оиша (رضي الله عنها) айтади: Расулуллоҳ ﷺ учун динда энг суюкли бўлган иш, давомли қилинган ишдир. Муттафақун алайҳ.

Бу ҳадис тоат ибодатда ўртача бўлиш бобида келган. «Кўп намоз ўқийди», дегани тоқатидан ортиқча ўқийди ва шунинг учун келажакда бу амалини давом эттира олмайди маъносидадир. Расулуллоҳ ﷺнинг مَه деган сўзлари эса, наҳий ва зажр калимаси бўлиб, бас кифоя қилади деган

маънодадир. Росулulloҳ ﷺ тоқатимиз етганича амал қилишимизни талаб қилиб:

«لَا يَمَلُّ اللَّهُ حَتَّى تَمَلُّوا»

«Тоқатингиз кўтарганича амал қилинг», дедилар. Яъни нафсингизни қийнаманг, чунки инсон нафсини қийнаса, малолланади ва амалдан тўхтайди. «Сизлар малолланмагунингизча Аллоҳ малолланмайди» иборасининг маъноси эса, сизлар малолланиб, амални тарк қилсангиз, Аллоҳ сизларга савоб бермайди ва малолланганинг муомаласини қилади, деганидир. Шунинг учун амалнинг савоби давомли бўлиб, сизларга фазл бўлиши учун доим қилишга тоқатингиз етадиган амалларни қилишингиз лозим, деганидир. Оиша رضي الله عنها ушбу ҳадиснинг маъносини яхши тушунгани учун: Аллоҳ учун амалларнинг энг яхшиси давомлисидир деди. Яъни гарчи оз бўлса-да давомий амал қилсанг, бу сен учун яхши, чунки амални роҳат билан қиласан. Роҳат билан қилганинг учун тарк этаётганда ҳам қилишни хоҳлаб турасан. Шунинг учун Росулulloҳ ﷺ:

«فَوَاللَّهِ لَا يَمَلُّ اللَّهُ حَتَّى تَمَلُّوا»

«Аллоҳга қасамки сизлар малолланмагунингизча Аллоҳ малолланмайди», дедилар. Яъни Аллоҳ амалингиз миқдорига қараб савоб беради, амалда қанча давомли бўлсангиз, Аллоҳ сизга шунча савоб беради.

Пайғамбар ﷺга Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оснинг яхшиликни умид қилиб, тирик эканман, кундузи рўза тутаман ва тунда намоз ўқийман, дегани хабари келди. Шунда Росулulloҳ ﷺ: **«Шу сўзни сен айтдингми?»**, деган эдилар, У: Худди шундай эй Аллоҳнинг Росули деди. Шунда Росулulloҳ ﷺ: **«Сени бунга кучинг етмайди»**, дедилар ва ҳар ойда уч кун рўза тутишга буюрдилар. Шунда Абдуллоҳ: Мен бундан кўпроғига қодирман деган эди, Росулulloҳ ﷺ уни бир кун рўза тутиб, икки кун тутмасликка буюрдилар. Шунда Абдуллоҳ: мен бундан кўпроғига қодирман деган эди, Росулulloҳ ﷺ: **«Бир кун рўза тутиб, бир кун тутма»**, дедилар. Шунда Абдуллоҳ: мен бундан ҳам кўпроғига қодирман деган эди, Росулulloҳ ﷺ: **«Бундан оширма, бу Довуднинг рўзасидир»**, дедилар. Абдуллоҳ кексайгач, бир кун рўза тутиб, бир кун тутмаслик оғир келиб қолди, шунда у

Росулulloҳ ﷺнинг рухсатини қабул қилсам бўлар экан, деди. Сўнг ўн беш кун рўза тутиб, ўн беш кун тутмайдиган бўлди. Бунда инсон ибодатларни ўртачалик асосида қилиши ҳамда ибодатда ҳаддидан ошмаслиги ва сусткашлик қилмаслиги лозимлиги ҳақида далил бор. Токи, инсон ўз амалида давомий бўлиб, оз бўлса-да Аллоҳ учун энг яхши амални қилсин.

– Оиша رضي الله عنها ривоят қилишича, Росулulloҳ ﷺ бундай деган эдилар:

«إِذَا نَعَسَ أَحَدُكُمْ وَهُوَ يُصَلِّي، فَلْيَرْقُدْ حَتَّى يَذْهَبَ عَنْهُ النَّوْمُ، فَإِنَّ أَحَدَكُمْ إِذَا صَلَّى وَهُوَ نَاعِسٌ لَا يَذَرِي لَعَلَّهُ يَذْهَبُ يَسْتَغْفِرُ فَيَسْبُ نَفْسَهُ»

«Агар бирортангиз намоз ўқиб турганида уйқуси келиб қолса, уйқуси қочгунича ухласин. Чунки уйқусираб намоз ўқиганингизда истиғфор айтяпсизми ёки ўзингизни сўкяпсизми билмайсиз». муттафақун алайҳ.

Бу ҳадис уйқу қолиб келиши натижасида бўладиган ҳисдаги мадорсизлик ҳақида гапирмоқда. Бундай ҳолатда инсон ўз сезгиларини бошқара олмайди. Шунинг учун Росулulloҳ ﷺ намоз ўқиётганда уйқуси келган киши намозни тўхтатишга буюрмоқдалар. Сўнгра буни ўзининг: **«Агар бирортангиз уйқусираб намоз ўқисангиз истиғфор сўраяптими ёки сўкяптими билмайди. Аллоҳим гуноҳларимни кечиргин, дейиш ўрнига ўша кечиришини сўраётган гуноҳни амалга ошириб, ўзини сўкиши мумкин. Шунингдек, Аллоҳдан жаннат сўраш ўрнига дўзах сўраши ёки ҳидоят сўраш ўрнига залолат сўраши мумкин»**, деган сўзлари билан иллатладилар. Шунинг учун Росулulloҳ ﷺ бундай кишини ухлашга буюрдилар. Бунинг ҳикмати шуки, инсон устида нафси учун ҳақ бор, агар инсон нафсини машаққатли ибодатга мажбурласа, унга зулм қилиб қўяди... Аллоҳ ўзи билгувчиروқ.

– Абу Қатода ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«إِنِّي لَأَقُومُ إِلَى الصَّلَاةِ وَأَنَا أُرِيدُ أَنْ أُطَوَّلَ فِيهَا، فَاسْمَعْ بَكَاءَ الصَّبِيِّ فَاتَجَوَّزْ كَرَاهِيَّةَ أَنْ أَشُقَّ عَلَى أُمِّهِ»

«Мен намоз ўқиётганда уни узун қилишни хоҳлагандим. Шунда ёш боланинг йиғлаганини

эшитиб, унинг онасига қийин қилиб қўймаслик мақсадида уни енгил қияпман». Абу Довуд ривояти.

Росулulloҳ ﷺ намозни узоқ ўқишни хоҳлар эдилар. Лекин айна вақтда одамларнинг эҳтиёжига ҳам риоя қилар ва баъзи одамлар учун намозни енгил ўқир эдилар. Росулulloҳ ﷺнинг:

«إِنِّي لَأَقُومُ إِلَى الصَّلَاةِ وَأَنَا أُرِيدُ أَنْ أَطَوَّلَ فِيهَا»

«Мен намоз ўқиётганда уни узун қилишни хоҳлагандим», деган сўзларининг маъноси ҳар доимгидек тўла ва комил қилиб ўқишни хоҳлагандим, деганидир. Яъни Росулulloҳ ﷺ имомларни қайтарган чўзиш назарда тутилмаган.

«فَاسْمِعْ بَكَاءَ الصَّبِيِّ فَاتَحَوَّزْ»

«Ёш боланинг йиғисини эшитиб, намозни енгил қияпман», дегани онаси намозда бўлган ёш боланинг йиғиси ҳақида сўз бормоқда.

«كَرَاهِيَّةٌ أَنْ أَشُقَّ عَلَى أُمِّهِ»

«Онасига қийин қилиб қўймаслик учун», дегани боласининг йиғисини эшитиб намоздан чиқиб кетмасин деган ҳолда унга ва онасига раҳм қилиб деган маънодадир. Бу ҳадисда намозда мўминларни шароитига риоя қилиш ва намозни узоқ ўқиб, уларга қийинчилик туғдириб қўймасликка тарғиб бор. Бунини Жобир ибн Абдуллоҳнинг ҳадиси ҳам тасдиқлайди. Унда келишича, Муоз ибн Жабал Росулulloҳ ﷺ билан бирга намоз ўқиди. Сўнг қавмига бориб улар билан бирга намоз ўқир экан, унда бақарани ўқиди. Қавмдан бўлган бир киши намозини қисқа қилиб ўқиб олди. Муоз бундан хабар топиб, уни мунофиқ деб атади. У киши эса, уни эшитгач, Росулulloҳ ﷺнинг олдиларига келиб, биз қўл меҳнати билан шуғулланадиган қавмимиз ва туялар билан экинларни суғорамиз. Муоз ўтган куни биз билан намозда бақарани ўқиди. Мен намозни қисқа ўқиганим учун у мени мунофиқликда айблади, дея шикоят қилди. Шунда Росулulloҳ ﷺ: **«Эй Муоз, сен одамларни нафратлантиряпсанми?»**, деб уч марта такрорладилар. Сўнг **«Вашшамси ва зуҳаҳани ва сабихисма роббикал аълани ва шунга ўхшаганларни ўқи»,** дедилар. Муттафақун алайҳ, лафз Бухорийники. Пайғамбар ﷺнинг ушбу муборак ҳадисида намозда мўминларнинг шароитига риоя қилиш ҳақида

кўрсатма бор. Чунки уларнинг барчаси бир хил эмас. Шу ўринда эслаш жоизки, жамиятлар турлича ва шароитлар ҳар хил бўлади. Баъзида масжид бозорнинг ўртасида ёки корхонанинг яқинида ёки экинзор ва даланинг ёнида бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда намозни қисқа қилиб узоқ ўқимаслик афзал. Баъзида эса, масжид талаба ва ибодатгўйлар кўп жойда бўлади. Бундай ҳолатда имом намозни узоқ ўқиши мумкин. Пайғамбар ﷺнинг: **«Эй Муоз, сен одамларни нафратлантиряпсанми»**, деган сўзларида диндан нафратлантирадиган ва унинг йўлидан тўсадиган ёки одамларни фитнага олиб борадиган ҳар қандай нарсадан қайтариш бор. Даъватчилар, айниқса, янги динга кирганлар билан муомала қилаётган пайтда Пайғамбар ﷺнинг ушбу кўрсатмаларига риоя қилиши керак.

Оиша رضي الله عنها ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«مَا خَيْرُ النَّبِيِّ ﷺ بَيْنَ أَمْرَيْنِ إِلَّا اخْتَارَ أَيْسَرَهُمَا مَا لَمْ يَأْتِمْ، فَإِذَا كَانَ الْإِثْمُ كَانَ أَبْعَدَهَا

مِنْهُ، وَاللَّهُ مَا انْتَقَمَ لِنَفْسِهِ فِي شَيْءٍ يُؤْتِي إِلَيْهِ قَطُّ حَتَّى تَنْتَهَكَ حُرْمَاتُ اللَّهِ؛ فَيَنْتَقِمَ لِلَّهِ

«Пайғамбар ﷺ қачон икки ишдан бирини танлаш ихтиёри берилса, модомики гуноҳ эмас экан, енгилини танлар эдилар. Агар у гуноҳ бўлса иккисидан ҳам узоқ бўлар эдилар. Аллоҳга қасамки, Пайғамбар ﷺ бирортасидан ҳеч қачон ўч олмаганлар, ўч олса ҳам Аллоҳнинг тақиқларига путур етказганида ундан Аллоҳ учун ўч олганлар». Муттафақун алайҳ.

Пайғамбар ﷺ раҳмдил ва меҳрибон киши бўлиб, барча ишларда мусулмонларга енгилик бўлишини яхши кўрар эдилар. Лекин Аллоҳнинг чегаралари ва тақиқлари қаршисида тўхтар эдилар. Ҳаром барҳам топмагунича Аллоҳ учун қаттиқ ғазабланар эдилар. Оиша رضي الله عنها ушбу ҳадисда бундай деганлар: **«Пайғамбар ﷺ қачон икки ишдан бирини танлаш ихтиёри берилса, модомики гуноҳ эмас экан, енгилини танлар эдилар. Агар у гуноҳ бўлса, иккисидан ҳам узоқ бўлар эдилар»**. Бошқача айтганда, қачон танлаш ихтиёри берилса ва унда ҳаром ёки маъсиятга тушиш эҳтимоли бўлмаса енгилик ва осонини олар эдилар. Агар енгилик ишда гуноҳ эҳтимоли бўлса, азима ва қийинроғини танлар эдилар... Пайғамбар ﷺнинг чиройли хулқларидан

бири ўз нафсининг ҳаққи борасида саховатли бўлган эдилар. Оиша  айтади: «**Аллоҳга қасамки, Пайғамбар  бирортасидан ҳеч қачон ўч олмаганлар, ўч олса ҳам Аллоҳнинг тақиқларига путур етказганида ундан Аллоҳ учун ўч олганлар**». Бошқача айтганда, Росулulloҳ  Аллоҳнинг тақиқлари тажовуз ва маъсият орқали бузилсагина шахсдан ўч олар эдилар. Шундай пайтда Аллоҳнинг ҳаққини олиш учун энг қаттиқ ўч оладиган инсонга айланар эдилар. Ушбу ҳадисда мусулмонларнинг ҳаёт йўли енгиллаштириш, саховатли бўлиш ва амалларда ўта қаттиқ туришдан узоқ бўлиш асосига қурилиши ҳақида кўрсатма бор. Шунингдек, Аллоҳнинг тақиқ ва чегараларида тўхташ ва гуноҳ ва маъсиятларни қилмаслик ҳамда мусулмон жамиятда Аллоҳнинг ҳаққи поймол қилинмаслиги ҳақида кўрсатма бор. Агар шундай ҳолат юз бергудек бўлса, мусулмон киши Росулulloҳ  дан ўрнак олган ҳамда ишларни ўз жойига қўйган ҳолда Аллоҳ учун ғазабланиши вожиб. Шунингдек, ғазабланиш ўз ўрнида бўлиши ва чегарадан ўтиб кетмаслиги лозим. Токи, ислоҳ қилишни хоҳлаётган нарсани бузиб қўймасин. □

ЗАЙД ИБН АМР ИБН НАФИЛ

Росулуллоҳ ﷺ элчи қилиб юборилишидан олдин соф ҳанифий динда вафот этди

Зайд ибн Нафил Маккада туғилиб, Росулуллоҳ ﷺ элчи қилиб юборилишидан беш йил олдин вафот этди. Лекин у бошқалар каби бутпарастлик динини ушлаб, тошларга ибодат қилмади. Аксинча, у ақли ёрқин ва қалби тоза киши бўлиб, табиати яҳудий ва насронийларнинг ботил ақидасидан жирканар эди. У Аллоҳ Таоло инсонларни яратган табиий хилқатидаги энг яхши мисол эди. У ўзининг ҳақ ибодатга қаттиқ мойиллик хилқати билан ҳақ динни излаб чўлу биёбонларни кесиб ўтди... Ҳақ динни ҳеч қаердан топа олмагач, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга қасд қилди. У айтар эдики, «Мен гарчи танимасамда, отамиз Иброҳимнинг динидаман»... Шундай экан, Росулуллоҳ ﷺ Уммат деб сифатлаган киши ким?!

Зайд ибн Нафил (жаннат хушхабари берилган ўнта кишидан бири) Саид ибн Зайднинг отаси ва Умар ибн Хаттобнинг амакисининг ўғлидир. У Пайғамбаримиз ﷺ элчи қилиб юборилишидан олдин Иброҳим ва ўғли Исмоил ʼаларнинг ҳаниф динида бўлган эди. Зайд Аллоҳнинг уйида тикланган бутларни эшитмайдиган, кўрмайдиган ва ҳақиқатнинг ўрнини боса олмайдиган эканини билар эди. Шунингдек, у бу бутларга ибодат қилиш ортида фақат залолат борлиги ҳамда у бутпарастларга ҳатто қизларини тириклайин кўмишдек аҳмоқона урф-одатларни мерос қолдирганини билар эди... Зайд ҳақиқат излаб Маккадан чиқди ва уни ибодатхона, узлатгоҳ ва бутхоналардан излади, лекин топа олмади. У роҳиб, обид ва раввинлардан ҳақиқатни сўради, лекин улар айтган нарсаса қоникмади...

Бухорий Ибн Умардан ривоят қилади: «Зайд ибн Нафил ўзи эргашишни хоҳлаган динни излаб Шомга борди. У ерда яҳудий олим билан учрашиб, дини ҳақида сўради ва динингиз ҳақида айтиб беринг, қошки унга кирсам деди. Олим эса унга: бизнинг динимизга кирсанг, Аллоҳнинг ғазабига учрайсан деди. Шунда Зайд мен Аллоҳнинг ғазабидан қўрқиб шу жойга келдим, Аллоҳнинг ғазабига йўлиқишни хоҳламайман деди. Сўнг: ҳақ динни қаердан топсам бўлади, менга айтиб бера олмайсанми деди. Шунда олим: Мен ҳақ дин ҳаниф бўлиши лозим, деб биламан деган эди, Зайд: ҳаниф деганинг нима ўзи? деди. Олим: У Иброҳимнинг дини бўлиб, на насронийлик ва на яҳудийликка, балки фақат Аллоҳга ибодат қилади. Зайд у ердан чиқиб насроний олимга учради ва ундан ҳам дини ҳақида айтиб беришини сўради. Шунда олим: Бизнинг динимизга кирсанг, Аллоҳнинг лаънатига учрайсан, деди. Зайд эса, мен Аллоҳнинг лаънати ва ғазабига учрайдиган бирор иш қилмайман. Сўнг: ҳақ динни қаердан топсам бўлади, менга айтиб

бера олмайсанми деди. Шунда олим: ҳақ дин фақат ҳаниф бўлади деб биламан деган эди, Зайд ҳаниф деганинг нима ўзи деди. Олим у Иброҳимнинг дини бўлиб, на насронийлик ва на яҳудийлик, балки фақат Аллоҳга ибодат қилади, деди. Зайд уларнинг Иброҳим ﷺ ҳақидаги сўзларини эшитгач, у ердан чиқди ва қўлини юқорига кўтариб: Аллоҳим албатта мен Иброҳимнинг динида эканимга гувоҳлик бераман деди». Асмо бинти Абу Бакр айтади: Мен Зайд ибн Амр ибн Нафилни орқасини Каъбага суяган ҳолда бундай деганини эшитганман: «Эй Қурайш жамоаси, Аллоҳга қасамки, мендан бошқа бирортангиз Иброҳимнинг динида эмассиз, деди. Сўнг: Эй Аллоҳим агар қандай ибодат қилиш сенга севимли эканлигини билганимда, албатта ўшандай ибодат қилардим. Аммо мен бу ибодатни билмайман, деди». Асмонинг эслашича, Зайд Каъбага қараб намоз ўқир, пешонасини саждага қўяр ва «Иброҳимнинг илоҳи илоҳим, Иброҳимнинг дини диним», дер эди. Бухорий.

Зайд Маккада Пайғамбар ﷺ ни кутиб яшади. Чунки айрим роҳиблар янги Пайғамбар Ҳижоз еридан чиқиши ҳақида хабар беришган эди. Зайд ўзига айтар эди: «Мен яҳудийлик ва насронийликни текшириб кўрдим ва уларни ёқтирмадим. Сўнг Шомга бориб, ибодатхонада бир роҳиб билан учрашдим. Мен унга ўз қавмимдан кетганим ҳамда бутпарастлик, насронийлик ва яҳудийликни ёмон кўришим ҳақида айтиб бердим. Шунда у менга: Эй Маккалик биродарим, сен Иброҳимнинг динини излаётган экансан. Сен бугун амал қилинмаётган динни талаб қиялпсан. Бу отанг Иброҳимнинг динидир, у на яҳудий ва на насроний бўлган, балки у ҳаниф бўлган эди. У намоз ўқир ва юртингдаги каъба томонга сажда қилар эди. Ҳақиқат сенинг юртингдадир. Чунки у ердан сенинг қавминг орасидан Пайғамбар чиқади ва у ҳаниф Иброҳим динини олиб келади. Шунингдек, у махлуқотлар орасида Аллоҳ учун энг ҳурматлиси бўлади», деди. Ибн Исҳоқ айтади: «Аммо Зайд ибн Нафил яҳудий ҳам насроний ҳам бўлмасдан, қавми динидан юз ўгирди. Бут санамлар, ўзи ўлган ҳайвонларни ейиш, бутлар учун қилинадиган қурбонликлардан узоқлашди ҳамда қавмини қизларни тириклайин кўмишдан қайтарди. У: «Иброҳимнинг Роббисига ибодат қиламан», деди ва қавмига улар ибодат қилаётган нарса йўқ бўлиб кетиши ҳақида айтди. Зайд ўз қавмига бутларга ибодат қилишни қоралаб, қуйидаги машҳур байтини ўқиган эди:

Якка Парвардигоргами ё минг илоҳга

Сиғинай ишлар тақсим бўлганда?!

Қурайш Зайдга азият бериб, охири уни Маккадан чиқариб юборишди. У Макка қаршисидаги Ҳиро ғорига жойлашди. Хаттоб

Макканинг ёш йигитларидан бир нечтасига: Уни Маккага киритманг, деб буюрди. Зайд Маккага яширинча кирар эди.

Бухорий Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилишича, Пайғамбаримиз ﷺ ўзига ваҳий келишидан олдинроқ бир куни Макка яқинидаги Балдах деган жойда Зайд ибн Амр ибн Нафилни учратди. Пайғамбар ﷺ га овқат олиб келинган эди, у киши ейишдан бош тортдилар. Зайд ҳам «Мен бутларингизга атаб сўйган нарсани емайман, балки фақат Аллоҳнинг исми айтиб сўйилган нарсадан ейман», деди. У Қурайшни сўядиган жонлиқлари борасида айблаб шундай дер эди: «Қўйни осмондан сув ёғдириб, у орқали ерда дарахтларни ўстирган Аллоҳ яратган бўлсаю, сизлар уни Аллоҳдан бошқасининг исмини айтиб сўясизларми». Зайд бу гапини уларнинг қилиқларини қоралаб ва Аллоҳни улўглаб айтган эди.

Зайд ўз қизини ўлдиршни хоҳлаган кишига: Уни ўлдирма, мен уни боқиб оламан, деди. Дарҳақиқат Зайд у кишини ўз қизчасини қўлида кўтариб олиб, чуқурга кўмиш учун шошганича кетаётганини кўрган эди. Шунда у шошиб турдида, йўлини тўсди ва бу ишни қилмаслик ҳақида унга ёлворди. У қизини кўмишга қаттиқ туриб олгач, унга: Қизингни ўлдирма, уни менга бер, мен уни кафилликка оламан. Хоҳласанг улғайгач уни олиб кет, хоҳласанг қолдир, деди. Бухорий ривояти. Сўнг Зайд ушбу айбсиз заифани уйига олиб бориб, меҳрибонлик билан парвариш қилди. Чунки Зайд Аллоҳ ўз бандаларига раҳмдил экани ва уларни кўмиб ташлаш учун яратмаганини билар эди. Жоҳилиятда қизларни тириклайин кўмиш икки турда амалга оширилар эди:

Биринчиси: Ҳомиладор аёл чуқур олдида келиб, бола туғиладиган жойини чуқурга тўғрилаб туғар эди. Агар гўдак эркак туғилса, уни олиб қолар, агар қиз туғилса тўғри чуқурга тушириб кўмиб юборишар эди.

Иккинчиси: Айримлар қиз бола туғилганидан кейин шошилмай етти ёшга тўлгунича кутиб турар эди. Қиз етти ёшга тўлгач, онасига унга чиройли кийимларини кийдир, мен уни қариндошлариникига олиб бораман дер эди. Уни кийинтириб бергач, уни бир қудуқ олдида олиб бориб, унга қарачи дер ва қиз унга қарагач, орқасидан қудуққа туртиб юборарди. Қиз унга боши билан тушгач, устидан тош ва тупроқларни ташлаб, кўмиб юборарди.

﴿وَإِذَا بُشِّرَ أَحَدُهُم بِالْأُنثَىٰ ظَلَّ وَجْهُهُ مُسْوَدًّا وَهُوَ كَظِيمٌ ﴿١﴾ يَتَوَارَىٰ مِنَ الْقَوْمِ مِن سُوءِ مَا بُشِّرَ بِهِ ۚ أَيَسْكُنُ هُنَا أَم يَدْخُلُ فِي التُّرَابِ ۚ أَلَا سَاءَ مَا يَحْكُمُونَ﴾

«Қачон бировларига қиз (кўргани ҳақида) хушxabар берилса, ғазабга тўлиб, юзлари қорайиб кетар. Ва у (қизни) хўрлаган

ҳолида олиб қолиш ёки (тириклай) тупроққа қориш (тўғрисида ўй суриб), ўзига хушхабар берилган нарсанинг (яъни, қиз кўришнинг) «ёмон»лигидан (номус қилиб) одамлардан яшириниб олур. Огоҳ бўлингизким, улар (бу қилмишлари билан) энг ёмон (яъни, ноҳақ) ҳукм чиқарурлар»

[Наҳл 58-59]

Аммо унинг вафоти ҳақида айтадиган бўлсак, Зайд ибн Амр ибн Нафил ёлғиз ўзи бир Умнат бўлиб, қиёматда бошқа халқлар тирилганда яна ёлғиз Умнат бўлиб тирилади. Зайд Росулulloҳ ﷺ Пайғамбар бўлишидан беш йил муқаддам вафот этди. Унинг ўғли Саъд ибн Зайд ﷺ Росулulloҳ ﷺнинг олдига келиб, эй Аллоҳнинг элчиси, менинг отам ким бўлганини биласиз, деди. Росулulloҳ ﷺ унинг гуноҳларини кечиришини сўраб дуо қилди ва: **«Ҳа у қиёмат кунини ёлғиз Умнат бўлади»**, деди. Жобир ибн Абдуллоҳ ﷺ айтади: Росулulloҳ ﷺга Зайд ибн Амр ибн Нафил ҳақида у жоҳилият даврида қиблага қараб намоз ўқир ва Иброҳимнинг илоҳи менинг илоҳим, Иброҳимнинг дини менинг диним дея сажда қиларди дейишди. Шунда Росулulloҳ ﷺ **«у мен билан Исо ибн Марям ўртасида ёлғиз Умнат бўлиб тирилади»**, деди. Саид ибн Мусайяб Зайд ибн Амрни эслаб бундай дейди: у Росулulloҳ ﷺга ваҳий келишидан беш йил аввал, Қурайш қаъбани қураётганда вафот этди. Зайд вафот этар экан, Мен Иброҳимнинг динидаман деган эди.

Бану Адий ибн Каъбнинг иттифоқчиси Омир ибн Робиа айтади: Зайд ибн Амр менга бундай деган эди: «Мен қавмимга қарши чиқиб, Иброҳим ва Исмоилнинг дини ва ибодатига эргашдим. Улар мана шу Каъбага қараб намоз ўқишар эди. Ҳозир мен Бану Исмоилдан Пайғамбар чиқишини кутяпман, лекин унгача етиб бора олмасам керак, деб ўйлайман». Бу унинг «Мен унга имон келтираман, уни Пайғамбар деб тасдиқлайман», деган эҳсоси эди. Зайд Пайғамбарликдан олдин у кишини пайғамбарлигига гувоҳлик берган эди. Чунки у Пайғамбар ﷺ яқинда чиқишини билар, лекин ҳали чиқмаган эди. У Аллоҳга ва одамларга Пайғамбар чиқишига гувоҳлик берди.

Зайд ибн Амр Омир ибн Робиага бундай деган эди: «Агар ўша кунгача тирик бўлсанг, у кишига менинг номимдан салом айт». Омир ибн Робиа айтади: «Исломи қабул қилгач, Росулulloҳ ﷺга у ҳақда хабар берган эдим, у киши ҳам Зайдга салом айтиб, Аллоҳдан унга раҳм қилишини сўради ва айтдиларки: **«Мен уни жаннатда (Аллоҳ берган неъматлар сабабли) кеккайиб юрганини кўрдим»**. Фатҳул борий. □

САУДИЯ АРАБИСТОНИДАГИ ҲУКМРОН ОИЛА ВА ДИНИЙ МУАССАСА ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ҚОИДАСИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Вашингтон пост газетасининг ёзишича, Саудия валиаҳди Муҳаммад ибн Салмоннинг «Ваҳҳобийлик муассасаси»га қарши кўраётган қатор чоратадбирларидан мақсад, ҳукмрон оила билан айна муассаса ўртасидаги Саудия Арабистонида асос солган келишувни қайта кўриб чиқишдир. Газетага кўра, Ибн Салмон диний ҳокимиятдан озод бўлишга интилувчан ёшлар орасида машҳурликка эришмоқчи ва энг муҳими қирол Салмон ўлгандан кейин тахтга ўтиришга тайёргарлик кўриб, ҳокимиятни тўлиқ қўлга олмоқчи бўляпти. Айна дамда Ислом ва таълим ишлари бўйича адлия вазирлигининг фаолияти доирасида мамлакатда диний ҳокимият панжалари кесилаётгани яққол кўриниб турибди. Зеро, бу диний муассаса мамлакатда мустаҳкам ўрнашиб, фатво ва таълим орқали Саудия Арабистонини шакллантиришда муҳим роль ўйнаб келган эди. Унинг фатво ва таълимлари нафақат саудияликлар ҳаётини бошқариб келган, балки диний муассасалари Риёз томонидан назорат қилинадиган хорижий давлатларга ҳам етиб борган. Газетанинг ёзишича, валиаҳднинг буйруқларига итоат қилмаган дин арбобларига нисбатан қамаш сиёсати юргизилмоқда.

Ал-Ваъй: Ҳа, оли Сауд ва оли шайх ўртасидаги алоқа динни ҳаётдан ва давлатдан ажратиш сиёсати асосига қурилган. Бунда бошқарув ва сиёсат оли Саудга, шахс ва ибодатга алоқадор диний ишлар эса, оли шайхга берилган. Оли шайх ўртадаги алоқани тартиблаштириш учун иш эгалари Оли Саудлардир, уларга мутлақ итоат қилиш вожиб, деган нарсани ўйлаб топган. Бу диний муассаса шу пайтга қадар ўзидаги моддий ва медиа имкониятлари билан Оли Сауднинг ички сиёсатига хизмат қилиб келди. Шу сабабдан уни Оли Сауд ҳукмронлигига таҳдид соладиган ҳар қандай сиёсий ёки диний мухолифатдан давлатни сақловчи хавфсизлик камари, дейиш мумкин. У шунингдек, расмий тарздами ёки умумий ҳолатдами қироллиқнинг хориждаги сиёсатига ҳам хизмат қилди. Саудия валиаҳди 2018 йил 17 мартда Американинг Вашингтон пост газетасига интервью берар экан, (ёнида мамлакат муфтиси ҳам бор эди) махфий нарсани очиб қўйди. Унинг айтишича, мамлакатда ваҳҳобийлик тушунчаларининг тарқалиши совуқ уруш даврига бориб тақалади. Ўшанда иттифоқчи давлатлар Саудиядан Совет Иттифоқининг исломий олам давлатларига кириб келишини олдини олиш учун маблағ сарфлашини талаб қилган эди. Валиаҳд яна: «Мана энди ўз йўлимизга қайтамиз», деди. Бу диний муассаса Ибн Салмон томонидан қабул қилинган барча қарорларни улар шариатга қанчалик зид бўлмасин қўллаб-қувватлаш ва тўла оқлаш сиёсатидан юрди. Ўша қарорлардан бири яҳудийлар билан сулҳ тузиш бўлиб, Ибн Салмон агар Трамп қайта сайланадиган бўлса, сулҳга қадам қўйишни режалаштирган эди. Мамлакатда «шаръий кўнгил очар клублар», деган нарсаларни қуриш ва озодлик ҳайкали (бўт) барпо этиш каби ишлар ҳам айна қарорлар сирасига кириди. Ҳатто у «Оҳод хабарлар шариатни бузилишига олиб келса, амални ифодаламайди», дея баёнот берди. Бу унинг динига-мусулмонлигига нисбатан шубҳа уйғотувчи баёнотдир. Диний муассаса ўз позицияларида мисли қўрилмаган шармандачиликларни намоён қилмоқда... Биз уларни Ибн Салмон билан бирга жаҳаннам сари юришдан тўхташга чақирамиз. Бу эса, унга қарши чиқиш ҳамда уни ва минтақадаги бошқа ҳокимларни ўзгартиришга ҳаракат қилиш билан амалга ошади. Шунингдек, бу рошид Халифаликни барпо этиш борасида жиддий фаолият қилишга қўшилиш ҳамда Ибн Салмонни ўзгартириш ишида Росул ﷺ ни имом ва ўрнак қилиб олиш билан бўлади. □

ШАЙХ УСОМА РИФОЙЙ: ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТАШКИЛОТИДАГИ АЁЛЛАР БМТ ВА ҒАРБ ТОМОНИДАН ЁЛЛАНГАН БЎЛИБ, АЁЛЛАРИМИЗНИ БУЗИШ УЧУН ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРИШАДИ

128 нафар исломий уламо ва даъватчилардан ташкил топган «Сурия Ислом кенгаши»га раҳбарлик қилувчи шайх Усома Рифоийнинг Ҳалаб яқинидаги Эъзоз шаҳри масжидида қилган хутбаси кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Айни кенгаш орқали тарқатилган видеоёзувда шайх Усома фуқаролик жамияти ташкилотларига ҳужум қилиб, уларда ишлайдиган аёлларни «БМТ ва Ғарбга ёлланган аскарлар», дея таърифлади. У жумладан «Бизнинг тилимизда сўзлашувчи, ўзимизнинг юртимиз ва шаҳримиздан бўлган бир қанча аёллар бор бўлиб, улар БМТ ва бошқа ташкилотлар томонидан ёлланган», деди. Сўнг «Улар қизларимиз орасида салбий ғояларни, айниқса, «хотин-қизлар озодлиги» ва «гендер тенглиги» ҳақидаги ғояларни тарқатувчи дезинформацион марказларда ишлайдилар», дея қўшимча қилди. У яна бундай деди: «Бу аёллар бизнинг аёлларга сиз эрингиз, отангиз ва акаларингизга қул бўлиб қолгансиз. Сизлар уларнинг сўзини тингламанг, буйруғига итоат этманг ва тўла эркинликка эришинг дейишмоқда. Сўнг уларга адашган ва адаштирувчи бузуқ ахлоқларни, шармандалик, яланғочлик ва Исломдан бўлмаган бошқа нарсаларни сингдиришмоқда. Улар бизнинг аёлларимизни бузиш учун Ғарбдаги йирик доиралар томонидан ёлланган кимсалардир».

Бироқ ушбу видео ёзувдан кўп ўтмай, феминист ташкилотлардан фарқ қилмайдиган «Сурия феминистлари лоббиси», «Тенглик ташкилоти», «Сурия инсон ҳуқуқлари тармоғи» каби шубҳали илмоний ташкилотлар пайдо бўлди. Улар 2020 йил март ойидан 2021 йилнинг март ойигача Суриянинг шимоли ғарби ва шимоли шарқида камида 67 нафар аёл эри ёки отаси ёки акаси томонидан итоатсизликда айбланиб зулмга учраган, деган шубҳали ҳисобот тарқатишди. Улар шунингдек, суриялик аёлларга нисбатан даҳшатли ҳуқуқбузарликлар даъво этаётганига ишора қилиб, уларнинг меҳнат ҳуқуқларининг бузилаётгани ва гендер камситишларга учраётгани ҳақида бонг уришмоқда.

Британиядаги Ланкастер университетининг сийасатшунослик фанлари доктори Раҳаф Дагли шайх Усома Рифоийнинг хитобини «ахлоқий бузилиш каби нарсаларни баҳона қилиб, бошқаларни шайтонга чиқаришга асосланган», дея таърифлади. У қўшимча қилиб бундай деди: «Рифоийнинг нутқи аёлларга нисбатан зўравонликни ифодалаб, аёл кишини бегона элемент сифатида кўрсатади ҳамда жамиятдаги меъёр ва урф-одатлардан ташқарига чиқиб кетгани учун уни шайтонга чиқаради».

Ал-Ваъй: Булар диндан ажралган гуруҳ бўлиб, бир сиқим озчиликни ташкил қилишади. Улар «мусулмонларни қишлоғингиздан чиқариб юборинглар, чунки улар ҳаддан ортиқ покиза одамлар экан», деган кимсаларга ўхшаб, Исломни ўзгартиришни, алмаштиришни ва бузишни исташади. Мамлакат ичкараси ва ташқарисидаги мусулмонларга келсак, Умматимиз ягона уммат ва ғам-ташвишимиз ҳам битта бўлгани ҳамда Ислом ўзлари учун жуда кўп нарсани англагани учун улар шайхнинг хутбасини жуда кенг миқёсда қўллаб-қувватладилар. Ўз навбатида, бу ҳолат Умматда ўзига қарши кофирлар томонидан тузилаётган режалар борасида ваъйи ом мавжудлигини ёрқин кўрсатиб турибди. Шунинг учун фаол аёллар шайхнинг хутбасига нисбатан бир оз хавфсираш ва эҳтиёткорлик билан ёндашдилар, ўзларининг хавфсизлигидан хавотирланиб, баёнот беришдан тийилдилар. Лекин фуқаролик жамиятлари, илмоний зиёлилар ва Ғарбга тобе ахборот воситалари гўё уларнинг «вакиллари» сифатида чиқиб, уларни «ҳимоя» қилишга шошилишди. □